



USAID
AMERIKA XALQIDAN



O'zbekiston Respublikasi
Adliya Vazirligi

“

Ўзбекистон Республикасининг
«Хотин-қизлар ва эркеклар учун
тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар
кафолатлари тўғрисида»ги қонунига
ШАРҲ



КОММЕНТАРИЙ
к Закону Республики Узбекистан
«О гарантиях равных прав
и возможностей для женщин
и мужчин»

”

Ушбу Қонун кучга
кирганлигининг

5 йиллигига
бағишланади



USAID
AMERIKA XALQIDAN



O'zbekiston Respublikasi
Adliya Vazirligi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

Ушбу Қонун кучга
кирганлигининг

5 йиллигига
бағишланади

Тошкент–2024 йил

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунига қилинган ушбу шарҳ унинг 2024 йил 1 июль ҳолатидаги амалдаги таҳририга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган.

Бу шарҳ кенг китобхонлар, хусусан, давлат хизматчилари, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, эксперт ва мутахассислар, ўқитувчилар, талабалар, магистрантлар, докторантлар, шунингдек, қонунчиликдан манфаатдор ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этувчи фуқаролар учун мўлжалланган.

Мазкур шарҳ USAIDнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий ислохотлар дастури доирасида тайёрланган ва ушбу Қонун қабул қилинганининг беш йиллигига бағишланди.

Мазкур қўлланма АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида ишлаб чиқилган. Ушбу нашр мазмуни учун масъулият «Tetra Tech» ДПКга юклатилади, у USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуқтаи назарини акс эттириши шарт эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раҳбари **Нарбаева Т.К. умумий таҳрири остида**

Масъул муҳаррирлар: Назарова Р., Раҳимова М.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Маҳкамova З.Б.

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Парпибоева О.А.

Муаллифлар жамоаси

Малика Кадирханова, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси – 10-модда.

Лола Саидова, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими – 9, 11, 12, 14, 15, 18, 19-моддалар.

Фозилжон Отахонов, юридик фанлар доктори, Судьялар олий мактаби профессори – 16, 17, 21, 22-моддалар.

Гулнора Ишанхонова, Халқаро юристлар комиссияси эксперти – 24, 28, 29-моддалар

Фируза Ҳамдамова, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, гендер тенглик бўйича эксперт – 3, 4, 6, 8, 26, 27-моддалар.

Дилафруз Суфиева, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик департаменти бошлиғи ўринбосари, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори – 1, 2, 7, 13, 20, 25, 30, 31, 32-моддалар.

Камола Алиева, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, гендер тенглик бўйича эксперт, Тошкент давлат юридик университети доценти – 5, 81, 82-моддалар.

Хуршида Сайдивалиева, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, «Оила ва гендер» илмий-тадқиқот институти бўлим мудири – 121, 24-моддалар.

Гўзал Эргашева, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси бош маслаҳатчиси – 23-модда.



МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	6
1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	9
1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади	10
2-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик	14
3-модда. Асосий тушунчалар.....	20
4-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари.....	23
5-модда. Жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик	27
6-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш кафолатлари	37
7-модда. Гендер-ҳуқуқий экспертиза.....	40
8-модда. Гендер статистикасини шакллантириш.....	50
8 ¹ -модда. Гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари.....	52
8 ² -модда. Гендерга оид аудитни ўтказиш ва унинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби	56
2-БОБ. ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ	59
9-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.....	60
10-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви.....	65
11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари.....	69
12-модда. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг ваколатлари.....	70
12 ¹ -модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг ваколатлари.....	73

13-модда. Давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари.....	87
14-модда. Давлат органларидаги ваколатли шахснинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари.....	104
15-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироки	105
3-БОБ. ДАВЛАТ ХИЗМАТИ СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ.....	109
16-модда. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш	110
17-модда. Давлат хизматидаги лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши	114
4-БОБ. САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ	115
18-модда. Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш.....	116
19-модда. Сайлов комиссияларини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш.....	117
5-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ	119
20-модда. Иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари	120
21-модда. Меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари	124
22-модда. Жамоа шартномалари ва келишувларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари	127
23-модда. Ижтимоий ҳимоя соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари	130



24-модда. Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари	135
25-модда. Уй меҳнاتини бажаришда тенг муносабатлар кафолатлари	155
6-БОБ. ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ҲАМДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТЛАРИ.....	157
26-модда. Таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари	158
27-модда. Соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари	163
7-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР	167
28-модда. Жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш фактлари устидан шикоят қилиш	168
29-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик	170
30-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш	176
31-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш.....	181
32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши	184

СЎЗ БОШИ

Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг кафолатланиши инсон ҳуқуқларининг энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Гендер тенглиги жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Хотин-қизлар ҳам, эркеклар ҳам ўз инсоний салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Мазкур масаланинг долзарб аҳамиятини инобатга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқда гендер тенглигини таъминлаш кафолатлари мустаҳкамланган.

Ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумеътироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида дунёнинг турли давлатларининг миллий қонунчилиги шакллантирилган.

Бу борада Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, гендер тенглигининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда узоқ йўлни босиб ўтди.

Бугунги кунда ушбу соҳадаги қонунчилик базаси 500 дан ортиқ турли ҳужжатларни ўз ичига олади.

Хусусан, Ўзбекистон Конституцияси, кодекслар, қонунлар ва қонуности ҳужжатларда гендер тенглигини таъминлашга оид нормалар ўрин олган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, жумладан, гендер тенглиги соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилди.

2019-йилда «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ва «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги иккита махсус қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда гендер тенглигининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур қонунлар хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, шунингдек аёлларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Ўз навбатида, махсус қонунларнинг қабул қилиниши гендер тенглигини таъминлаш соҳасидаги йўлнинг бошланиши ҳисобланади.

Жамиятга нафақат яхши, балки амалда ишлайдиган қонунлар керак.

Барчага маълумки, қонунлар мутахассис бўлмаганлар учун тушуниш қийин бўлган жуда мураккаб тилда ёзилади.

Шу боис, қонунни амалда татбиқ этишнинг муҳим шарти унинг матнини шарҳлаш ҳисобланади.



Қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги асосий вазифаларидан биридир.

Ушбу вазифага мувофиқ, шунингдек, гендер сиёсатини илгари суриш мақсадида Адлия вазирлиги «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга шарҳ тайёрлаш ташаббуси билан чиқди.

«Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга таёрланган шарҳда ҳар бир модданинг мазмун-моҳияти тушунарли ва қизиқарли шаклда очиб берилган, хусусан:

- Қонуннинг мақсади, асосий тушунчалари ва тамойиллари;
- гендер-ҳуқуқий экспертиза;
- гендер статистикаси ва гендер аудити;
- ушбу соҳадаги давлат сиёсати ва давлат бошқаруви, шу жумладан масъул идораларнинг ваколатлари;
- давлат хизмати, сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда, шунингдек, таълим, фан ва маданият соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг кафолатлари;
- жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш фактлари устидан шикоят қилиш, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ва бошқалар масалаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Ушбу ташаббусни Америка Қўшма Штатлари Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID)нинг Ҳуқуқий ислоҳотлар дастури (Legal Reform Program) доирасидаги кўмаги туфайли амалга оширишга эришилди.

Фурсатдан фойдаланиб, USAIDнинг Ҳуқуқий ислоҳотлар лойиҳаси жамоасига ўз миннатдорчилигимни билдираман ва Адлия вазирлигининг барча ҳамкорларини жамият томонидан юқори талабга эга бўлган ҳуқуқий сиёсат соҳасидаги ташаббусларини амалга оширишда иштирок этишга чорлайман.

Гендер сиёсати билан бевосита боғлиқ бўлган қонунга биринчи шарҳни тайёрлашда муаллифларнинг нуфузли жамоасини кўриш қувонарли ҳолат.

Муаллифлар норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида катта тажрибага эга бўлиб, бу уларга турли маълумотларни кенг доирада ёритиш, шунингдек, амалий жиҳатлар юзасидан ўз қарашларини ҳисобга олган ҳолда шарҳлар тайёрлаш имконини берди.

Олим ва амалиётчиларнинг фаол қўллаб-қувватлаши қонунларга шарҳлар мазмунининг юқори сифатини кафолатлайди.

Ишончим комилки, бу шарҳ жамоатчилик орасида юқори талабга эга бўлади.

Бундан ташқари, гендер сиёсатини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштириш истиқболлари олимлар ва амалиётчиларнинг диққат-эътиборида бўлгани боис «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга тайёрланган шарҳнинг аҳамияти яққол кўриниб турибди.

Мазкур шарҳ нафақат профессионал жамоатчилик (олимлар, амалиётчилар, назариячилар, мутахассислар, депутатлар, давлат идоралари ходимлари) балки кенг доирадаги китобхонлар орасида ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Ушбу шарҳнинг илмий ва амалий аҳамияти юқори эканлигига ишонч билдирган ҳолда, ташаббусимиз натижалари гендер сиёсатини янада фаол тарғиб қилишга хизмат қилади деб умид қиламан.

**Адлия вазири
А. Ташкулов**



1-БОБ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-мoддa. Ушбу Қoнуннинг мақсади

Ушбу Қoнуннинг мақсади хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсон ҳуқуқлари қонун устуворлиги билан ҳимоя қилиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган¹. Халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик конституция ва қонунларнинг бошқа қонунчилик ҳужжатларига нисбатан сўзсиз устунлигини тан олади. Қонун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий турларидан биридир.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир².

Конституция, кодекслар, қонунлар ва парламент қарорлари қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади, давлат раҳбарининг фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, вазирлик ва идораларнинг фармойишлари ва қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатлари ҳисобланади, чунки улар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ва улар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинади.

Қонунчилик ҳужжатларининг юқори иерархик даражада жойлашуви қонунларни, одатда, давлатнинг олий вакиллик органи бўлган парламент томонидан қабул қилиниши билан боғлиқдир. Жамият ва давлат учун энг муҳим масалалар, жумладан, инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалалар одатда қонунлар даражасида тартибга солинади.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги дастлаб 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган эди³. Шундан сўнг, 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдумда умумхалқ овоз бериш йўли

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1948 йил. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml.

² Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. 2021 йил. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/5378966>

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.



билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳририга ҳам хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги конституциявий норма киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида «*Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди*», деб қўшимча кафолатланган»¹.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги битта конституциявий норма билангина қамраб олинмайдиган жуда кўп жиҳатларни ўз ичига олади. Шу боис аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди².



МИСОЛЛАР ВА ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАР

Масалан, **Швейцария**да 1995 йилда «Хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги тўғрисида»ги Федерал қонуни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади аёллар ва эркаклар ўртасидаги амалдаги тенгликка кўмаклашишдир³. Бу мақсаддан келиб чиқадиги, амалда аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизлик билан боғлиқ ижтимоий муаммо мавжуд ва бу қонун уни ҳал этишга қаратилган.

Финляндия қонун чиқарувчи органи ҳам ана шундай ёндашувга амал қилади. Хусусан, **Финляндия**нинг «Эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги тўғрисида»ги қонунининг мақсади гендер асосидаги камситишларнинг олдини олиш, эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиikka кўмаклашиш, шунингдек, аёлларнинг, айниқса меҳнат соҳасидаги ҳолатини яхшилашдир. Мақсадидан келиб чиқиб, ушбу Қонуннинг қоидалари уч турга бўлинади: гендер тенгликни таъминлашга кўмаклашувчи қоидалар, камситишларни тақиқлаш, шунингдек, қонун ижросини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва назорат қилиш билан боғлиқ қоидалар⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.

² Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4494849>.

³ Швейцариянинг «Хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги тўғрисида»ги Федерал қонуни, Федерал қонунчилик нашрлари платформаси https://www.fedlex.admin.ch/eli/cc/1996/1498_1498_1498/de.

⁴ «Эркаклар ва хотин-қизлар тенглиги тўғрисида»ги қонун ижросини назорат қилиш. [Эл.ресурс] URL: <https://tasa-arvo.fi/en/kontrol-ispolnenia-zakona-o-ravenstve-muzcin-i-zensin->



МИСОЛЛАР ВА ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАР

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида камситишларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлари, эркинликлари ва имкониятларини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, камситишнинг олдини олиш ва бартараф этишга кўмаклашиш каби ҳаракатлар **Грузия**нинг «Гендер тенглик тўғрисида»ги қонуни мақсадлари сифатида белгиланган¹.

Озарбайжон Республикасининг «Гендер (эркак ва аёл) тенгликни таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг мақсади жинсий мансублигига кўра камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш, эркаклар ва аёллар учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг имкониятлар яратиш этиб белгиланган².

Қирғизистон Республикасининг «Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларнинг давлат кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг мақсади жамият ҳаётининг барча жабҳаларида аёллар ва эркакларнинг тенгликка эришишдан иборат³.

Юқоридаги мисоллар мақсадларининг мазмуни қонунчиликнинг гендер тенгсизлик муаммосини қонунчилик даражасида ҳал қилишга интилишидан далолат беради. Бундай ёндашув, ўз навбатида, қонуннинг мақсадини белгилаш талабларига жавоб беради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни мақсадини бироз бошқача тарзда ифодалаб, уни аёллар ва эркаклар учун ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлашнинг конституциявий кафолатларига тўлиқ мос келувчи, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш шаклида тақдим этишимиз мумкин.

¹ Грузиянинг «Гендер тенглик тўғрисида»ги қонуни, Грузия қонунчилик ҳужжатлари ахборотномаси, <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/91624?publication=10>.

² Озарбайжон Республикасининг «Гендер (эркак ва аёл) тенгликни таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, МДХ давлатларининг қонун ҳужжатлари портали, https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=14452.

³ Қирғизистон Республикасининг «Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларнинг давлат кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, Қирғизистон Республикаси Ҳуқуқий ахборотнинг марказлаштирилган маълумотлар банки. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://cbd.minjust.gov.kg/202398/edition/382698/ru>.



МИСОЛЛАР ВА ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАР

Бу борада **Молдова** тажрибаси қизиқиш уйғотади, бу ерда махсус қонун гендер тенгликнинг конституциявий кафолатларини таъминлашнинг батафсил механизми ҳисобланади. Хусусан, Молдова Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг имкониятларни таъминлаш тўғрисида»ги қонунининг мақсади, Молдова Республикаси Конституцияси билан кафолатланган, жинс белгиси асосидаги камситишнинг барча шакллари олдани олиш ва уларга барҳам бериш учун аёллар ва эркаларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлашдан иборат¹.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари, жумладан, БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш кўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш натижасида қатъий тавсия этилган. БМТ ИХКнинг Ўзбекистон маърузасини кўриб чиқиш яқунларига кўра тақдим этилган Универсал даврий шарҳида (УДШ) ҳам ана шулар тавсия қилинди². Қонуннинг қабул қилиниши қонунчиликни халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Кўпгина глобал гендер индексларида (рейтингларида) хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга етакчи давлатлар Исландия, Финляндия, Нидерландия, Дания ва Швеция ҳисобланади. Бу мамлакатларнинг барчасида гендер тенглик бўйича қонунлар амал қилади.

Умуман олганда, қонуннинг қабул қилиниши хотин-қизлар ҳолатини яхшилаш, аёлларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига эътиборни кучайтириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имкониятларини кенгайтириш, барча соҳаларда гендер тафовутини камайитишга хизмат қилади.

¹ Молдова Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг имкониятларни таъминлаш тўғрисида»ги қонуни Хужжат матни ушбу ҳаволада: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30622825&pos=5;-107#pos=5;-107.

² Универсал даврий шарҳ бўйича ишчи гуруҳининг ҳисоботи. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 39-сессияси, 2018 йил 10–28 сентябрь.

2-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Қонунчилик – бу энг умумий маънода қонунлар тўпламидир. Юқорида, 1-моддага қилинган шарҳларда муҳокама қилинган барча қонун ҳужжатлари, хусусан, Конституция, кодекслар, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг, вазирлик ва идораларнинг фармойишлари ва қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигини ташкил қилади.

2-моддада «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан бир қаторда бошқа қонун ҳужжатларига ҳам ҳавола қилинган.

Шундай қилиб, **миллий қонунчилик қуйидагилардан иборат:**

- хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги билан бевосита боғлиқ бўлган **махсус қонунлар**;
- ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида хотин-қизлар ва эркакларга билвосита алоқадор **умумий қонунлар**.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Lex specialis derogat generali (лот. (лотин тилидан – «махсус қонун умумий қонунни бекор қилади (сиқиб чиқаради)») – Рим ҳуқуқидан келиб чиққан умумий ҳуқуқ принципи, бу ерда умумий (*generalis*) ва махсус (*specialis*) меъёрлар ўртасида рақобат мавжуд бўлганда, табиати, талқини ва қўлланилишидаги афзалликлар махсус меъёрларга бўйсунуши зарур.



Ҳуқуқий ахборотнинг расмий манбаларида келтирилган қонун ҳужжатларини батафсил кўриб чиқамиз. Расмий нашрларда эълон қилиш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳақиқийлигининг асосий шартидир. Шундай қилиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон версиялари расмий манба – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасида (lex.uz) тақдим этилади.

Расмий нашрларда керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излашни осонлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори тасдиқланди¹. Масалан, ушбу умумҳуқуқий классификаторда «01.06.10.00 Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар» коди мавжуд бўлиб, у орқали бизни қизиқтирган, хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглигига бевосита тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатларни топишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси ҳисобланган lex.uz маълумотларига кўра, гендер тенгликни таъминлаш соҳасида бир қатор махсус қонунлар қабул қилинган. Шундай қилиб, «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги ва «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар тўлиқ хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига қаратилган.

Гендер масалалари билан боғлиқ умумий қонунларга мисол сифатида «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунни келтириш мумкин. Бир қарашда, биз уни махсус қонун деб атай олмаймиз, чунки субъектив маънода у аёлларга ҳам, эркакларга ҳам тенг даражада тааллуқлидир. Шу билан бирга, «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонуннинг айрим қисмлари аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари масаласига бағишланган. Бунга мисол тариқасида мазкур Қонуннинг 29-моддасини келтириш мумкин, унга кўра, давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш учун номзодларга жинсидан қатъи назар, ҳуқуқларининг тенглиги кафолатланади². Бундай қонун ҳужжатларини гендер жиҳатдан таъсирчан қонун ҳужжати, деб таснифлаш мумкин.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Гендер жиҳатдан таъсирчан қонунчилик гендер жиҳатларини ҳисобга олган ва шунга мос равишда қонунчилик тизимларини очиқ ва яширин гендер масалаларига нисбатан таъсирчанроқ қиладиган қонун ҳужжатлари тўпламидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/1967562>.

² Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилдаги «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонуни Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6145972>.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Гендер жиҳатдан бетараф қонунчилик универсал характерга эга бўлган қонун ҳужжатларидан иборат бўлиб, улар алоҳида (аниқ) гендер ҳолатларини ҳамда аёллар ва эркеклар ўртасидаги ҳуқуқ ва имкониятлар мувозанатини назарда тутмайди¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида», «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида», «Ички ишлар органлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида», «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларда ҳам жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги аниқ кўрсатилган меъёрлар мавжуд.

Айрим қонунчилик ҳужжатларида **махсус қонунга бевосита ҳаволалар мавжуд**. Масалан, «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида келтирилишича, «ўз ҳуқуқлари бузилган, «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга»² эканлиги белгиланган.

Жинсдан қатъи назар, субъектларнинг тенглигини ўрнатадиган гендер нормаси аксарият кодексларда ўз аксини топган. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекслар, шунингдек, Жиноят, Жиноят-процессуал, Оила, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал, Сайлов, Меҳнат кодексларида фуқароларнинг, жинсдан қатъи назар, қонун олдида тенглик принципини назарда тутувчи алоҳида моддалар мавжуд.

¹ Gender-neutral legislation, European Institute for Gender Equality, https://eige.europa.eu/publications-resources/thesaurus/terms/1353?language_content_entity=en.

² Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилдаги «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонуни Ҳужжат матни куйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/6502543>.



ГЕНДЕР ЖИХАТДАН ТАЪСИРЧАН ҚОНУНЧИЛИККА МИСОЛЛАР

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш, шу жумладан хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқчилигини очикдан-очик инкор этиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш, худди шунингдек бундай хатти-ҳаракатларни омма олдида оқлаш ва (ёки) рағбатлантириш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган¹.

Жиноят кодексда фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини бузганлик (жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этниқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш) учун жиноий жавобгарлик белгиланган².

Меҳнат кодексининг 244-моддасида тенг қийматли меҳнат учун эркеклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўланишини таъминлаш кафолатланади³. Меҳнат кодексда Аёлларнинг ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган алоҳида параграф мавжуд⁴.

Оила кодексининг 2-моддасида оилавий муносабатларда аёл ва эркекнинг тенг ҳуқуқчилиги тилга олинади⁵.

Солиқ кодекси, биринчи қарашда, гендер жиҳатдан бетараф қонун тоифасига киради. Аммо унинг матнида гендер сиёсатини амалга оширишни таъминлаш учун вақтинчалик махсус чора-тадбирларга оид меъёрлар борлигини кўриш мумкин. **Солиқ кодексда** вақтинчалик солиқ имтиёзлари назарда тутилган. Жумладан, 2022-йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январгача бўлган даврда Меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларнинг реестрига киритилган ҳудудларда ходимларининг

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/97664>.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/111453>.

³ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6257288>.

⁴ Шу ерда..

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/104720>.



ГЕНДЕР ЖИХАТДАН ТАЪСИРЧАН ҚОНУНЧИЛИККА МИСОЛЛАР

умумий сони 10 нафардан кам бўлмаган ҳамда у ерда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган кичик тадбиркорлик субъектлари ўзида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан олинadиган ижтимоий солиқни 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлаши белгилаб қўйилган¹.

Шарҳланаётган моддада махсус қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола билан бир қаторда *«агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва эркаklar учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари»* қўлланилиши ҳақидаги меъёр ҳам мавжуд.

Бу қоида Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги тамойили назарда тутилганлиги билан боғлиқ.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги – бу халқаро ҳуқуқ нормалари ва давлатларнинг мажбуриятларининг ички тартиб-қоидаларидан устунлигидир².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, *«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир»*. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, *Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади*³.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонунда халқаро шартномани имзолаш ва тузиш каби

¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4674902>.

² Жамиятшунослик фани бўйича атамалар изоҳли луғати. Н.Е. Яценко. 1999. [Эл.ресурс]URL: https://www.slovarnik.ru/html_tsot/p/primat-mejdunarodnogo-prava.html.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.



тушунчалар берилган бўлиб¹, бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдиришини назарда тутди.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини имзолаш – халқаро шартномани тузиш босқичи ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига бўлган розилигини, агар халқаро шартномада имзолаш шундай кучга эга эканлиги назарда тутилган бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг ва музокараларда иштирок этаётган бошқа томонларнинг имзолаш шундай кучга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги келишуви бошқача тарзда белгиланган бўлса ёки имзолашга шундай куч бериш мақсади музокараларда иштирок этаётган томон вакилининг ваколатларидан келиб чиқса ёхуд музокаралар вақтида билдирилган бўлса, билдириш шакли.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш – халқаро шартноманинг мазмунини шакллантириш, унинг матнини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдиришга доир тартиб-таомиллар кетма-кетлиги.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги халқаро шартномани имзолаш, ноталар, хатлар ёки халқаро шартномани ташкил этувчи бошқа ҳужжатлар алмашиш, халқаро шартномани ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш, унга қўшилиш орқали ёки ахдлашувчи томонлар келишиб олган бошқа ҳар қандай усулда билдирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ушбу Қонун талабларини ҳисобга олган ва халқаро шартнома қоидаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш усулини аниқлайди.

Умуман олганда, кўриб чиқилаётган соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш манбалари сифатидаги махсус, умумий қонунлар, халқаро шартномалар хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини таъминлаш соҳасида бир-бирини мустаҳкамлаш ва тўлдиришга қаратилган.

¹ «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни Ҳужжат матни куйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4193761>.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар – жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар;

гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;

гендер статистикаси – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми;

гендер-ҳуқуқий экспертиза – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш;

гендерга оид аудит – давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини, шунингдек гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш;

жинс бўйича бевосита камситиш – жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;



жинс бўйича билвосита камситиш – бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш;

гендерга доир комплекс ёндашув – давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз фаолиятини, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришни хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этиш.

Ушбу қонун «гендер» тушунчасини мустаҳкамлайди. Аввало, шуни таъкидлаш керак, қонунда берилган **«гендер»** атамасининг таърифи гендернинг қўш (бинар) тушунчасини, яъни иккита жинс – аёллар ва эркаклар борлиги ва уларнинг тенглигини белгилайди.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Гендернинг қўш тушунчаси

Қўш гендер тизимида жамият одамларни **эркаклар** ва **аёлларга** ажратади, уларга туғилиш пайтида эркак ёки аёл жинсини белгилайди ва ҳар бир жинсга муайян гендер роли, ўзига хослик ва хусусиятларни белгилайди.

Гендер тушунчаси илмий доираларда илк бор психоаналитик Роберт Столер томонидан қўлланилган¹. У 1958 йилда фанга «гендер» (гендернинг ижтимоий кўринишлари ёки «ижтимоий гендер») атамасини киритди. 1963 йилда у Стокгольмда бўлиб ўтган психоаналитиклар конгрессида нутқ сўзлаб, гендерни ўрганиш биология ва физиология фанларининг предмети деб ҳисобланиши шарт бўлиши, уни ижтимоий нуқтаи назардан таҳлил қилиш психологлар ва социологлар томонидан амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар, маданий ва тарихий ҳодисалар таҳлилининг предмети сифатида қаралиши мумкинлигини таъкидлади. Р. Столлернинг гендер масалаларини ўрганишда биологик ва маданий компонентларни ажратиш кераклиги ҳақидаги таклифи замонавий гуманитар фанларда алоҳида йўналиш – гендершунослик ёки гендер тадқиқотларининг шаклланишига туртки бўлди.

¹ Лушников А., Лушникова М, Тарусина Н. Гендер в законе: Монография-Москва: Проспект, 2021. - С.22.

Бу моддада **«гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар»** тушунчасини мустаҳкамлайди. Аксар ҳолларда, гендер квоталари гендер тенгликка эришишни тезлаштириш учун мўлжалланган вақтинчалик махсус чоралар сифатида қўлланилади. Вақтинчалик махсус чоралар ва гендер квоталари тўғрисида батафсил маълумот 6-моддага шарҳларда келтирилган.

Бу моддада жинс бўйича **бевосита ва билвосита камситиш** тушунчаларига ҳам аниқлик киритилади. Бу тушунчаларни қонунга мустаҳкамлаш катта амалий аҳамиятга эга, чунки ҳуқуқий тенглик ҳар доим ҳам ҳақиқий тенгликка эришишни англатмайди. Дунёнинг аксарият давлатларининг қонунчилиги хотин-қизлар ва эркаларнинг тенглигини мустаҳкамлайди, аммо амалда ҳамон жинсига қараб камситиш сақланиб қолмоқда. Гарчи кўп мамлакатларда жинс бўйича бевосита камситиш мавжуд бўлмаса-да, салбий гендер стереотиплари туфайли анъанавий қадриятлар кўпинча сақланиб қолмоқда, жинс бўйича билвосита камситиш ҳалиям мавжуд бўлиб, бу нарса моддий тенгликка эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Билвосита камситиш ташқаридан бетараф кўринадиган амалиёт, сиёсат ёки қоида ҳамма учун бирдек қўлланилганда юзага келади, лекин унинг оқибатлари баъзи одамларга хос хусусиятлар туфайли бошқаларга қараганда ёмонроқ таъсир қилади. Масалан, меҳнат қонунчилиги ишга қабул қилишда тенг ҳуқуқ ва имкониятларни кафолатлайди ҳамда камситишларни тақиқлайди, бироқ амалда ишга қабул қилишда кўпинча аёл номзодлардан кўра эркак номзодларга устунлик берилади. Шу боис, бугунги кунда қонунчиликни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларидан бири гендерга бетараф бўлган қонунлардан четлашиш ва кўпроқ гендер жиҳатдан таъсирчан қонунларни қабул қилишдир.

Қонунда мустаҳкамланган энг муҳим концепция **«гендерга доир комплекс ёндашув»** тушунчасидир. 2030 йилгача бўлган даврда глобал кун тартиби нафақат гендер тенгликни таъминлашни, балки барча соҳаларда гендер муаммосини ҳал қилиш, яъни гендерга доир комплекс ёндашувни ҳам талаб қилади. **Ўзбекистонда барқарор ривожланишнинг барча мақсадларига гендер жиҳатларининг киритилиши миллий даражада ўз аксини топган. Қонунчиликда «гендерга доир комплекс ёндашув» тушунчаси мустаҳкамланган.** Глобал мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда барқарор ривожланиш миллий мақсадлари қабул қилинган ва уларга эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, деярли барча соҳаларда 2030-йилгача ривожланиш концепциялари ва стратегиялари, жумладан, **2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси** ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ҳам қабул қилинган бўлиб, уларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.



2030 йилгача мўлжалланган миллий концепция ва ривожланиш стратегиялар шуни кўрсатадики, 2019 йилдан кейин, яъни иккита гендер қонуни қабул қилингандан сўнг концепция ва ривожланиш стратегияларида гендер тенгликни таъминлашга оид қоидалар мавжудлигини бемалол қайд этиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида қизларнинг таълим олишига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясида қизларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2025-йилларга мўлжалланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш концепциясида хотин-қизларга оид алоҳида қоидалар киритилган.

Шундай қилиб, гендер масаласи ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ривожланиш концепцияларига кўпроқ киритилган. Қонунчиликда мустаҳкамланган гендер масалаларига комплекс ёндашув барча ривожланиш концепциялари ва стратегияларига гендер масалаларини киритишни тақозо этади. Ривожланиш концепциялари ва стратегияларида гендер масаласини ҳисобга олиш комплекс гендер ёндашувини амалга ошириш ва умуман, гендер сиёсатини янада самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Гендерга доир комплекс ёндашувнинг воситалари қуйидагилардир:

- гендер статистикаси;
- гендерга оид аудит;
- қонун ҳужжатларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси.

Бу моддада «гендер статистикаси», «гендерга оид аудит» ва «гендер-ҳуқуқий экспертиза» тушунчалари мустаҳкамланган. Улар ҳақида батафсил маълумот кейинги моддаларга (7, 8, 8¹, 8²-моддаларга қаранг) шарҳларда келтирилади.

4-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;

- демократизм;
- хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги;
- очиқлик ва шаффофлик.

Қонунинг 4-моддаси хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари эканини мустаҳкамлайди.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ҳуқуқ принциплари – бу ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмуни ва йўналишларини белгилаб берувчи таянч ҳуқуқий меъёрлар.

Унда, аввало, **қонунийлик принципи** мустаҳкамланган. Бу принцип қонунлар ва уларга асосланган меъерий ҳужжатларнинг қатъий бажарилиши талабини назарда тутаяди. Қонунийлик принципи қонуннинг аниқ бажарилишини талаб қилишни ўз ичига олади. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, зарурий ҳуқуқий тартибни фақат қонун чиқариш билан таъминлаб бўлмайди. Муносабатларнинг муайян соҳасида ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга оладиган яхши қонун қабул қилишгина эмас, балки ушбу қонуннинг тўғри талқин қилиниши ва амалда қўлланилишини, мажбурият юкланувчи барча шахслар томонидан унинг тўғри бажарилишини таъминлаш, жамиятда унинг чуқур тарзда тушунилиши ҳам муҳимдир.

Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг кодексларида бир неча бор қайд этилган. Конституциянинг 15-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади». Шунингдек, бу моддада «Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар», дея таъкидланади.

Бу принцип гендер асосидаги камситишга барҳам беришда муҳим аҳамиятга эга, чунки бу камситиш кўпинча салбий гендер стереотиплари туфайли юзага келади. Салбий гендер стереотиплари кўпинча гендер қонунчилигини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилади ва камситишдан жабр кўрган шахсларни самарали ҳимоя қилиш учун асосий тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Гендер тенгликни таъминлаш ва гендер асосидаги камситишга барҳам бериш учун аёлларнинг мавқеини камситувчи, уларга нисбатан камситишларга олиб келадиган ёки ҳатто уни оқлайдиган салбий гендер стереотипларига барҳам бериш, шу орқали қонунчиликка риоя этилишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.



Гендер тенглик бўйича халқаро ташкилотларнинг аксарият ҳисоботларида айнан салбий гендер стереотиплари гендер қонунчилигини тўлиқ ва самарали амалга ошириш йўлидаги асосий тўсиқ эканлиги қайд этилган.

Демократизм принципи Ўзбекистон Конституциясида белгиланган асосий тамойиллардан биридир. Ўзбекистон Асосий қонунининг муқаддимасида Ўзбекистон халқининг демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқати тасдиқланади. 13-моддага кўра, *«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»*.

Демократизм принципи қонун ижодкорлиги фаолиятида халқнинг бевосита иштирок этишини, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш зарурлигини назарда тутди. Таъкидлаш керакки, мазкур қонунни қабул қилишда нафақат халқаро ташкилотларнинг тавсиялари, балки жамоатчилик фикри ҳам инobatга олинган. Қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун regulation.gov.uz веб сайтига жойлаштирилган. Уни ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти вакиллари кенг иштирок этдилар. Фуқаролик жамияти ҳозирги кунга қадар қонун ижроси ва уни янада такомиллаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда. Гендер қонунчилигига риоя этилишини баҳолаш, унинг ижросини кузатиш ва ушбу соҳадаги асосий муаммоларни аниқлаш учун гендер тенглик масалалари бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш амалиёти тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Гендер сиёсатини янада такомиллаштиришда фуқаролик жамиятининг фаол иштироки барча ривожланиш стратегиялари ва концепцияларида назарда тутилган.

Қонунда мустаҳкамланган навбатдаги принцип – **хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги**дир. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилиги конституциявий тамойиллардан биридир. Бу тамойилнинг энг муҳим жиҳати гендер тенглик, яъни хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилигидир. Бу принцип БМТ Низоми ва инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномаларда мустаҳкамланган. Ҳозирги кунда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги нафақат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тамойиллар, балки барқарор ривожланиш мақсадларидан бири ҳисобланади.

Бу тамойил дунёнинг деярли барча конституцияларида, жумладан, Ўзбекистон конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. **Конституциянинг 58-моддасида** *«Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди»*, – деб белгиланган.

«Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги» тушунчаси билан бир қаторда «жинсларнинг тенглиги» ва «гендер тенглик» тушунчалари қўлланилади. Шу билан бирга, хотин-қизлар ва эркакларнинг нафақат

ҳуқуқий, балки ҳақиқий тенглигини таъминлаш учун нафақат ҳуқуқлар, балки имкониятлар тенглигини ҳам таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу тамойилга **гендер асосидаги камситишларга йўл қўймаслик принципи** мазмунан яқин саналади.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

CEDAW конвенциясининг 1-моддасига кўра, **«хотин-қизларнинг камситилиши»** тушунчаси, ҳар қандай фарқ жинсий белгиларига кўра истисно қилиш, чеклаш, тан олмаслик, йўққа чиқариш ёки бўшаштиришга йўналтирилган, аёллар фойдаланаётган ёки амалга ошираётган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа соҳада оилавий шароитидан қатъи назар эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар берилишини англатади.

Ушбу қонунда «жинсга кўра бевосита камситиш» ва «жинсга кўра билвосита камситиш» тушунчалари кўзда тутилган. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ:

- **жинс бўйича бевосита камситиш** – жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шаҳвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;
- **жинс бўйича билвосита камситиш** – бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш;

Бу тамойил хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилини тўлдиради, унинг мазмунига ойдинлик киритади.

Очиқлик ва шаффофлик принципини таъминлаш гендер тенгликни таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Фуқаролик жамияти фаоллашуви, шунингдек, бу борадаги халқаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши шароитида мазкур тамойилнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Бу тамойил Ўзбекистоннинг Конституциясида ҳам қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида шундай дейилади *«инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва*



адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда...».

Аввало, бу тамойил ахборотдан тўсиқсиз фойдаланишни назарда тутати. Ахборотдан тўсиқсиз фойдаланиш, ўз навбатида, салбий гендер стереотипларига барҳам бериш ва гендер сиёсатини холисона баҳолашнинг асосий омили ҳисобланади. Бу принцип, шунингдек, мавжуд муаммоларни очиқ муҳокама қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жамиятини фаол жалб этишни ҳам назарда тутати.

Бу тамойил, айниқса, меҳнат ва бандлик, давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг имкониятларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тамойил кўпинча бюджет масалаларида ҳам тилга олинади. Гендер бюджетлаштиришни тарғиб қилишни режалаштириш кўзда тутилаётган бир шароитда ушбу тамойилнинг роли ошади.

5-модда. Жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик

Хотин-қизлар ва эркеклар давлат томонидан кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлади.

Қуйидагилар жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди:

- бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш;
- қонунда белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга чақириш;
- ушбу Қонун асосида гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш;
- хотин-қизлар ва эркеклар меҳнатини муҳофаза қилишда уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш хусусиятлари;
- мажбуриятлар фақат муайян жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мумкинлигига асосланган ҳолда касбий малакага доир тавсиялар бериш;
- қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш;
- хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар

Жинс белгиси асосида камситишга йўл қўймаслик нафақат қонун олдида расмий тенгликни, балки имкониятлар ва натижаларнинг ҳақиқий тенглигини ҳам назарда тутати. Бу давлатлар мавжуд тенгсизликларни бартараф этиш ва камситишнинг янги шакллари олдани олиш учун фаол чоралар қўриш мажбуриятини англатади. Жинс белгиси асосида камситишга йўл қўймаслик тамойили ҳукумат ҳаракатлари билан бир қаторда хусусий секторга ҳам тааллуқлидир. Давлатлар ҳар қандай шахс, ташкилот ёки корхона томонидан камситишни бартараф этиш чораларини қўришлари шарт.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида жинс бўйича камситиш ҳисобланмайдиган айрим истиснолар назарда тутилган.

Ушбу истиснолардан бири **бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилашдир**. Бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш функциялари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдаги фарқлар аёлларнинг биологик ва физиологик хусусиятлари билан асосланади.

Бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш функциялари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда тафовутлар ўрнатиш жинсга кўра камситиш эмас, балки аёлларнинг тенглик ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни англатади. Халқаро қонунчиликда ҳам, миллий қонунчиликда ҳам эътироф этилган ушбу чора-тадбирлар аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади ва барча учун тенг имкониятларни таъминлайди. Бундай ҳуқуқий нормалар ва амалиётлар гендер тенглик ва адолатли муносабат учун шарт-шароит яратиш, янада инклюзив ва адолатли жамиятларга ҳисса қўшишда муҳим ўрин тутати.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

CEDAW конвенциясининг 11-моддаси иштирокчи-давлатларга меҳнат фаолиятида аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этиш, шу жумладан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари бериш ва ҳомиладорлик даврида аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича барча тегишли чораларни қўриш мажбуриятини юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 404-моддасига мувофиқ, аёлга туғруққача 70 календарь кун ҳамда туғруқдан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёхуд икки ёки ундан ортиқ бола туғилган тақдирда етмиш календарь кун) ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиб, қонунчиликда белгиланган, лекин ўртача ойлик иш ҳақининг 75% дан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланади.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили аёлга жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилиб, туғруққача ҳақиқатда фойдаланилган кунлар сонидан қатъи назар, тўлиқ берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин, аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи 2 ёшга тўлгунига қадар болани парваришlash таътили берилиб, бу давр учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга унинг хоҳишига кўра, боласи 3 ёшга тўлгунига қадар уни парваришlash учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил ҳам берилади. Болани парваришlash таътиллари даврида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътилларнинг кўпи билан 6 йили меҳнат стажига қўшилади, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида болани озиклантириш учун танаффуслар бериш тартиби, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳомиладор аёллар ва/ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор ходимлар учун кафолатлар ва бошқа имтиёзлар белгиланган.

5-моддада **мажбурий ҳарбий хизматга чақириш ҳам жинс бўйича камситиш ҳисобланмаслиги** белгилаб қўйилган. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби миллий қонунчилик, хусусан, **Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни** билан тартибга солинади. Ушбу қонун ҳарбий ёшдаги эркаклар учун мажбурий ҳарбий хизматни белгилайди. Бу амалиёт узоқ тарихга эга ва жамиятдаги ижтимоий ва маданий меъёрларни ўзида акс эттиради.

CEDAW конвенцияси, агар бундай фарқлар объектив ва оқилона мезонларга асосланган бўлса, ҳарбий хизматга чақиришда фарқларни белгилашни тақиқламайди. Бундай фарқлар ҳаётнинг бошқа соҳаларида аёллар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келмаслиги муҳимдир. Юриспруденция нуқтаи назардан, бу жараён нима учун гендер асосидаги камситиш ҳисобланмаслигини тушуниш муҳимдир.

Биринчидан, мажбурий ҳарбий хизмат белгиланган тартибда қабул қилинган қонун ҳужжатларига асосланади. Бундай қонун ҳужжатлари, истисносиз, маълум бир ёшга етган ва соғлиғи кўтарадиган барча эркак фуқароларга тегишли. Қонунчилик унга таъсир кўрсатадиган барчага бирдек тааллуқли бўлгани учун уни камситиш деб бўлмайди.

Иккинчидан, кўплаб мамлакатларнинг тарихий ва маданий анъаналари эркакларнинг ҳарбий хизматдаги иштирокини олдиндан

белгилаб беради. Эркаклар одатда ватан ва жамият ҳимоячиси сифатида кўрилади, бу эса жамоат онгига, ҳуқуқий нормаларга сингиб кетган. Шундай қилиб, эркаклар учун мажбурий ҳарбий хизмат камситиш шакли эмас, балки ижтимоий норма сифатида қабул қилинади.

Учинчи муҳим жиҳат – ижтимоий зарурат ва миллий хавфсизлик масаласи. Муддатли ҳарбий хизматга чақириш давлатнинг чегаралари ва манфаатларини ҳимоя қилиш эҳтиёжлари билан асосланади. Ҳарбий хизмат ижтимоий аҳамиятга эга бурч саналиб, унинг бажарилиши мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигига хизмат қилади. Ватанни ҳимоя қилиш масъулияти муҳим ижтимоий бурч бўлиб, у қонун билан тасдиқланган ва мустаҳкамланган.

Тўртинчи жиҳат муқобил хизмат кўрсатиш шаклларига тегишли. Аксарият давлатларда судланганлиги сабабли ҳарбий хизматни ўтай олмайдиган фуқаролар учун муқобил хизмат турлари тақдим этилади. Бу фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эътиқодларини ҳисобга олиш имконини беради, бу эса камситишдан ҳимоя қилишнинг қўшимча механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида **гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди** деб аниқлик киритилади. Ушбу тартиб жинслар ўртасидаги тенгликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тарихий тенгсизликларни бартараф этиш ва барча фуқароларнинг жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиши учун шароит яратишга қаратилган.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг (CEDAW) 4-моддасида, **иштирокчи давлатлар томонидан хотин-қизларнинг эркаклар билан амалда тенглигини таъминлашни тезлаштиришга қаратилган вақтинча қабул қилинган махсус чоралар** ҳуқуқларни камситувчи деб ҳисобланмайди, лекин у тенг ҳуқуқли бўлмаган ёки табақалаштирилган андозаларнинг сақланиб қолишига асло олиб келмаслиги керак; қачонки имкониятларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқли муносабатнинг мақсадларига эришилгандан сўнг бу чоралар бекор қилиниши зарурлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар – жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар эканлиги белгиланган. Ушбу қоида муайян контекстларда мустаҳкамланган тенгсизликларни бартараф этиш ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасидаги ҳақиқий тенгликни таъминлаш учун мақсадли чора-тадбирларни жорий этиш зарурлигини тан олади¹.

Қонунчиликда вақтинчалик махсус чораларнинг очиқ рухсат этилиши ушбу номутаносибликларни тузатиш ва адолатли шароитлар яратиш учун фаол, мақсадли аралашувлар зарурлигини тан олади.

Ушбу қоиданинг энг муҳим жиҳатлари:

1. Ушбу чора-тадбирлар доимий эмас, балки муайян мақсадларга эришиш учун маълум бир давр учун қўлланилади;
2. Ушбу чора-тадбирлар жинслар ўртасидаги мавжуд тенгсизликларни бартараф этишга қаратилган бўлиб;
3. Улар ҳуқуқий, ташкилий ва институционал чораларни ўз ичига олади;
4. Улар давлат органлари томонидан гендер сиёсатини амалга ошириш доирасида қабул қилинади;
5. Аслида эса, бу вакиллиги анча оз бўлган жинс вакиллари учун имкониятларни тенглаштиришга қаратилган ижобий камситишнинг бир шакли ҳисобланади.

Вақтинчалик махсус чораларга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

- Сиёсий партияларда ёки раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар учун квоталар;
- Анъанавий равишда эркаклар уўп ишлайдиган касбларда аёлларнинг иштирокини рағбатлантириш учун махсус таълим дастурлари;
- Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари;
- Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва сиёсий ҳаётда тенг иштирок этишига қаратилган қонунлар қабул қилиниши.

Шундай қилиб, 5-моддага мувофиқ гендер сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича вақтинчалик махсус чора-

¹ Schmidt, E K., & Cacace, M. (2017, February 16). Addressing gender inequality in science: the multifaceted challenge of assessing impact. Oxford University Press, 26(2), 102-114. Қуйидаги ҳаволада: <https://doi.org/10.1093/reseval/rvx003>

тадбирларнинг қабул қилиниши жинслар ўртасидаги ҳақиқий тенгликка эришишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ушбу чора-тадбирлар тарихий тенгсизликларни бартараф этиш, эркаклар ва хотин-қизларнинг жамият ҳаётида тенг иштирок этиши учун шароит яратишга қаратилган. Улар халқаро стандартларга мос келади ва камситувчи ҳисобланмайди, чунки уларнинг мақсади барча фуқаролар учун адолат ва тенгликни таъминлашдир.

Қонун ҳужжатларига **хотин-қизлар ва эркакларнинг меҳнати муҳофаза қилиш бўйича уларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш** билан боғлиқ қоидаларнинг киритилиши **жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди**. Ушбу қоидалар ходимларнинг соғлиғини сақлашга қаратилган бўлиб, ҳар иккала жинснинг репродуктив эҳтиёжларини ҳисобга олади.

Репродуктив саломатлик умумий инсон саломатлигининг муҳим таркибий қисмидир. У репродуктив функцияларни хавфсиз ва соғлом бажариш қобилиятини ўз ичига олиб, бу аёллар учун ҳам, эркаклар учун ҳам бирдек муҳимдир. Меҳнат қонунчилигида репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш репродуктив функцияга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган меҳнат шароитлари билан боғлиқ хавфларни минималлаштиришга эътибор қаратилган.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан, ушбу қоида иш берувчи томонидан ходимларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кўриладиган чоралар, ҳатто эркаклар ва аёлларга нисбатан бошқача тарзда қўлланилса ҳам, камситувчи деб ҳисобланиши мумкин эмаслиги белгиланади. Бу жинслар ўртасидаги объектив физиологик фарқлар, ходимларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу фарқларни ҳисобга олиш зарурати билан боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу қоида меҳнат ҳуқуқларини ёки мартаба имкониятларини чеклаш учун асос сифатида ишлатилмаслиги зарур. Унинг мақсади ҳар бир жинснинг репродуктив саломатлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратишдир. Мисол учун, бу ҳомиладор аёллар учун қўшимча танаффуслар ёки махсус жиҳозлар ёки эркакларнинг репродуктив функциясига таъсир қилиши мумкин бўлган хавфли моддалар билан ишловчилар учун махсус ҳимоя воситаларини ўз ичига олиши мумкин.

Гендер тенглик соҳаси тадқиқотчилари аёлларнинг репродуктив мажбуриятлари туфайли дуч келадиган камчиликларини қоплаш учун махсус қоидалар ёки қўллаб-қувватлаш чоралари зарурлигини таъкидлайдилар. Бу нуқтаи назар оила ва иш жойи каби хусусий ва давлат институтларини мустаҳкамлаш ёки қайта қуриш орқали янада



тенг шароит яратиш ва аёлларнинг эркаклар билан тенг шароитларда рақобатлашига имкон яратиши мумкинлигини кўрсатади¹.

Қонун чиқарувчи бундай қоидани киритиш орқали тенглик тамойили ва биологик фарқларни ҳисобга олиш зарурати ўртасидаги мувозанатни топишга интилади. Бу халқаро меҳнат ва инсон ҳуқуқлари стандартларига мос келади, улар **ҳақиқий тенглик баъзан турли одамлар гуруҳлари учун бошқача ёндашувда бўлишни талаб қилади**. Масалан, Ўзбекистон Меҳнат кодексига ҳомиладор аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар учун тўлиқсиз иш куни ёки йиллик меҳнат таътиллари тартибини белгилашда ҳомиладор аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар учун имтиёзлар белгиланган².

Репродуктив саломатликни сақлаш мақсадида кўриладиган ҳар қандай чора-тадбирлар асосли, мутаносиб бўлиши ва зарурат доирасидан ташқарига чиқмаслиги лозим. Акс ҳолда, улар жинс бўйича билвосита камситиш сифатида кўриб чиқилиши мумкин, бу қонунда «бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш», деб таърифланади³. Иш берувчилар ва қонун чиқарувчилар репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш камситиш воситасига айланмаслиги учун айниқса эҳтиёт бўлишлари зарур. Масалан, репродуктив саломатликни сақлаш баҳонасида туғиш ёшидаги аёлларга нисбатан ҳаддан ташқари чекловлар қўйилиши амалда уларнинг маълум касб ёки лавозимларга қабул қилиниш имкониятини чеклаши мумкин, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Шундай қилиб, хотин-қизлар ва эркакларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш билан боғлиқ меҳнатни муҳофаза қилиш хусусиятлари жинсга кўра камситиш ҳисобланмайди. Ушбу чора-тадбирлар ходимларнинг биологик фарқлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини яратишга қаратилган.

5-моддада **«мажбуриятлар фақат муайян жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мумкинлигига асосланган ҳолда касбий малакага доир тавсиялар бериш жинс бўйича камситиш ҳисобланмаслиги»** эътироф этилган. Масалан, меҳнат муносабатларида, агар маълум бир жинсга мансублик тегишли иш ёки касбни бажариш учун объектив ва асосли шарт бўлса, жинсга кўра табақалаштирилган режимни қўллашга рухсат берилади. Бу фақат маълум жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мумкин бўлган жисмоний ёки физиологик талабларни ўз ичига олиши мумкин.

¹ Spakes, P. (1995, December 1). Women, Work, and Babies: Family-Labor Market Policies in Three European Countries. SAGE Publishing, 10(4), 369-397. Ушбу ҳаволада: <https://doi.org/10.1177/088610999501000403>

² ЎзР Меҳнат кодексининг 398,400-моддалари. <https://lex.uz/ru/docs/6257288>

³ Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/docs/4494849>



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенция (CEDAW) каби халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, агар бундай тавсияларга, агар улар асосли ва зарурат асосида бўлса, рухсат бериш мумкинлигини тан олади. Бундай вазиятга мисол сифатида, статистик маълумотларга кўра эркеклар ёки хотин-қизлар учун кўпроқ мос бўлган, муайян жисмоний куч ёки чидамликни талаб қиладиган меҳнат турларини келтириш мумкин. Бу, шунингдек, маданий ёки диний хусусиятларга эга бўлган иш турларига тааллуқли бўлиши мумкин, бунда муайян вазифалар фақат маълум бир жинсдаги шахслар томонидан бажарилишини талаб қилиши мумкин.

Жумладан, **Президентнинг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чоратадбирлар тўғрисида»ги 4235-сон қарори** билан аёллар тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар¹ рўйхати тасдиқланди. Шунини таъкидлаш керакки, камситишининг олдини олиш бундай тавсиялар синчковлик билан ишлаб чиқиши зарур. Улар холис мезонларга асосланиши ва маълум бир жинснинг имкониятларини асоссиз равишда чеклаш учун қўлланилмаслиги зарур.

Шу тарзда, фақат маълум бир жинсдаги шахслар томонидан вазифаларни бажариш қобилиятига асосланган касбий малака бўйича тавсиялар бериш, агар бундай тавсиялар аниқ вазифаларни бажариш учун асосли ва зарурат сабабли бўлса, жинсий камситиш ҳисобланмайди. Қонунчилик алоҳида касбларнинг хусусиятларини ва касбий вазифаларни бажариш хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда бундай тавсияларни тан олади ва рухсат беради.

Ҳуқуқий амалиётда **қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишининг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш камситиш ҳисобланмайди.** Ушбу қоида одил судлов тизимида адолат ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Дастлаб шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Конституциясига кўра, жинси, irqи, миллати ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Бироқ қамоқда сақлаш ва

¹ Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/docs/4230944>



жазони ижро этиш жойларида камситиш ҳисобланмайдиган фарқлар ёки тафовутлар белгиланиши мумкин. Бу фарқлар холис мезонларга асосланади ҳамда тартиб, хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларига ҳурматни таъминлашга қаратилади.

Бундан ташқари, қамоқда сақлаш жойларида жинсга қараб табақалаштирилган муомаланинг ҳуқуқий оқибатлари мураккаб ва кўп қирралидир. Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан, камситмаслик тамойили халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидаси бўлиб, ҳар қандай асоссиз табақалаштирилган муомала шакли ушбу тамойилнинг бузилиши деб ҳисобланиши мумкин¹. Бироқ «**тенг даражада муносабат**» тушунчаси «**бир хил муносабат**» бўлмаслиги мумкин ва муайян гуруҳларнинг алоҳида эҳтиёжларини қаноатлантириш учун турли ёндашувлар зарур бўлган ҳолатлар мавжуд. Бу ердаги асоси масала гендер тафовутларни ҳисобга олган ҳолда мослаштирилган ечимларни тақдим этишда тенг имкониятлар ва ресурслардан фойдаланиш ўртасида мувозанатни топишдир.

Тафовутларга мисоллар:

1. Жинсий тафовутлар: Эркаклар ва аёллар учун шароитлар уларнинг физиологик ва психологик эҳтиёжларига қараб бири-бирдан фарқ қилиши мумкин. Масалан, аёллар учун репродуктив саломатлик билан боғлиқ қўшимча санитария шароитлари яратилиши ва алоҳида тиббий хизматлар кўрсатилиши мумкин.
2. Ёш тафовутлари: Вояга етмаганлар учун уларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилган алоҳида сақлаш шароитлари белгиланиши мумкин. Ушбу чора-тадбирлар таълим дастурлари ва психологик ёрдамни ўз ичига олади.
3. Саломатлик ҳолати: Сурункали касалликлари бор ёки ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур ёрдам ва даволанишни таъминлаш учун махсус тиббий шароитлар ва жиҳозлар берилиши мумкин.

Пировардида, қамоқда сақлаш ва ахлоқ тузатиш муассасаларида жинсга қараб табақалаштирилган муносабат масаласи комплекс ва кўп қиррали мавзу бўлиб, бу ҳолат комплекс ёндашувни талаб қилади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун мавжуд сиёсатни ҳар томонлама қайта кўриб чиқиш, гендерга оид дастурлар ва хизматларни ишлаб чиқиш, асосий манфаатдор томонлар, жумладан, қонун чиқарувчилар, жинсий одил судлов мутахассислари ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки талаб этилади².

¹ Knittel, A K., Ti, A., Schear, S., & Comfort, M. (2017, September 11). Evidence-based recommendations to improve reproductive healthcare for incarcerated women. Emerald Publishing Limited, 13(3/4), 200-206. Ушбу ҳаволада: <https://doi.org/10.1108/ijph-07-2016-0031>

² Artz, L., & Rotmann, B. (2015, October 2). Taking 'A Count' of Women in Prison. Taylor & Francis, 29(4), 3-13. Available at <https://doi.org/10.1080/10130950.2015.1129091>

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди.

Ижобий чоралар – бу хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлардир. Ушбу чора-тадбирлар камситувчи ҳисобланмайди, чунки улар хотин-қизлар дуч келадиган тарихий ва тизимли камчиликларни бартараф қилишга йўналтирилган¹. Юриспруденция нуқтаи назаридан, бу каби ижобий чоралар ҳақиқий гендер тенгликка эришишда қонуний ва зарур восита сифатида тан олинади. Бунда асосий мантиқ шундан иборатки, бундай чораларсиз мавжуд номутаносиблик ва тенгсизликлар сақланиб қолади ва бу хотин-қизлар учун ноқулайликларнинг давом этишига хизмат қилади².

Ижобий чораларнинг асосий мақсади хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида эркаклар билан тенг равишда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратишдир. Бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Хотин-қизларнинг билим ва касбий тайёргарлиги даражасини ошириш.
- Ишга жойлашиш ва мартаба кўтарилишда тенг имкониятларни таъминлаш.
- Оналикни ҳимоя қилиш, касбий ва оилавий мажбуриятларни уйғунлаштириш учун шароитлар яратиш.
- Сиёсий ва бошқарув тузилмаларида хотин-қизлар учун квоталар жорий этиш, уларнинг қарорлар қабул қилишда вакиллик ва иштирокини таъминлаш.
- Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тенг шароитлар яратиш учун грантлар, субсидиялар бериш ва ҳ.к.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларга турли соҳаларда имтиёзлар берилмоқда. **Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга** олий таълим муассасалари киришда давлат гранти асосидаги қабул доирасидаги танловда иштирок этиш учун тавсиянома берилади.

Тавсиянома қуйидаги мезонлар асосида тақдим этилади:

- кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар;
- тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар;

¹ Kossek, E E., & Kelliher, C. (2022, June 15). Making Flexibility More I-Deal: Advancing Work-Life Equality Collectively. SAGE Publishing, 48(1), 317-349. Available at <https://doi.org/10.1177/10596011221098823>

² Connell, R. (2006, November 1). Glass Ceilings or Gendered Institutions? Mapping the Gender Regimes of Public Sector Worksites. Wiley, 66(6), 837-849. Available at <https://doi.org/10.1111/j.1540-6210.2006.00652.x>



- турмуш ўртоғи вафот этган, вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар;
- ногирон фарзанди бор эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар;
- 2 ва ундан ортиқ фарзандини тарбиялаётган, қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёлларнинг қиз фарзандлари;
- ота-оналаридан бири ёки ҳар иккиси ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар.

Шунингдек, қабул кўрсаткичлари доирасида республика олий таълим муассасаларига ажратиладиган қўшимча давлат грантларидан келиб чиққан ҳолда, олий маълумотга эга бўлишни хоҳловчи иқтидорли хотин-қизларнинг бундай грантларда иштирок этиши тавсия этилади. Шунингдек, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга ҳам ана шундай имтиёзлар бериш кўзда тутилади.

Шу тарзда, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди. Ушбу чора-тадбирлар барча учун адолатли ва тенг шароитлар яратиш, тарихий тенгсизликларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, улар халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари ва тамойилларига мос келади. Бундай чора-тадбирларни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари ҳақиқий тенглик ва ижтимоий адолатга эришишга хизмат қилади.

6-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш кафолатлари

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга **шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида** тенг ҳуқуқлилиқни кафолатлайди.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга **жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда**, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, **соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя** соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди.

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида **ҳақиқий тенгликка эришиш**, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади.

Ушбу моддада давлатнинг хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигининг асосий кафолати сифатидаги ролини мустаҳкамлайди. Мазкур моддага кўра, давлат шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг тенглигини таъминлаши шарт. Ушбу модда CEDAW конвенциясининг 3-моддасига мос бўлиб, унда шундай дейилади: *«Иштирокчи давлатлар барча соҳаларда, хусусан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишдаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириши ва улардан фойдаланишини кафолатлаш учун уларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва юксалишини таъминлаш учун **барча тегишли, шу жумладан қонуний чораларни** кўрадилар.*



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

Шу мақсадда, Хотин-қизларни камситишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW конвенцияси) аъзо мамлакатларга қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

- a) эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик тамойилини, агарда бу хозиргача қилинган бўлмаса, миллий Конституцияга ва бошқа тегишли қонунларга киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу тамойилни амалиётга жорий этишни таъминлаш;
- b) хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини таъқиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни кўриш, зарур бўлганда санкцияларни қўллаш;
- c) эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан ҳимояланишни ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- d) хотин-қизларнинг камсиладиган бирон-бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ фаолият кўрсатишларига кафолат бериш;



МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ И ПРАКТИКА

- е) бирон-бир шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизлар камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;
- ф) хотин-қизларни камситувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;
- г) хотин-қизларни камситишдан иборат бўлган ўзини жиноятчиликка оид қонунларининг барча моддаларини бекор қилиш.

Бу моддада **вақтинчалик махсус чоралар** ҳақида ҳам сўз боради. **Бундай чоралар сифатида кўпинча гендер квоталари қўлланилади.** Ушбу қонунга кўра, давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилади. Квота вақтинчалик чора сифатида жорий этилади ҳамда у давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар вакилликнинг мутаносиблигига эришилишига қараб бекор қилиниши мумкин.

Сайлов жараёнида хотин-қизларнинг парламентдаги вакилликни ошириш ва таълимда қизлар учун имкониятларни кенгайтириш мақсадида гендер квоталари кўпроқ даражада қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига асосан, *«Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида қирқ фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим»*

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирда 130 дан ортиқ давлат ўз миллий парламентларида гендер квоталари жорий этган¹. Бироқ бу мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, сайловлар депутатликка номзодларнинг партиявий рўйхатлари бўйича ўтказиладиган пропорционал сайлов тизимлари парламентдаги аёлларни рағбатлантириш учун ҳар бир округда ҳар бир партия учун фақат битта номзод таклиф қилинадиган мажоритар тизимдан кўра кўпроқ қулайроқдир. Мажоритар тизимларда квоталар энг яхши ечим сифатида кўрилмайди. Бунинг ўрнига, хотин-қизларни *«сиёсий лавозимларда кўпроқ малакали»* бўлишлари учун ўқитиш устувор

¹ Mussarat Jabeen, Sajid Mahmood Awan Quaid-e-Azam. Gender Quotas as an Instrument for Women's Empowerment in Legislatures // FWU Journal of Social Sciences. - Summer 2017, Vol.11. - No.1. - P.132.

ҳисобланади. Ўқув курслари билан бир қаторда тармоқ ва маслаҳат дастурлари каби стратегиялар ҳам хотин-қизларнинг салоҳиятини оширишнинг энг яхши усуллари билан ҳисобланади¹. Чунки ҳокимиятнинг юқори органларида хотин-қизлар вакиллиги қанча кўплиги уларнинг қанчаси сайлов жараёнида иштирок этаётган эркаклар билан рақобатлашишга ҳақиқатан тайёр эканлигига боғлиқ². Хотин-қизларнинг салоҳиятини оширишни кўзловчи партияларга кўпроқ маблағ ажратиш ва шу орқали уларни рағбатлантириш мумкин. Жараёнларга хотин-қизларни жалб этиш аёлларнинг сиёсатдаги фаоллигини таъминлашнинг узоқ муддатли чорасига айланиб бормоқда.

Шу тарзда, квоталар жамиятда аёлларнинг мавқеини ва уларнинг ҳокимиятда расмий иштирокини эмас, балки реал мавқеини яхшилаш учун бир қатор шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина бошқа воситалар билан биргаликда яхши самара берадиган восита ҳисобланади³.

7-модда. Гендер-ҳуқуқий экспертиза

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда, гендер-ҳуқуқий экспертиза хулосаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан ёки қабул қилган органга кўриб чиқиш учун юборилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси:

- жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг

¹ Lenita Freidenvall. Women's Political Representation and Gender Quotas - the Swedish Case. - 2003. - P.9.

² Бакаева Ф. Миллий қонунчиликнинг гендер экспертизаси: услубий қўлланма / Бакаева Ф.Х., Квитков Я.М. - Тошкент Baktria press, 2018 йил. - 100-б.

³ Степанова Н. Опыт использования гендерных квот в странах Западной Европы [Ғарбий Европа мамлакатларида гендер квоталаридан фойдаланиш тажрибаси]//Общественные науки и современность, 1999. - № 4. - 187-б.



- лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ эмаслигини аниқлашга;
- жинси бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;
 - жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган, аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир.

Қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш учун амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни хотин-қизлар ҳуқуқларининг халқаро стандартларига мувофиқлигига текшириш, яъни, мунтазам равишда миллий қонунчиликнинг гендер экспертизасини ўтказиш керак бўлади¹.

Гендер бўйича бетараф қонунлар, баъзида стереотиплар туфайли амалда гендерни камситувчи оқибатларга олиб келиши мумкин. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг эркаклар ва хотин-қизларга эҳтимолий таъсирини баҳолаш зарур. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида бетараф қоидалар мавжуд. Бироқ амалда яширин камситиш мавжуд. Масалан, фарзанд асраб олишда кўпинча фарзандсиз эр-хотинлар қиз болалардан кўра ўғил болаларни фарзандликка олишни афзал кўришади.

Қонунларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси қонунга мувофиқ қабул қилинган қонуности ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш билан бирга олиб борилиши лозим. Гендер-ҳуқуқий экспертиза қабул қилинган қонунларга янгича қараш имконини беради, жамиятда шаклланган, у ёки бу даражада аҳолининг айрим гуруҳларини камситиши ва қонун лойиҳасининг ўзини обрўсизлантириши мумкин бўлган, одамларнинг хулқ-атворининг турли стереотипларини, бевосита ёки билвосита камситишнинг кўринишларини аниқлайди. Бундан ташқари, гендер экспертизаси жамият учун гендер муаммоларини ҳал қилиш соҳасида давлатни назорат қилишнинг фаол механизми бўлиб хизмат қилади².

¹ Бакаева Ф. Миллий қонунчиликнинг гендер экспертизаси: услубий қўлланма / Бакаева Ф.Х., Квитков Я.М. – Тошкент: Baktria press, 2018 йил. – 82-б.

² Стандарты экспертизы законодательства: Руководство по применению. 2-е издание / Жогорку Кенеш КР, Европейский Союз, ПРООН. – Б.: 2012. – 56-б.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Гендер-ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилишдир¹.

Ўзбекистонда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби қабул қилинган². Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори³ билан тасдиқланган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасини уч босқичга ажратиш мумкин⁴:

1. қонун лойиҳаси меъёрларини миллий, халқаро қонунчилик ва гендер тенгликнинг таркибий қисмлари билан ўзаро боғлаб солиштириш (қонун лойиҳаси қоидаларининг конституциявий меъёрлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро боғлаб солиштириш. Қонун лойиҳаси қоидаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кучга кирган халқаро шартномалар меъёрлари билан ўзаро боғлаб солиштириш. Қонун лойиҳаси қоидаларининг гендер тенгликнинг ҳар бир таркибий қисми, хусусан, тенг ҳуқуқлар, тенг жавобгарлик, тенг имкониятлар, тенг шериклик муносабатлари билан ўзаро боғлаб солиштириш, лойиҳада фойдаланилган атама ва тушунчаларнинг тўғри қўлланилишини текшириш);
2. гендер таҳлилинини ўтказиш (қонун лойиҳаси билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доирасини белгилаш. Қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда, гендер таҳлилидан фойдаланган ҳолда кутилаётган гендер ва ижтимоий ишларнинг қандай боришини аниқлаш. Гендер асосидаги камситишларнинг олдини олиш мақсадида, қонун лойиҳаси қоидаларининг эркаклар ва хотин-қизларга таъсирини прогноз қилиш. Гендер мувозанатини таъминловчи қоидаларни шакллантириш/мустаҳкамлаш мақсадида қонун лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини ўрганиш);
3. гендер хулосасини тайёрлаш (эксперт хулосасидан натижалари, олинган хулосаларни асослаш, тавсиялар бериш).

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4494849>.

² Бакаева Ф. Миллий қонунчиликнинг гендер экспертизаси: услубий қўлланма / Бакаева Ф.Х., Квитков Я.М. - Тошкент: Baktria press, 2018 йил. - 82-б.

³ Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://www.lex.uz/docs/4777291>

⁴ Стандарты экспертизы законодательства: Руководство по применению. 2-е издание / Жогорку Кенеш КР, Европейский Союз, ПРООН. – Б.: 2012. – 58-72-б.



Санаб ўтилган босқичларнинг ҳар бири, ўз навбатида, бир қанча босқичларга бўлиниб, уларнинг изчиллиги қонун лойиҳаси қоидаларини энг тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш, гендер таҳлили асосида тегишли баҳолаш ўтказиш ва хулосалар ва тавсияларни ўз ичига олган хулосани тайёрлаш имконини беради.

Шарҳланаётган моддада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ваколатли субъект сифатида қайд этилган. Шарҳланаётган қонуннинг 10-15-моддаларида Вазирлар Маҳкамаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, давлат органлари ва ваколатли шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тилга олинади.

Шарҳланаётган моддадан кўриниб турибдики, деярли ҳар бир давлат органи, шунингдек, ташкилот гендер-ҳуқуқий экспертиза субъекти бўлиши мумкин. Шунинг учун жавобгарлик доирасини тушунишни осонлаштириш учун субъектларни қуйидаги икки тоифага бўлиш орқали кўриб чиқиш тавсия этилади:

1. умумий субъектлар;
2. махсус субъектлар.

Давлат органлари умумий субъектлар сирасига киритилади.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонунига кўра, **давлат органи** – Давлат фуқаролик хизмати татбиқ қилинадиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхатига киритилган давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилий жиҳатдан алоҳида тузилмадир¹.

Бугунги кунда давлат хизмати жорий этилаётган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати қонун даражасида тасдиқланмаганлигини ҳисобга олиб, биз давлат органи тушунчасини 2022–2023 йилларда амалга оширилган маъмурий ислоҳот нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз². Ушбу маъмурий ислоҳот доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари – вазирликлар, қўмиталар, идоралар ва инспекцияларнинг ягона рўйхати тасдиқланган³.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонуни. Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6145972>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-14-сон Фармони Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/6369997>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-14-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/6369997>

Шунга кўра, Адлия вазирлиги ва Оила ва хотин-қизлар қўмитасидан бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органлари гендер-ҳуқуқий экспертиза умумий субъектлари сифатида фаолият юритиши мумкин.

Гендер-ҳуқуқий экспертизанинг умумий субъектларига қуйидагилар киритилади:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари.

Гендер-ҳуқуқий экспертизанинг махсус субъектлари қуйидагилардир:

- Вазирлар Маҳкамаси (*Ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарининг алоҳида лавозими назарда тутилади, шунингдек, Оила ва аёллар масалалари бўйича котибият фаолият юритади*);
- Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси (*бундан ташқари, Сенат таркибида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси фаолият юритади*¹);
- Оила ва хотин-қизлар қўмитаси;
- Адлия вазирлиги (*Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, шу жумладан туман (шаҳар) адлия бўлимлари*).

Махсус субъектларнинг ваколатлари гендер ва ҳуқуқий экспертиза билан боғлиқ аниқ вазифаларни белгилайди. Шу тарзда, Адлия вазирлиги давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш режасини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради². Ушбу режа ҳар уч йилда манфаатдор томонларнинг таклифларини йиғиш асосида тасдиқланади. Режада гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари рўйхати, уни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилар кўрсатилади.

Ушбу режа асосида белгиланган муддатларда гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказилиб, унинг натижаларига кўра тегишли намунадаги хулоса тузилади³.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда, гендер-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг расмий веб-саҳифаси, <https://senat.uz/oz/committees>.

² Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4777291>

³ Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Низомнинг 2-иловасига қаранг. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4777291>



ҳуқуқий экспертиза хулосаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан ёки қабул қилган органга кўриб чиқиш учун юборилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган ташкилот тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг лойиҳасини ишлаб чиққан орган ҳисобланади.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси эга. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Бош прокурори ҳам ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир².

Сайлаш ҳуқуқига эга, камида юз минг кишидан иборат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қонунчилик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонун ҳужжатлари таклифлари киритишга ҳақли.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар қуйидагилардир²:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари;
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- вазирлик ва идоралар;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларни ишлаб чиқувчиси бўлмаган ва бундай ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган барча бошқа субъектлар гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишда иштирок этишлари мумкин.

Масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.

² Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/5378966>

институтлари вакиллари гендер-ҳуқуқий экспертиза доирасида эксперт сифатида иштирок этишлари ва масъул субъектлар билан эркин мулоқот қилишлари мумкин.

Энди **гендер-ҳуқуқий экспертиза йўналишларини** кўриб чиқамиз.

Биринчидан, гендер-ҳуқуқий экспертиза жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ эмаслигини аниқлашга йўналтирилади.

Шу тарзда, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини таъминлаш тамойиллари қуйидагилардир (*улар тўғрисида батафсил маълумот Қонуннинг 4-моддасига шарҳда келтирилган*):

- қонунийлик;
- демократизм;
- хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги;
- очиклик ва шаффофик.

Ўз навбатида, кўриб чиқиладиган Қонуннинг 3-моддасига шарҳда жинсга кўра бевосита ва билвосита камситиш тушунчалари батафсил ёритилган.

Биз гендер-ҳуқуқий экспертизанинг биринчи йўналишининг ишлаш механизмини тушунишни осонлаштириш учун амалий мисол келтирамиз.

Қонунчиликка кўра, жинс белгисига кўра камситишга йўл қўйилмайди. Қолаверса, конституциявий нормада ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда, жинс бўйича камситишларга йўл қўймаслик тамойилига мос келмаслиги сабабли, хотин-қизларга нисбатан илгари мавжуд бўлган айрим касб-ҳунарларни эгаллаш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинди¹.

Бугунги кунда хотин-қизлар 14 дан ортиқ йўловчи бўлган автобуслар ва юк кўтариш қуввати 2,5 тоннадан ортиқ юк машиналари ҳайдовчиси бўлиб ишлашлари мумкин².

Иккинчидан, гендер-ҳуқуқий экспертиза жинси бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга йўналтирилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4235-сон қарори. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4230944>.

² Ўзбекистон ҳукумати аёлларни автобус ва йирик юк машиналари ҳайдовчиси сифатида ишга қабул қилмаслик «тавсия этилган» нормани бекор қилди. [Эл.ресурс] URL: <https://doxa.team/news/2024-02-13-uzbekistan>.



Мазкур йўналиш амалда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш предметиға киради.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Қонун ҳужжатларининг **тартибга солиш таъсирини баҳолаш** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ва унинг тартибга солиш мақсадларига эришилишини, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солувчи муносабатларга таъсирининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборатдир².

Қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш қонун ижодкорлиги жараёнининг тушунилиши анча қийин бўлган босқичидир. Қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг асосий элементлари билан танишиш учун қуйидаги меъёрий ҳужжатларни ўрганиш мумкин:

- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом²;
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти ҳамда ҳисобот шакллари³.

Биз, ўз навбатида, яна бир амалий мисолни кўриб чиқамиз. 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга республика олий таълим муассасаларига ўқишга кирганларида тест синовларидан ўтиш учун энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл қўшиб бериш имтиёзи берилди⁴. 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб эса, ушбу

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/5378966>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5025-сон Қарори. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/5331912>.

³ Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи, 2021 йил 31 мартда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3292 Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/5350096>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-213-сон қарори Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/899316>

имтиёз уларнинг максимал тўплаши мумкин бўлган баллнинг 27 фоизи миқдориди қўшимча балл бериш шаклига айлантирилди¹.

Бугунги кун нуқтаи назаридан шуни айтишимиз мумкинки, ушбу чораларни жорий қилишда тартибга солиш аралашуви оқибатларини умумий баҳолашга тегишли эътибор берилмаган, бу эса жинсга кўра бевосита ва билвосита камситиш эҳтимолини юзага келтиради. Оқибатда мактабларда қизлар ва ўғил болалар улуши тенг тақсимланганига қарамай, олий ўқув юртлари талабалари улушида номутаносиблик юзага келди. Хусусан, 2010-2011 ўқув йилида талабаларнинг 70 фоизини эркеклар, 30 фоизини аёллар ташкил қилди².

Гендер бўйича сезиларли фарқни ҳисобга олган ҳолда, бу амалиёт кейинчалик қайта кўриб чиқилди. Бу ошкора номутаносибликни бартараф этиш учун қизларни олий ўқув юртларига киришда қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик махсус чоралар жорий этилди. Бугунги кунда олий ўқув юртлари талабаларининг ярмидан кўпи қизлардир. Агар олий таълимга қамровнинг 2017 йилдаги 9 фоизни ҳозирги 43 фоизи қамров билан солиштирсак, олий таълимда қизлар улуши кескин ортганини кўришимиз мумкин»³.

Ушбу мисол гендер масалаларини ҳисобга олмасдан тартибга солувчи қарор қабул қилиш оқибатларини баҳолаш муҳимлигини кўрсатади.

Учинчидан, гендер ва ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ва камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга қаратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, қонун ижодкорлиги лойиҳани ишлаб чиқиш ва кейинчалик уни норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида қабул қилиш билан чекланмайди. Қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторинг ва назорат қилиш каби механизмлар ҳам белгиланган⁴.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва бошқа ташкилотлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилади ҳамда уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини таҳлил қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1765-сон қарори Ҳужжат матни куйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/2018331?ONDATE=31.05.2012>.

² Ўзбекистан Гендерная оценка по стране [Ўзбекистон: мамлакатни гендер баҳолаш]. Гендер и Развитие / Центральная и Западная Азия / 2014 г. Asian Development Bank, <https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/42878/files/uzbekistan-country-gender-assessment-ru.pdf>.

³ «Қиз болани ўқитмаслик керак, деган стереотипларга барҳам берилмоқда» – Танзила Нарбаева [Эл.ресурс] URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2024/05/13/women-edu/>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. Ҳужжат матни куйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/5378966>



Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда камчиликлар, юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзаро зиддиятлар, шунингдек, ҳужжат матнида бир-бирини инкор қилувчи бандлар ёки бошқа хатолар аниқланса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган уларни бартараф этиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ¹, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан мониторинг ва назорат ўтказишлари мумкин.

Юқорида биз таълим соҳасида гендер жиҳатдан номутаносиблик билан ифодаланган имтиёзларнинг жорий этилиши ва унинг оқибатлари бўйича мисол келтирдик. Ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилишини мониторинг қилиш туфайли муайян норматив қарорларнинг оқибатлари яъни, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳақида гапиришимиз мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мониторинги тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг бир қисми сифатида ҳам амалга оширилиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш қуйидаги икки турга бўлинади:

- **ex-ante**, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тартибга солиш таъсирини баҳолаш, яъни ҳужжатни ишлаб чиқиш босқичида унинг келгусидаги эҳтимолий оқибатлари таҳлил қилинади;
- **ex-post**, амалдаги, яъни қабул қилиб бўлинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, бунда у ёки бу тартибга солувчи қарорни ишлаб чиқиш босқичидаги дастлабки босқичда унинг барча жиҳатларини ҳисобга олиб бўлмайди. Бундан ташқари, тартибга солиш таъсирини *ex-ante* усулида баҳолаш келажакдаги муаммоларга қарши тўлиқ кафолат дегани эмас. Турли омиллар ҳуқуқни қўллаш амалиётига ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фикримизча, ҳар доим ҳам долзарб бўлган идеал тартибга солиш ечими мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам тартибга солиш таъсирини дастлабки ва кейинги баҳолаш амалга оширилаётган давлат ҳуқуқий сиёсатининг объектив зарурати ҳисобланади.

Тўртинчидан, гендер-ҳуқуқий экспертиза жинсга кўра бевосита ёки билвосита камситишларга йўл қўядиган аниқланган нормаларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган. Бу йўналиш олдинги учтасининг мантиқий хулосасидир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонуни Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/3679092>.

8-модда. Гендер статистикасини шакллантириш

Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида **жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган** статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

Гендер кўрсаткичларини шакллантириш:

- **давлат статистика органлари** томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;
- **давлат бошқаруви органларининг** маъмуриятга оид маълумотларига;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган **статистик кузатувларга** асосланади.

Гендер кўрсаткичлари **фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг** статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

Гендер статистикасидан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- хотин-қизлар ва эркакларнинг жамиятдаги ҳақиқий мавқеини тушунишга кўмаклашиш учун;
- гендер таҳлили ва тадқиқотларини ривожлантириш учун;
- хотин-қизларнинг гендер тенгликка қанчалик эришгани ва барча инсоний тамал ҳуқуқлардан тўлиқ ва тенг фойдаланиш йўлидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш учун;
- инсон капитали ва меҳнат ресурсларига инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилган сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш учун;
- ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш сиёсатида гендер тамойилларни ҳисобга олишни қўллаб-қувватлаш учун;
- аёлларга нисбатан зўравонликни камайтириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилиш учун¹.

¹ Статистикада гендер жиҳатларни ҳисобга олишни таъминлаш. Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти. Статистика бўлими. Статистик ҳужжатлар. Серия F № 111. ST/ESA/STAT/SER.F/111. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, 2016 йил. – 3-бет.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

3-моддага мувофиқ, гендер статистикаси – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми.

Гендер статистикасининг самарали тизимини яратиш учун яхши ишлаб чиқилган ва аниқ белгиланган **гендер кўрсаткичлари/индикаторлари** зарур. **Миқдор ва сифат асосидаги кўрсаткичлар** энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Бу ўзгаришларни кузатиш ва баҳолаш, яъни, ишончлилиқни таъминлашнинг зарурий шартидир¹. Кўрсаткичлар нафақат мониторинг, балки маълумотлар асосида режалаштириш ва қарор қабул қилиш воситасидир. Индикаторлар (ёки кўрсаткичлар) кучли сифат ўлчовлари орқали баҳолаш самарадорлигини оширувчи восита бўлса-да, унинг ўрнини боса олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»²ги қарори билан БМТнинг **54 та минимал гендер кўрсаткичи тўплами** жорий қилинди.

Қолаверса, **gender.stat.uz** веб-сайтнинг яратилиши ҳам бу борадаги муҳим қадам бўлди. Ушбу сайт гендерга оид маълумотларни янада такомиллаштириш, жинс кесимида ажратилган маълумотларни мунтазам ва ўз вақтида эълон қилиш мақсадида гендер статистикасининг электрон маълумотлар базасини яратиш бўйича биринчи уринишдир³.

Статистика агентлиги томонидан **Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами, «Аёллар ва эркеклар» тўплами** (тўпланда гендерни ҳисобга олган ҳолда демография, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва ишсизлик, ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқбузарлик ва бошқалар бўйича статистик маълумотлар жамланган), шунингдек, Ўзбекистоннинг йиллик демографик тўплами нашр қилинади.

¹ Ann Janette Rosga and Margaret L. Satterthwaie, The Trust in Indicators: Measuring Human Rights, 27 Berkeley J. Int'l Law. 253 (2009); Disaggregated data and human rights. University of Essex, HR Centre clinic, 2013. – P.7.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4235-сон қарори асосида Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/docs/4230944>

³ Батафсил маълумот учун ушбу ҳаволага ўтинг: <https://gender.stat.uz/ru/obshchie-svedeniya>

Қонуннинг 13-моддасига биноан, **давлат органлари** «...жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлайди». Шу билан бирга, бу моддада **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари** орқали маълумотларни тўплаш имконияти мустаҳкамланган¹.

8¹-модда. Гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари

Гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркеклар сонининг нисбатини ўрганиш;
- давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини баҳолаш;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15декабрдаги «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» ЎРҚ-809-сон қонунда Ўзбекистоннинг давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудит ўтказиш кўзда тутилган.

¹ Ўзбекистонда гендер статистикасини шакллантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот олиш учун «Гендер статистикаси (амалий қўлланма)» билан танишиб чиқиш тавсия этилади.. Тошкент, 2023 йил. Мазкур қўлланма АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида ишлаб чиқилган. Ушбу қўлланма АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ҳуқуқий ислохотлар дастури доирасида ишлаб чиқилган.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Гендерга оид аудит деганда, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини, шунингдек гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш тушунилади¹.

Гендерга оид аудит – фаол иштирок этиш принципига асосланган восита ва жараён дир. Бу ташкилотнинг гендер тамойилларини амалда қандай самарали татбиқ этиш бўйича мустақил ўрганиш жараёнини осонлаштиради.

Мустақил баҳолаш ва иштирок этиш тамойилларига асосланиб, аудит объектив далилларни ва ходимларнинг ўз ташкилотида гендер тенгликка қандай эришиш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларини ҳисобга олади. Бундан мақсад – мавжуд аниқ фактларни, тасдиқланмаган фактларини ва уларнинг субъектив талқинини яхшироқ тушунишдир.

Давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини ўрганиш умумий гендер мувозанатини тушуниш ва раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар кам вакиллик қилиш мумкин бўлган соҳаларни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Мавжуд тадқиқотлар шуни кўрсатадики, раҳбар лавозимларида гендер хилма-хиллик ҳукуматдаги қарорларни қабул қилиш жараёнлари ва натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Гендер масалаларига оид фаолиятга бюджет маблағларини ажратиш ва гендер кесимидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш гендер тенгликни рағбатлантириш мажбуриятини олган мамлакатлар томонидан қабул қилинган иккита умумий стратегиядир². Ушбу чоралар сиёсатчиларга номутаносибликларни аниқлаш ва бартараф этиш имконини берувчи гендер нуқтаи назаридан сиёсат ва ресурсларни тақсимлаш таъсирини баҳолашга қаратилган бўлади.

Гендер мувозанатини баҳолаш хотин-қизлар ёки эркаклар кам вакиллик қилиши мумкин бўлган соҳаларни аниқлашга ёрдам бериш учун маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Айтайлик, агар аёллар раҳбарлик лавозимларида озчиликни ташкил қилса, тузилмавий тўсиқлар ёки гендер стереотиплари мавжудлигини бунинг сабаби сифатида кўрсатиш мумкин. Шунингдек, номутаносибликлар аниқлагандан сўнг, ички омилларни (масалан, кадрлар сиёсати) ва ташқи

¹ Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/docs/4494849>

² Browne, C., Takamura, J. C., & Seo, J. Y. (2022, September 1). Global Gender Inequality, Older Women, and the Call for Change in the United States. Springer Science+Business Media, 37(3), 339-353. Ушбу ҳаволада: <https://doi.org/10.1007/s10823-022-09462-2>

омилларни (масалан, ижтимоий стереотиплар ва маданий меъёрлар) ўз ичига олиши мумкин бўлган сабабларни таҳлил қилиш муҳимдир.

Гендер тенглик иш жойи билан чекланиб қолмайди ва жамиятнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлади. Гендерга оид кенг қамровли аудит инклюзив ва адолатли бошқарувни таъминлаш учун турли давлат институтларида ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида хотин-қизлар ва эркакларнинг вакиллигини ҳисобга олиши зарур.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустаҳкамланган гендер аудитининг асосий вазифаларидан биридир.

Ушбу вазифа давлат органларининг кундалик фаолиятига гендер тенглик тамойилларини жорий этиш ва амалга ошириш самарадорлигини баҳолашга қаратилган.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунига кўра¹, **гендерга доир комплекс ёндашувга** давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз фаолиятини, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришни хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этиш, деб таъриф берилган.

Гендерга оид аудитнинг ушбу вазифаси давлат органларининг ўз фаолиятига гендер жиҳатларини қанчалик самарали интеграциялашувини ҳар томонлама ўрганишни ўз ичига олади. Интеграциялашган гендер ёндашувига асосланган фаолиятни ташкил этиш ҳолатини ўрганиш жараёни бир нечта асосий жиҳатларни таҳлил қилади. **Биринчидан**, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ички сиёсат ва тартибларнинг мавжудлиги ва сифати баҳоланади. **Иккинчидан**, қарор қабул қилиш амалиёти гендер омилларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан ўрганилади. **Учинчидан**, ташкилотнинг кадрлар сиёсати, жумладан, ҳар икки жинсдаги ходимларни ишга олиш, мартабасини кўтариш ва малакасини ошириш жараёнлари таҳлил қилинади.

Ўз фаолиятини интеграциялашган гендер ёндашуви асосида ташкил этиш ҳолатини ўрганиш нафақат хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқларининг расмий ҳурмат қилинишини таъминлайди, балки инклюзив ва адолатли давлат тизимини яратишга ҳам хизмат қилади. Бу вазифани самарали бажариш давлат бошқарувининг барча даражаларида гендер

¹ Хужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/docs/4494849>



истиқболларини интеграциялашувига қаратилган чора-тадбирларни қабул қилишни тақозо этади.

Гендерга оид аудитнинг навбатдаги вазифаси амалда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги **қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини баҳолаш**, шунингдек, **гендер тенгликни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан** иборат.

Гендерга оид аудит хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини ўрганиш ва баҳолашни кўзда тутаяди. Бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг гендер тенгликни таъминлаш тамойилларига мувофиқлигини таҳлил қилишни (гендер-ҳуқуқий экспертиза) ўз ичига олади. Шунингдек, бу аудит давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида интеграциялашган гендер ёндашувининг қўлланилишини баҳолашни ҳам қамраб олади.

Тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш гендерга оид аудитининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган яна бир вазифасидир. Ўтказилган таҳлил асосида жинсга кўра камситилган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус институтлар ташкил этишга оид таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Гендер сиёсатини амалга ошириш бўйича вақтинчалик махсус чора-тадбирларни қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жамиятнинг барча жабҳаларида хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги тенгсизликни бартараф этиш ва амалда тенгликка эришиш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилмоқда¹.

Аҳолининг ва давлат органлари ходимларининг гендер тенгликнинг аҳамияти ва унга эришиш усуллари бўйича хабардорлик даражасини ошириш ҳам муҳим вазифадир. Бунга фуқароларни хотин-қизлар ва эркеклар ҳуқуқлари тўғрисида хабардор қилишга қаратилган ўқув тарғибот ишлари ва дастурларини ташкил этиш орқали эришилади. Шунингдек, давлат органлари ходимлари учун гендер тенглик тамойилларини тушуниш ва уларни қўллаш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тренинглар ва малака ошириш дастурлари ўтказилади. Услубий материаллар ва рисолалар каби ахборот ресурслари ишлаб чиқиш фуқаролар ва давлат хизмати ходимларига гендер тенглик меъёрлари ва тамойилларини яхшироқ тушуниш ва амалда қўллашга ёрдам беради².

¹ 5-мақсад: Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш. [Эл.ресурс]URL: <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/gender-equality/>

² Для более подробного о порядке проведения гендерного аудита рекомендуется "Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича амалий қўлланма [Матн] / Ф.Хамдамова, Н.Гаибназарова, К.Алиева. – Тошкент: Akademnashr, 2024. – 192 б." Данная публикация стала возможной благодаря помощи американского народа, оказанной через Агентство США по международному развитию (USAID). Пособие подготовлено в рамках Программы USAID по правовой реформе в Узбекистане.

8²-модда. Гендерга оид аудитни ўтказиш ва унинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби

Гендерга оид аудит тасдиқланган уч йиллик режага асосан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилади.

Гендерга оид аудит давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гендерга оид аудитни ўтказиш услубияти асосида ўтказилади.

Гендерга оид аудитни ўтказиш учун тегишли соҳада зарур билимга ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар жамоатчилик асосида жалб этилиши мумкин.

Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига ўн иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни бир ой ичида кўриб чиқади. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни босқичма-босқич жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 82-моддаси гендерга оид аудитни ўтказиш ва унинг натижаларини кўриб чиқиш тартибига оидинлик киритади. Ушбу моддага мувофиқ, гендерга оид аудит тасдиқланган уч йиллик режага асосан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан жамоатчилик назорати доирасида



ўтказилади. Ушбу ёндашув гендерга оид аудитни режалаштириш ва ўтказишнинг муҳимлигини таъкидлайди.

Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Касаба уюшмалари федерациясининг ташкилий чора-тадбирлари белгиланди. Хусусан, 2023 йил январь ойида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ижроия қўмитаси тегишли қарор қабул қилиб, **унинг ижроси учун масъул шахсларни белгилаб берди**. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, хотин-қизлар ва эркакларнинг гендер ҳуқуқлари соҳасидаги тенглигини таъминлаш, оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш мақсадида уч йиллик режа асосида давлат органлари ва ташкилотларида давлат гендерга оид аудит ўтказилиши белгиланди.

Гендерга оид аудитни ўтказиш учун тегишли соҳада зарур билимга ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар жамоатчилик асосида жалб қилиниши мумкин.

Гендерга оид аудитни ўтказиш учун кўнгилли мутахассислардан фойдаланиш бир қанча афзалликларни бериши мумкин. Асосан ўқув юртлари ёки фуқаролик ташкилотларидан жалб қилинадиган бундай мутахассислар мустақил ва холис баҳолашлари сабабли, бу аудит ташкилотнинг ички тарафкашликлари ёки манфаатларига боғлиқ бўлмайди. Уларнинг гендер билан боғлиқ масалалар бўйича тажрибаси ташкилотнинг ўзи олиши имкониятига эга бўлмаган қимматли тажриба ва тавсияларни бериши мумкин¹. Бундай мутахассислар орасида гендер тенглик ва гендер таҳлили бўйича чуқур билим ва тажрибага эга бўлган университет профессорлари, тадқиқотчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари ва мустақил маслаҳатчилар бўлиши мумкин.

Мустақил мутахассислардан фойдаланиш гендер аудитининг объективлигини оширишга ёрдам беради. Бундай экспертлар ўзлари таҳлил қилаётган ташкилот билан бевосита боғлиқ бўлмагани учун унинг сиёсати ва амалиётига холисроқ баҳо беришлари мумкин. Бу манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини камайтириб, гендер номутаносибликлари ва муаммоларни яхшироқ аниқлашга ёрдам беради. Мустақил мутахассисларнинг жалб этилиши ҳам гендерга оид аудит соҳасидаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Ушбу мутахассислар ўз тажриба ва билимларини баҳам кўришлари мумкин, бу эса бошқа ташкилотларга гендер аудитини ўтказиш бўйича ўз усуллари ва ёндашувларини яхшилашга ёрдам беради.

Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин Хотин-қизларнинг жамиятдаги

¹ Browne, C., Takamura, J. C., & Seo, J. Y. (2022, September 1). Global Gender Inequality, Older Women, and the Call for Change in the United States. Springer Science+Business Media, 37(3), 339-353. Ушбу ҳаволада: <https://doi.org/10.1007/s10823-022-09462-2>

ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига ўн иш кунидан кечиктирмай юборилади. Комиссия келиб тушган материалларни бир ой муддатда кўриб чиқиши шарт. Комиссия кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, жумладан, кадрлар сиёсатида комплекс гендер ёндашувини босқичма-босқич жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади. Бу жараён аниқланган муаммоларга тезкор жавоб беришни таъминлайди ва уларни ҳал этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам беради.

Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Натижаларнинг оммавий равишда эълон қилиниши шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди, аҳолига турли давлат органларидаги гендер тенглик ҳолати тўғрисида хабардор бўлиш ва бу борадаги ютуқларни кузатиш имконини беради.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси гендерга оид аудит натижалари бўйича шаффоф ҳисобот бериш орқали гендер тенгликни таъминлашга ўрнатилган бўлиш ва ўзининг содиқлигини намойиш этиш имкониятига эга бўлади. Натижаларнинг эълон қилиниши бошқа ташкилотларни ҳам шунга ўхшаш аудит ўтказишга ва гендер тенглик соҳасида илғор тажрибаларни жорий этишга ундаши мумкин.

Ҳужжатларни таҳлил қилиш якунлари ҳамда сўровлар ва суҳбатлар натижаларини умумлаштириш асосида ишчи гуруҳ аъзолари **гендерга оид аудит натижалари бўйича хулоса ва тавсиялар** тайёрлайди. Аудитнинг асосий натижаси – бўлим/ташкилот томонидан аудиторларнинг тавсияларини изчил амалга оширишга қаратилган самарадорликни ошириш бўйича тавсиялар ва аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган ҳисобот¹. Хулоса ва тавсиялар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин Хотин-қизларнинг жамиятидаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига **ўн иш кунидан кечиктирмай** юборилади. Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг ушбу расмий веб-сайтига жойлаштирилади: <https://kasaba.uz/ru/>².

¹ Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича қўлланма. ХМТ гендерга оид аудит методологияси (фаол иштирок тамойилига асосланган). Женева, Халқаро меҳнат бюроси, 2007. – 15-б.

² Гендерга оид аудит ўтказиш тартиби тўғрисида батафсил маълумот учун қуйидаги қўлланмани ўқиш тавсия қилинади: «Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича амалий қўлланма [Матн] / Ф. Ҳамдамова, Н.Ғоибназарова, К.Алиева. – Тошкент: Akadernashr, 2024. – 192 б.» Мазкур қўлланма АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида ишлаб чиқилган. Ушбу қўлланма АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Ҳуқуқий ислохотлар дастури доирасида ишлаб чиқилган.



2-БОБ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

9-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;
- мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;
- жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;
- меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;
- оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш;
- жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш;
- мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш.



Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунчилик тизими Конституция билан белгиланган бўлиб, уни бир қанча қонун ҳужжатлари тўлдиради. Тегишли қоидалар Ўзбекистон Республикасининг барча кодексларида мавжуд¹. Кодекслардан ташқари, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган, қонун ва меъёрий ҳужжатлар шаклида қабул қилинган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Уларни хотин-қизларлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик соҳасида қуйидаги йўналишларда ажратиб кўрсатиш мумкин: оналикни муҳоаза қилиш, оила ва никоҳ муносабатларида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий соҳада ва давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг меҳнат соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини такомиллаштириш БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари, жумладан, БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш қўмитаси томонидан қабул қилинган якуний кузатишлар ва тавсияларга асосланади.

9-модда хотин қизлар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш сиёсати мазкур соҳадаги **давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларини** ишлаб чиқишни ҳамда амалга оширишни назарда тутди. Хусусан,

2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамалакат иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастури Президент фармони билан 2022 йил 7 мартда қабул қилинган;

«2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги Қарори билан қабул қилинган;

Ўзбекистоннинг CEDAW конвенцияси бўйича мамлакатимиз БМТ қўмитасига тақдим қилаётган даврий миллий ҳисоботлар юзасидан тавсиялар ижроси бўйича «Миллий ҳаракатлар дастури» ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундай дастурларнинг аксариятида гендер тенгликни кенг тарғибот қилиш, уни инсон ҳуқуқларининг ажралмас бўлаги эканлигини сингдириш, давлат идораларида, мансабдор шахсларфаолиятида гендер тенглик тамойилларига амал қилишни

¹ Меҳнат кодексига ҳомиладор аёлларни, уч ёшгача бўлган боласи бор аёлларни, коллеж, лицей ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга қабул қилишда синов мuddатидан озод қилишни назарда тутувчи меъёрлар киритилди. Оила кодекси бола вояга етгунга қадар бўлган давр учун алиментни кўчмас ёки кўчар мол-мулк ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларни бериш орқали олдиндан тўлаш имконияти тўғрисидаги низом билан тўлдирилди. Эр-хотинлар ажрашган тақдирда ҳар иккаласининг ҳуқуқларини кафолатловчи, мулкни бўлиш тартиби белгиланди. Жиноят кодексига никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги моддалар киритилди.

йўлга қўйиш, бу борадаги имкониятларни ишга солиш инсон ҳуқуқлари маданиятини, гендер тенглик маданиятини шакллантириш демакдир.

9-модданинг бешинчи хатбошисида **жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш масаласи қўйилган**. Жамият ҳаётида аёлларимизнинг фаоллиги уларнинг сиёсий партияларда, фуқаролик жамиятининг барча институтлари яъни оила, маҳалла, ОАВ даги иштирокини фаоллаштириш назарда тутилса, давлат ишларини бошқаришда аёлларнинг эркаклар билан тенг иштирокини таъминлаш давлат бошқарувида, яъни ижроия ҳокимият тизимида, ҳокимият вакиллик органларида, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда ва бошқа барча жабҳаларда тенг иштирокини таъминлаш назарда тутилади. Мамлакатимизда бу масалада қатор чора-тадбирлар қилинмоқда. Масалан, раҳбар аёллар резервини тайёрлаш, фаол хотин-қизларни Давлат бошқаруви академияси раҳбар аёллар курсларида ўқитиб, уларнинг бошқарув салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Хотин-қизларнинг меҳнат қилишда тенг ҳуқуқлиги, оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш ушбу модданинг 6-хатбошисида белгилаб қўйилган. Бу хотин-қизларни ишга олишда тенг имкониятларни яратиш, эркин касб танлаш ва таълим олиш ҳуқуқини, ишсиз, бетоб бўлган ёхуд ногирон бўлган тақдирда тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиш, пенсияга чиқишда, меҳнат муҳофазаси ва шарт-шароитларни ҳеч бир истисносиз таъминлашни назарда тутди. Оилавий мажбуриятларни бажаришда аёлларнинг эркаклар билан тенглик асосида бир-бирларига кўмак руҳида мувозанатни таъминлашини эътиборга олади. Маълумки, бу борада аёлларнинг оилавий юмушлардаги улуши бир неча боробар юқори бўлиши тенглик мувозанатини бузади ва шунга кўра уй меҳнати юкини аёллар учун бироз эркаклар ҳисобига камайтириш ўзаро тушуниш асосида бажарилиши лозим.

Шунинг баробарида оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш муҳимлиги 9-моддада алоҳида таъкидлаб ўтилган. Маълумки, оилада, болалар тарбиясида кўпроқ оналарнинг масъулияти юқорироқ талаб этилади ва кўп ҳолларда оталар масъулияти айнан моддий таъминот билан чекланадиган ҳолатни ўзгартириб, илк бор «масъулиятли оталикни шакллантириш» қонун талаби этиб белгиланди. Дарҳақиқат, аксарият ҳолларда оталар болалар тарбиясида масъулиятни кўпроқ ҳис этсалар болалар тарбияси тўлақонли бўлиши илмий жиҳатдан исботланган.

9-моддадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларига **«жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш вазифаси»** кўрсатиб ўтилган. ОАВнинг жамият ҳаётига юқори таъсир кучини ҳисобга олиб, оммавий, электрон ахборот



ресурсларида хотин-қизларни камситувчи мақолалар, маълумотларни чоп этиш, камситишга ва зўравонликка йўналтирилган ахборотларни тарқатишмумкин эмаслиги қонунда акс эттирилди.



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси

189²-модда. Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш

Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш, шу жумладан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини очикдан-очик инкор этиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш, худди шунингдек бундай хатти-ҳаракатларни омма олдида оқлаш ва (ёки) рағбатлантириш, – *базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

Қонуннинг ушбу моддасида гендер тенглик сиёсатини амалга оширишда давлат органлари билан бир қаторда **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш** назарда тутилган.

Гендер тенглик сиёсатини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

9-модданинг якуний бандида **гендер сиёсатини амалга оширишда минтақавий ва халқаро даражада самарали ҳамкорликни ривожлантириш эътироф этилган.**

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ халқаро муносабатларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилди ва инсон ҳуқуқларини тўлиқ ва ҳар томонлама кафолатлаш мажбуриятини олди.

1995 йилда Ўзбекистон БМТнинг «Хотин-қизларни камситишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясини ратификация қилган¹. Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар Хотин-қизларни камситишининг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича қўмитасига Конвенция қоидаларининг миллий даражада амалга оширилиши тўғрисида даврий ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини оладилар (18-модда). Ҳисоботлар давлатга мавжуд вазиятни танқидий

¹ Бу Конвенция 1995 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг №129-1-сонли қарори билан ратификация қилинган.

баҳолаш, мажбуриятларини ойдинлаштириш ва Конвенция қоидаларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида ислоҳотга муҳтож соҳаларни аниқлаш имконини беради¹. Бугунга қадар Ўзбекистон қўмига етита ҳисобот тақдим этган².

Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг 1952 йилдаги Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига, Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияга, 29-сонли Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисидаги конвенцияга, Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланилишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияга, 1995 йилги Пекин декларацияси, шунингдек, Ҳаракатлар платформасига қўшилган.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа органлари билан ҳамкорлик бўйича шуни айтиш мумкинки, ҳозирда Ўзбекистон **БМТнинг Аёллар мақоми бўйича комиссияси** билан ҳамкорлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўзбекистоннинг **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (БМТ ИҲК) ва махсус тартиблари** билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. **БМТнинг Гендер тенглик ва хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича тузилмаси («БМТ Аёллар ташкилоти»)** билан ҳамкорлик ривожланмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **Тараққиёт Дастури (БМТТД)** билан ҳамкорлик эса алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон БМТнинг ихтисослашган муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон ва БМТнинг ихтисослашган агентликлари ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири – оналикни муҳофаза қилишдир. Бу йўналишдаги асосий ҳамкорлар ЖССТ ва ХМТ, шунингдек, БМТ жамғармалари – ЮНИСЕФ ва ЮНФПА ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари, жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги бошқа қатор минтақавий ва минтақалараро ташкилотлар доирасида ҳам изчил ривожланмоқда. Хусусан, **Осиё тараққиёт банки (ОТБ³)** ва **ЕХҲТ⁴** билан ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Минтақалараро доирадаги ҳамкорликка яна бир мисол сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) билан ўзаро алоқаларни кўрсатиш мумкин. 2017 йилдан бошлаб ШХТ ва БРИКС мамлакатлари хотин-қизларининг халқаро конгресси ўтказиб келинмоқда.

¹ «Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги конвенция: парламентарийлар учун қўлланма. – Парламенлараро иттифоқ, 2004 йил. - 60-бет.

² Ўзбекистоннинг Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажарганлик тўғрисидаги илк ҳисоботи 2001 йилда кўриб чиқилган. Иккинчи ва учинчи жамланма ҳисоботлар эса 2006 йили кўриб чиқилган. Тўртинчи ҳисобот 2010 йилда, Бешинчи ҳисобот эса, 2014 йили тақдим қилинган. 2019 йилдан бошлаб Олтинчи ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишга тайёргарлик ишлари бошланган. Ўзбекистон Республикасининг Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш бўйича қўмига берган ҳисоботларини ушбу ҳаволадан топиш мумкин: www.ohchr.org

³ Ўзбекистон Республикаси 1995 йил августдан ОТБнинг аъзоси ҳисобланади.

⁴ Ўзбекистон 1992 йил 26 февралдан ЕХҲТ аъзосидир.



Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) билан ўзаро алоқаларни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак¹. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик бўйича салмоқли тажрибага эга ва ИХТнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга чиндан ҳам ҳисса қўша олади. Бу йўналишда ИХТ билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун инсон ҳуқуқларини таъминлашда диний омилнинг ўрни билан боғлиқ ҳолда алоҳида аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда ИХТ доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича қатор ҳужжатлар қабул қилинди, бошқалари ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш босқичида. Комиссиянинг 6-семинарида қабул қилиниши ИХТга аъзо давлатларда барқарор ривожланишнинг тинч демократик жамиятларини барпо этиш учун ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти тўғрисидаги Тошкент декларациясини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. У 2019 йил октябрь ойида Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг (ИХМДКК) 6-семинари якунлари бўйича қабул қилинди². Мазкур декларацияда хотин-қизлар ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган.

10-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, шунингдек давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон 1996 йилнинг 2 октябридан бошлаб бу Ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ихтисослашган муассаси бўлган Ислом тараққиёт банкининг аъзоси ҳисобланади.

² Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти: Тошкент шаҳрида ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси йиллик 6-семинаридаги маърузалар тўплами, 2019 йил, 7-8 октябрь // Муъсул муҳаррир: академик А.Х.Саидов. – Тошкент, 2019. – 192 б.

Қонуннинг 10-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, шунингдек давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи орган сифатида гендер сиёсатини амалга ошириш мақсадида ўз тузилмасида махсус бўлинмага эга бўлиб, унинг ваколатлари ушбу қонуннинг 11-моддасида алоҳида берилган. Бош вазирнинг ўринбосарларидан бири айнан хотин-қизлар ва оила масалаларига масъул этиб белгиланган. Шунингдек, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳам вазирлар Маҳкамасига бўйсунди. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида мавжуд Бош вазир ўринбосари штати негизида Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин қизлар қўмитаси раиси лавозими жорий этилган.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигини тахминлаш сиёсати бевосита давлат бошқарув органи ва ижроия ҳокимиятининг бош буғини бўлмиш Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Конституциясининг XX бобида Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи ҳокимият сифатида ваколатлари белгилаб қўйилган. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини ижро этувчи ҳокимият сифатида Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан белгиланган асосий йўналишлар доирасида амалга оширади. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси самарали иқтисодий, ижтимоий, солиқ, бюджет сиёсатини амалга оширади, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир дастурларнинг ишлаб чиқилиш ҳамда бажарилиши учун жавобгар бўлади. Аёлларга, ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди, оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш бўйича чоралар кўради.

Вазирлар Маҳкамасининг аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисидаги 2022 йил 22 февралдаги 85-сонли қарорига кўра, Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисига бўйсунувчи Оила ва хотин қизлар масалалари котибияти тузилмаси тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 85-сонли қарорининг 15¹-иловасида Оила ва хотин-қизлар масалалари котибиятининг тузилмаси қуйидагича келтирилади:

- Котибият мудир;
- Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича бош мутахассис;
- Гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича бош мутахассис;



- Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва касб-хунарга ўқитиш, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоли билан ишлаш масалалари бўйича бош мутахассис.

Бундан ташқари Котибиятга қуйидаги вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бириктирилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси;
2. «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институти;
3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар – котибият ваколатига киритилган масалалар юзасидан;
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари.

Котибиятнинг ўзаро ҳамкорлиги таъминланадиган ташкилотлар:

1. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази;
2. Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси;
3. «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»;
4. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 01 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-146-сон қарорига мувофиқ, Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси ҳар йили **Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига** Қўмита фаолияти юзасидан ҳамда соҳадаги тизимли муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида ахборот бериб бориш юклатилди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг ваколатлари шарҳланаётган мазкур қонуннинг 12-моддасида алоҳида берилган, комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошириб, унга Сенат раиси раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-146-сон қарорига 1-иловада Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси қуйидагича тасдиқланган:

1. «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институти;
2. Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси;

3. Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари;
4. Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари;
5. Республика ва ҳудудий «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»;
6. «Оила ва жамият» газетаси, «Саодат» журнали, «Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила» халқаро илмий журнали;
7. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси.

Шунингдек, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг марказий аппарати тузилмаси, вилоятлар ва туманлардаги тузилмаларининг иш фаолияти йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «**Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг** фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-208-сон Фармониغا мувофиқ, Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг бўйсунуви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди.

Қуйидагилар Қўмита фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

- хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш;
- эркаklar ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- давлат хизмати, таълим, илм-фан ва инновация, спорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;
- хотин-қизларнинг касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига кўмаклашиш, тадбиркорлигини ривожлантириш.

Қўмитанинг тузилмасига ўзгартириш киритилиб, маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари ўз фаолиятида Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмаларига бўйсунди ҳамда улар олдида ҳисобдорлиги белгиланди. Қўмитанинг мавжуд ташкилий тузилмасига «Олима аёллар» жамияти қўшилди, «Оила ва хотин-қизлар» илмий тадқиқот институти негизда «Оила ва гендер» илмий тадқиқот институти ташкил этилди.



11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларнинг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ҳамда амалга оширилишини ва уларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминлайди;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлигини таъминлайди;
- гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқарилишини таъминлайди, бу борадиги норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилади, стратегик режаларни молиялаштириш, йўл хариталари, дастурларининг бажарилишини таъминлайди.

Жумладан, ўз ваколати доирасида 2022 йил 4 июлда 358-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳужжати билан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Низомда Қўмитанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Унга кўра, Қўмитанинг ваколатига кирувчи масалаларда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутган. Бу борадаги давлат статистик маълумотларини, ўрганишларни таҳлил этиш, қонунчиликка риоя этилишини ва бажарилишини таъминлашни назорат қилиш, бу масалалар бўйича таклифлар киритишни кўзда тутган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туман (шаҳар) ларда хотин-қизлар жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш тўғрисида» 486-сонли Қарорига кўра, хотин-қизларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги мавқеини кўтариш, корхона ва ташкилотларда уларга муносиб иш ўринлари яратиш мақсадида жамоатчилик кенгашлари яхши самара берди.

Махсус чоралар кўрилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги «Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 737-сонли қарорига кўра махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, аҳвол ўрганилиб, ўнлаб хотин-қизларимизга уй-жойлар берилиб, шароитлар яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июнь кунги «Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 322-сонли қарори, хотин-қизларимизнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини ва имкониятларини кенгайтди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 августдаги «Давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаб бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 447-сонли қарори гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларимизнинг имкониятларини кенгайтди.

12-модда. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг ваколатлари

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси:

- хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида гендер тенгликка эришишга, оилани мустаҳкамлашга, оналик, оталик ҳамда болаликни муҳофаза қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;
- жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигига эришишга, давлат хизматининг раҳбарлик лавозимларига илгари суриш



- чоғида жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципини таъминлашга кўмаклашади;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
 - гендер тенгликни, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларнинг жорий ҳолатини ўрганиш, мавжуд муаммоларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш ва бартараф этиш чораларини кўради;
 - хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини эркаклар билан тенг равишда ошириш чораларини кўради;
 - давлат органларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиради;
 - жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилганлиги муносабати билан оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус муассасаларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;
 - гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш бўйича вақтинчалик махсус чоралар кўриш ва уларни бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига доир мурожаатларини қабул қилишни, кўриб чиқишни ва таҳлил қилишни амалга оширади ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан чоралар кўради;
 - гендерга оид аудитни ўтказиш режасини тасдиқлайди ва гендерга оид аудитни ўтказиш услубиятини белгилайди;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва бу соҳадаги халқаро стандартларга риоя этиш борасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш, эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш мақсадида республика комиссияси ташкил этилган.

Бу комиссия 2019 йилда Сенат ҳузурида ташкил этилиб, у жамоатчилик асосида ўз фаолиятини олиб боради. Комиссия низомида «оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади» деб белгилаб қўйилган.

Унинг таркиби 33 экспертдан иборат бўлиб, давлат бошқаруви органларининг раҳбарлари, вазирлар, вазир ўринбосарлари, йирик ННТлар раҳбарларидан шакллантирилган. Комиссия йиллик иш режаси асосида фаолият олиб боради. Комиссия қонуннинг 12-моддасида кўрсатилган вакоаларни амалга оширишда қуйидаги вазифаларга эътиборини қаратади:

- хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бўйича умумэтироф этилган халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, гендер тенглик ва оилани қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш ҳамда мониторинг қилиш;
- хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенгликни ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, жамоат ташкилотларини кенг жалб қилиш;
- иқтидорли ва фаол хотин-қизларни жамият ҳаётининг барча соҳаларида ва давлат бошқарувида раҳбарлик лавозимларига номзодларини илгари суришга кўмаклашиш.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси тўғрисидаги Низом 2022 йилда қабул қилинган.



12¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ўз ваколатлари доирасида:

- жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашда иштирок этади;
- қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш чораларини кўради;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини бериш тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлайди;
- давлат бошқаруви органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишлари, шунингдек уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга аризалар (шикоятлар) ва даъволар беради;
- қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- зарур ҳолларда, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилади, ишчи гуруҳлар тузади.

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил, 21 декабрдаги «Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-208-сон фармонига асосан, Қўмитанинг бўйсунуви Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди.

Қўмита оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритадиган ваколатли алоҳида мақомга эга республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Қўмита ўз фаолиятини республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга ва бланкаларга, ўз логотипига, мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида Ягона ғазна ҳисобварағида миллий ва хорижий валюталарда шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

Қўмитанинг туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари орқали марказлашган тарзда молиялаштирилади.

Қўмитанинг тузилмаси. Қўмита тизимига қўйидагилар киритилади:

- Қўмитанинг марказий аппарати;
- Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари;



- Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари;
- «Оила ва гендер» илмий-тадқиқот институти;
- Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси;
- Республика ва ҳудудий «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»;
- Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси;
- Маҳалладаги хотин-қизлар фаоллари;
- «Олима аёллар» жамияти;
- «Оила ва жамият» газетаси, «Саодат» журнали, «Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила» халқаро илмий журнали.

Ҳудудий бошқармалар Қўмитага, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисобот беради.

Туман (шаҳар) бўлимлари тегишли ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисобот беради.

Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғарма, Республика ва ҳудудий «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари», Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси, «Саодат» журнали, «Марказий Осиёда жамият, гендер ва оила» халқаро илмий журнали таҳририяти Қўмитага ҳисобот беради.

Қўмита иқтидорли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласида «Олима аёллар» жамияти билан ҳамкорлик қилади.

Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш;
- эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- давлат хизмати, таълим, илм-фан ва инновация, спорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;
- хотин-қизларнинг касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига кўмаклашиш, тадбиркорлигини ривожлантириш;
- оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш, ижтимоий ходим ва бошқа
- давлат хизматчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш;

- оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш ҳамда репродуктив саломатлик қоидаларини оммалаштириш;
- оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб қилиш;
- миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувига, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига кўмаклашиш;
- кейс менежмент қўллаган ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш ҳамда улар билан манзилли ишлаш;
- ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун давлат ташкилотлари, халқаро молия институтлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш.

Қўмита ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш соҳасида:

- хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва фаоллигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;
- хотин-қизларни оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишда Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари ишини самарали ташкил этиш чораларини кўради;
- хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилади;
- оилалар ва хотин-қизлар, айниқса, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилалар ва хотин-қизларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ва эҳтиёжлари қондирилишида ҳар томонлама ёрдам беришни ташкил этади;
- хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритади;
- хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришга, ҳукумат ва



- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик тамойилларининг амалга оширилишига кўмаклашади;
- жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг тотувлиги ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирлаш ишларини ташкил этади;
 - хотин-қизлар ўртасида ҳар йили уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини оширишга қаратилган турли кўрик-танловларни ташкил этади;
 - идоровий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, уларнинг фаолиятини таҳлил қилади, мувофиқлаштиради, мазкур ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда уларнинг самарали ишлашини таъминлайди;
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқларига биноан ҳамда ўз ташаббусига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;
 - фаолиятнинг белгиланган соҳасига тегишли масалалар бўйича ҳужжатлар қабул қилади;
 - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасига хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини ифодалаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;
 - вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг оила ва хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини келишади;
 - ўз ваколати доирасида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- b) эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш, хотин-қизлар ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:**

- жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашда иштирок этади;
 - қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш чораларини кўради;
 - хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
 - қонунчиликда белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини бериш тўғрисидаги статистик маълумотлар ва ахборотлар йиғишни ҳамда таҳлил қилишни ташкил этади;
 - республика ижро этувчи ҳокимият органларга, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишлари, шунингдек уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш тўғрисида кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;
 - қонунчиликда белгиланган, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
 - зарур ҳолларда, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилади, ишчи гуруҳлар тузад ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқади;
 - Ўзбекистон Республикаси томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг муҳокама қилинишида, шунингдек, гендер тенглик, аёллар масалалари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатларини кенгайтириш, ёшларга оид ва ижтимоий соҳаларга алоқадор бошқа масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқишида иштирок этади.
- с) давлат хизмати, таълим, илм-фан ва инновация, спорт, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:**
- олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда хотин-қизларни илм-фанга кенг жалб этиш,



улар ўртасида инновацияларни ривожлантиришга оид чоратадбирларни амалга оширади;

- узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар ва эркакларни бутун умр давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олишни кенгайтиришга кўмаклашади;
- хотин-қизларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган дастурий ишланмаларини, инновацион ғояларини, ихтирочилик, рационализаторлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни амалга оширади;
- мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда эркаклар улуши кам бўлган бошқа соҳаларга аёллар билан тенг равишда эркакларни жалб қилишга доир фаолиятни қўллаб-қувватлаш борасида таклифлар ишлаб чиқади;
- хотин-қизлар томонидан яратилган инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни кенг тарғиб қилиш мақсадида халқаро ва республика миқёсидаги форум, конференция, симпозиум, семинар, танлов, ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиш ва уларда хотин-қизларни ўз инновацион лойиҳаларининг натижалари билан иштирок этиш чоратадбирларини амалга оширади;
- давлат идоралари, халқаро донорлар, йирик корхона ва бошқа ташкилотлар томонидан долзарб мавзулардаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида ўтказиладиган танловларда хотин-қизларни ўз лойиҳалари билан иштирок этишларини тарғиб қилади;
- олима, тадқиқотчи, ихтирочи ва тадбиркор хотин-қизлар томонидан амалга ошириладиган ишлар натижалари юзасидан кенг оммани хабардорлигини ошириш бўйича турли тадбирлар ташкил этади.

d) иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида:

- иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш бўйича оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамда меҳнат жамоалари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини йўлга қўяди;
- иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш, улар билан манзилли ишлаш, қобилиятларини тўғри йўналтириш ва рағбатлантиришга, сиёсий, ҳуқуқий ва касбий билимларини, бошқарув кўникмалари ва лидерлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган ўқувлар ташкил этади;

- хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, «Қизларжон» ва бошқа жамоатчилик тузилмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;
- иқтидорли хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш ва тавсия этишга кўмаклашади;
- иқтидорли қизларни аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда белгиланган тартибда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш ишларини ташкил этади;
- мамлакатимизда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида тарғибот тадбирларини ташкил қилади;
- маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан таълим муассасаларидаги ўқувчи қизлар билан таълим олишга қизиқишларни қаратилган тадбирларни ташкил этишига кўмаклашади.

е) хотин-қизларнинг касбий кўникмалар олишлари ва муносиб иш топишларига кўмаклашиш, тадбиркорлигини ривожлантириш соҳасида:

- хотин-қизлар, хусусан, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларнинг касбий кўникмалар олишларига, меҳнат бозорида рақобатбардош касб-ҳунарларга ўқитиш ва муносиб иш топишларига кўмаклашади;
- хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини кўради;
- хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича иш берувчиларга таклифлар киритиб боради;
- маҳаллаларда хотин-қизларни касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳиссини уйғотиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;
- тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган ва йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларга тижорат банклари томонидан белгиланган тартибда кредит маблағлари, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан грант маблағлари ажратилишига кўмаклашади;
- маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг ҳудуддаги тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, улар фаолиятига кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб



қилиш бўйича иш ташкил этиши юзасидан услубий ва амалий тавсиялар беради;

- жойларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича кўрилаётган амалий чоралар самарадорлигини мониторинг қилади;
- республика ва ҳудудий «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари» фаолиятини самарали ташкил этилишига кўмаклашади;
- хотин-қизларни ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликка жалб қилиш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

f) оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш, ижтимоий ходим ва бошқа давлат хизматчилари билан ҳамкорликда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш соҳасида:

- оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилишга кўмаклашиш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир чора-тадбирларни амалга оширади;
- хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;
- давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ҳуқуқий маданиятни, жумладан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигига оид тушунчаларни сингдириш, зўравонликка муросасизлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини ташкил этади;
- хотин-қизларга нисбатан зўравонликни олдини олиш борасида амалий тарғибот ва туркум тадбирларни ташкил этади;
- хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
- хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадбирларни ташкил этади ва бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;
- хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан яқка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

- низоли вазиятларни профилактика қилишга, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурлар ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;
- давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда оилани мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқирилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга аризалар (шикоятлар) ва даъволар беради;
- тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш йўналишида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;
- зўравонликнинг олдини олиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки суиқасд қилишга мойил бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади ҳамда ушбу йўналишда илғор хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини жорий этиш чораларини кўради;
- хотин-қизлар ўртасида турли салбий ижтимоий ҳаракатлар, айниқса, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик каби ҳолатларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда натижалари бўйича маҳаллалар, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда профилактика чора-тадбирлари амалга оширилишини ташкил этади;
- маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан хотин-қизлар ўртасида ижтимоий профилактика ва мослаштириш ишларида ҳамкорлик қилиш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ишларини ва профилактика инспектори билан ҳамкорликда ташкил этишига услубий ва амалий кўмаклашади.

г) оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш ҳамда репродуктив саломатлик қоидаларини оммалаштириш соҳасида:

- «Соғлом она-соғлом бола» шиори остида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан биргаликда



- соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, репродуктив саломатлик қоидаларини тарғиб этиш, эрта туғруқ ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг келажак авлод саломатлигига салбий таъсирлари ҳамда ногирон болалар туғилиши ҳавфи юзасидан тарғибот ишларини олиб боради;
- «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракати Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашади;
 - маҳаллалардаги «Саломатлик мактаблари»ни самарали фаолият олиб боришида кўмаклашади, «Саломатлик мактаби» аъзоларини жалб этган ҳолда аҳоли орасида, оила ва хонадонларда соғлом овқатланиш асослари, жисмоний фаоллик, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича семинарлар ва амалий тарғибот тадбирларини ташкиллаштиради;
 - оилаларда хонадон гигиенасига риоя этилиши борасида тарғибот ишларини ташкил этади;
 - маҳаллаларда хотин-қизлар учун уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда турли ижтимоий-маданий ва соғломлаштириш тадбирлари, махсус спорт мусобақаларини ташкил этади;
 - меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ўртасида спортнинг оммавий турлари ҳамда велоспорт бўйича спорт мусобақалари ўтказилишини ташкил этади;
 - хотин-қизларни соғломлаштириш, маданият, туризм, болаларни соғломлаштириш ва уларнинг дам олиши масалаларида давлат органлари, маҳаллалар, иш берувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади.

h) оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб қилиш соҳасида:

- оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, оиланинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини кенг тарғиб этишга қаратилган чора-тадбирларини амалга оширади;
- оила институтини мустаҳкамлаш, «Соғлом оила – соғлом жамият» ғоясини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўради;
- замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатлар, яхши қўшничилик муносабатлари, бой маданий, тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар асосида оила институтини мустаҳкамлаш

- бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;
- оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ҳамда тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади;
 - оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш, медиаторлик институтининг роли оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда чора-тадбирларни амалга оширади;
 - никоҳланувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, оилаларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;
 - фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибасини оммалаштириш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларни «Ибратли оила» кўкрак нишони билан тақдирлаш ишларини ташкил этади;
 - «Соғлом оила – соғлом турмуш тарзи» тамойилини тарғиб қилиш мақсадида «оила-маҳалла-таълим» ижтимоий-тарбиявий тизими асосида тарғибот тадбирларини амалга оширади;
 - миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, уларни мазмунан бойитиш, фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш, оилаларда тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
 - маҳаллаларда хотин-қизларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширади, ёзувчилар, санъаткорлар, рассомлар ва бошқа ижод аҳли вакилларини таклиф этган ҳолда ижодий кечалар ва китобхонлик тадбирларини ташкил этади;
 - маҳаллалардаги оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб боришга масъул бўлган жамоатчилик тузилмалари ишини мувофиқлаштиради;
 - ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган, васийликка, ҳомийликка ва оилага тарбияга олинган (патронат) қизларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиб боради, уларнинг муаммоларини жойида ҳал қилишга ҳамда ўқув-тарбия муассасаларидан кейин ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади;
 - маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга



оширишда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлашга ҳамда оилавий қадриятларни тарғиб этиш, низоли оилаларни соғлом турмуш тарзига қайтариш ва оиланинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш борасидаги тарғибот ишларини ташкил этишга услубий-амалий кўмаклашади.

i) миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ижтимоий мослашувига, улар билан манзилли ишлаш орқали зарур ёрдамлар олишларига кўмаклашиш соҳасида:

- миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда уларнинг оилаларидаги ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда чора-тадбирларни амалга оширади;
- миграциядан қайтган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизларни меҳнат бозорида рақобатбардош касб-ҳунар турларига ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, саломатлигини тиклашга ҳамда жамият ҳаётига мослашувига кўмаклашади;
- Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш;
- Чет элга чиқиб кетган шахсларнинг уйда қолган вояга етмаган фарзандларини турмуш тарзини ўрганиш ва қўллаб-қувватлашда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда чора-тадбирларни кўради;
- Ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгаши орқали хорижда мураккаб ҳаётини вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ахборот жиҳатидан ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади.

j) кейс менежмент қўллаган ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш ҳамда улар билан манзилли ишлаш соҳасида:

- уйма-уй юриш орқали хотин-қизларнинг муаммоларини, хусусан, ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжини аниқлаб, кейс менежмент асосида муаммоларнинг ечимини ҳал этиш чора-тадбирларини амалга оширади, ушбу йўналишда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг ишини мувофиқлаштириб боради;
- «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлашда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

бўйича секторлар (кейинги ўринларда – секторлар), мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ўз вақтида ҳал этилиши юзасидан мониторинг юритади ва кўмаклашади;

- маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда, уларни оғир ижтимоий аҳволдан чиқариш чораларини амалга оширишда услубий ва амалий кўмаклашади;
- оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш, уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва тегишли чоратadbирларни амалга оширади;
- уй-жойга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, Ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган ҳамда ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг рўйхатини тузиш, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан бошланғич бадални тўлаб бериш орқали уларни арзон уй-жойлар билан таъминлашда кўмаклашади;
- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларини жарроҳлик йўли орқали соғлом ҳаётга қайтариш, реабилитация воситалари билан таъминлаш чораларини кўради;
- хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш тизимини рақамлаштириш орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни тизимли равишда ҳал этиш юзасидан ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чораларини кўради;
- маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ушбу муаммолар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга мурожаат қилиш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этишга кўмаклашади;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб келаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўяди.

к) ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун давлат ташкилотлари, халқаро молия институтлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш соҳасида:



- Қўмита тизимида давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан алоқаларни ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик чора тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотларга кўмаклашади;
- хотин-қизлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг илғор тажрибасини оммалаштириш, улар томонидан ишлаб чиқилган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш чораларини кўради;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни эҳтиёжмандлик даражасидан чиқариш бўйича жамоатчилик назоратини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб этиш ишларини ташкил этади;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг мамлакатимизни ривожлантиришга бўлган дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, рўй бераётган жараёнларни англаш ва муҳокама қилишга жалб этиш, шунингдек, уларни фаол фуқаролик позициясига эга бўлишларига чорлайдиган тадбирларни ташкил этади;
- заруратга кўра хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш жараёнларига фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, экспертлар ҳамда олимларни жалб этади.

13-модда. Давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлайди;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларни тиклаш бўйича чоралар кўради;
- хотин-қизлар ва эркекларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича фуқароларнинг маданият даражасини ва хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни амалга оширишга фаол жалб қилиш мақсадида улар билан ҳамкорликни ривожлантиради;
- хотин-қизлар ва эркеклар касбий ва оилавий мажбуриятларни бирга бажариши учун шарт-шароитлар яратади, шу жумладан ҳам оналарга, ҳам оталарга бола парвариши учун таътил бериш орқали шарт-шароитлар яратади;
- гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўради ва уларни бекор қилади;
- меҳнат бозорида хотин-қизлар ва эркекларнинг тенглигини илгари суриш, ишга жойлаштириш учун ўқитиш ҳамда шароитлар яратиш юзасидан хусусий сектор билан ҳамкорликни ривожлантиради.

Давлат органларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс (бундан буён матнда ваколатли шахс деб юритилади) белгиланади. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

Давлат органларининг раҳбарлари хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш



масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида маслаҳат-кенгаш органларини тузиши мумкин.

Конституцияга мувофиқ, «давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди», – деб белгиланган¹.

Давлатнинг бу функциясини давлат органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадilar.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ваколатлар – умумий маънода, бу давлат органининг ваколатини ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси.

Давлат органининг (мансабдор шахснинг) ваколатлари – бу фуқаролар (ваколатли давлат органлари) томонидан ижтимоий зарур, умуммиллий аҳамиятга молик вазифаларни бажариш учун берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мажмуи².

Шарҳланаётган моддада давлат органларининг ваколатлари чегараси кўрсатилгани бежиз эмас, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг бевосита функциялари ва вазифаларига эга.

Масалан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ваколатларига, биринчи навбатда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари билан ишлашни ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг бажарилишини текшириш ва назорат қилиш, қолаверса ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти тизимларининг эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш, кўп қаватли уйларни бошқариш, кўп хонадонли уй-жой фондининг ишлаши устидан назоратни таъминлаш кабилар кирди³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.

² И.И. Мах. Полномочия государственных органов: подходы к определению структуры и понятия [Давлат органлари ваколатлари: тузилма ва тушунчаларни аниқлаш ёндашувлари]. [Эл.ресурс] URL: <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/205909/1/96-99.pdf>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 август кунги «Маъмурий ислохотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-151-сон фармони Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6587221>.

Бир қарашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш бевосита Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ваколатига кирмайди. Аммо гендер сиёсатини амалга ошириш барча давлат органларининг иштирокини тақозо этади.

Шу боис шарҳланаётган моддада давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари рўйхати келтирилган.

1. Хусусан, давлат органлари ўз ваколатлари доирасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

Ушбу ваколат ҳар бир давлат органи томонидан мазкур Қонуннинг 9-моддасида белгиланган хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг йўналишларини амалий жорий қилинишини назарда тутаяди.

Шу тарзда, меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Шу сабабли давлат органлари, биринчидан, гендер сиёсатини рағбатлантиришни назарда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқиши, иккинчидан, гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишда иштирок этиши мумкин.

Масалан, Ички ишлар вазирлиги тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларга нисбатан ҳимоя тартибини жорий этишни назарда тутувчи бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди¹.

Айни пайтда **2024-2026 йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш режаси** амалга оширилмоқда, уни амалга оширишда деярли барча вазирлик ва идоралар иштирок этмоқда.

Маълумот учун, 25 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 109 та фармон ва қарори, Ҳукуматнинг 115 та қарори, 28 та идоравий ҳужжат, жами 277 таси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ушбу режадан ўрин олган.

2. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3-сон қарори. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4676892>.



Мамлакатимизда давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегиялари, одатда, қонун ижодкорлиги фаолияти доирасида ишлаб чиқиши ва шунга мос равишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида тасдиқланиши амалиёти шаклланди.

Хусусан, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ушбу ҳужжатларнинг таркибий қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар, регламентлар, стратегиялар, концепциялар, доктриналар, дастурлар («йўл хариталари») ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган¹.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Дастур («Йўл харитаси») у ёки бу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсадларига эришилишини таъминлайдиган тадбирлар (вазифалар, амалга ошириш муддатлари, молиялаштириш манбалари ва масъул ижрочилар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар) ва механизмлар тизимини белгилайди.

Стратегия мамлакат ёки муҳим тармоқларни ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларини белгилайди.

Миллий ҳаракатлар режаси – бу сиёсий ҳужжат бўлиб, унда давлат белгиланган мавзу бўйича халқаро, минтақавий ва миллий мажбуриятларни бажариш учун амалга оширадиган устувор йўналишлар ва ҳаракатларни белгилайди².

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ҳам гендер сиёсатини илгари суриш кўзда тутилган. Хусусан, мазкур Стратегиянинг 25-мақсади хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлашга қаратилган³. Шу сабабли «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини амалга ошириш мақсадида қабул қилинаётган амалий ҳаракатлар режалари, мақсадли кўрсаткичлар, ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатларида юқоридаги 25-мақсадга эришишга қаратилган

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/5378966>

² Бизнес ва инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг асосий тамойилларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://www.undp.org/ru/kyrgyzstan/news/nacionalnyy-plan-deystviy-po-realizacii-rukovodyaschikh-principov-oon-predprinimatelskoy-deyatelnosti-v-aspekte-prav-cheloveka>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида» ПФ-158-сон фармони Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.

чора-тадбирлар назарда тутилган (қаранг: 2024 йил учун амалий чора-тадбирлар режасининг 63-67-бандлари¹).

Юқоридаги стратегик ҳужжатлар билан бир қаторда парламент юқори палатасининг қарори билан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди². Уни амалга ошириш доирасида ҳар йили комплекс чора-тадбирлар дастурлари ҳам тасдиқланади.

Миллий ҳаракатлар режалари бўйича, уларни қабул қилиш ва амалга ошириш механизми халқаро компонентни назарда тутди. Буни Ўзбекистон 1995 йилда қўшилган Хотин-қизларни камситишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги конвенцияси (CEDAW конвенцияси) мисолида тушунтириб ўтаемиз³.

Ушбу конвенция шартнома органи, хусусан, БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш қўмитаси фаолият юритадиган конвенциялардан биридир.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлар³ – бу инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномаларнинг бажарилишини назорат қилувчи мустақил экспертлар қўмиталари. У ёки бу шартномага иштирокчи бўлган ҳар бир иштирокчи-давлат тегишли шартномада мустаҳкамланган ҳуқуқлардан умумий фойдаланишни таъминлаш учун зарур чораларни кўриш мажбуриятини олади.

Иштирокчи давлатлар томонидан тўрт йиллик, янгиланадиган муддатга кўрсатилган ва сайланган мустақил экспертлардан ташкил топган инсон ҳуқуқлари бўйича ўнта шартномавий орган мавжуд.

Шартномавий органлар қуйидаги шартномаларнинг бажарилишини назорат қилади:

1. Ирқий камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита (ИКБК) Ирқий камситишнинг барча шакллариغا барҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» ПФ-37-сон Фармони Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6811936>.

² «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси» Ҳужжат матни билан қуйидаги ҳаволада танишиш мумкин: <https://lex.uz/ru/docs/5466673>

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 май кунги «Ўзбекистон Республикасининг 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши ҳақида» 87-сон Қарори Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/2678973>.

⁴ БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органлари ҳақида батафсил маълумот қуйидаги ҳаволада: <https://www.ohchr.org/ru/treaty-bodies>.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

1. бериш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг (1969 йил 4 январь) бажарилишини назорат қилади;
2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси (ИИМҲҚ) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилишини назорат қилади (1976 йил 3 январь);
3. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (ИҲҚ) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакти (ФСҲХП) (1976 йил 23 март) ва унинг факультатив протоколларининг бажарилишини назорат қилади;
4. **Хотин-қизларни камситишининг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича қўмита (ХҚКББҚ) Хотин-қизларни камситишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция** (1979) ва унинг факультатив протоколи (1981 йил 3 сентябрь) ижросини назорат қилади;
5. Қийноқларга қарши қўмита (ҚҚҚ) Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенциянинг (1987 йил 26 июнь) бажарилишини назорат қилади;
6. Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита (БҲҚ) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1990 йил 2 сентябрь) ва унинг ихтиёрий баённомаларининг бажарилишини назорат қилади;
7. Меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита (ММҲҚ) Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг (2003 йил 1 июль) бажарилишини назорат қилади;
8. Қийноқларга қарши Конвенциянинг факультатив протокоliga (2006 йил 22 июнь) мувофиқ ташкил этилган Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш қўйи қўмитаси (ҚҚТ) қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларининг олдини олиш мақсадида озодликдан маҳрум қилиш жойларига ташриф буюради;
9. Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита (НҲҚ) Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг (2008 йил 3 май) ижросини назорат қилади;



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

10. Мажбурий йўқолишлар бўйича қўмита (МЙҚ) Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг (2010 йил 23 декабрь) бажарилишини назорат қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 35/29-резолюциясига мувофиқ, 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон парламенти томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низомий органлари ва шартномавий қўмиталари тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракатлар режаларини тасдиқлаш тартиби жорий этилган¹.

Барча иштирокчи-давлатлар Конвенцияда белгиланган ҳуқуқларга нисбатан кўрилган чоралар, шунингдек уларни таъминлашда давлат эришган ютуқлар тўғрисида ҳисобот беришлари зарур. Бугунга қадар Ўзбекистон томонидан Конвенцияни амалга ошириш бўйича олтига миллий маъруза тақдим этилган бўлиб², уларнинг якунлари бўйича миллий ҳаракатлар режалари қабул қилинган ва амалга оширилган³.

3. Жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлаш.

Статистика маълумотлари – статистика кузатувлари натижасида ва (ёки) маъмурий маълумотлар асосида тайёрланган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик хусусиятга ҳамда бошқа хусусиятга эга ахборот⁴.

Мамлакатимизда бу борадаги асосий орган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги ҳисобланади⁵. Статистика органлари томонидан гендер статистикасини юритиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Статистика агентлигида гендер статистикасини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бўйича алоҳида бўлим ташкил этилди. gender.stat.uz расмий сайти ишлаб чиқилиб,

¹ 2017 йил 23 июнда Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан қабул қилинган қарор. Ҳужжат матни куйидаги ҳаволада: <https://documents.un.org/doc/undoc/gen/g17/190/94/pdf/g1719094.pdf?token=PNm6ckjk1xWAhr017d&fe=true>.

² Ратификация, ҳисоботларни тақдим қилиш ва ҳужжатлар – Ўзбекистон, https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/TreatyBodyExternal/Countries.aspx?lang=ru.

³ БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг бандларини бажариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бешинчи даврий маърузаси якунлари бўйича БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича қўмитасининг Тавсияларини бажариш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси, 2017 йил 16 октябрь

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 11 августдаги «Расмий статистика тўғрисида» ЎРҚ-707-сон Қонуни. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/5569619>.

⁵ Официальный веб-сайт Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан, <https://stat.uz/ru/ob-agenstve/overview>.



ишга туширилди. Шунингдек, gender.stat.uz расмий веб-сайтида БМТ Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган 52 та минимал гендер кўрсаткичлари тўплами учун алоҳида саҳифа очилди. gender.stat.uz веб-сайтининг барча бўлимларида гендер статистикасига оид 180 дан ортиқ кўрсаткичлар мавжуд.

Бундан ташқари, гендер статистикаси бўйича маълумотлар Агентликнинг stat.uz, nsdg.stat.uz, aholi.stat.uz веб-сайтларида, siat.stat.uz статистик порталида, шунингдек data.egov.uz очиқ маълумотлар порталида жойлаштирилган.

Масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 54 та минимал гендер кўрсаткичлари тўлиқ шакллантирилиб, веб-сайтга жойлаштирилди ва мунтазам янгиланиб борилмоқда. БМТ Статистика комиссиясининг тавсиясига асосан, 5 та йўналиш бўйича 54 та кўрсаткич кўрсатилиши сўралган бўлса, ҳозирда бу сайтда 8 та йўналиш бўйича 130 дан ортиқ бошқа кўрсаткичлар шакллантирилиб, веб-сайтда эълон қилинган.

«2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси» 61 мақсадли кўрсаткичлари мониторинги тўғрисидаги маълумотлар веб-сайтнинг алоҳида саҳифасида жойлаштирилган. Расмий веб-сайтнинг асосий кўрсаткичлар саҳифасида 550 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар томонидан олиб борилган 27 турдаги статистик кузатишлар асосида гендер статистикасининг қўшимча кўрсаткичлари жойлаштирилиб, унинг контенти мунтазам равишда кенгайтирилмоқда¹.

Статистика агентлигининг умумий мувофиқлашувида гендер кесимидаги бундай ҳажмдаги статистика кўрсаткичлар тўплами ўз ваколатлари асосида тегишли маълумотларни тақдим этувчи деярли барча давлат органларининг иштирокини тақозо этади.

4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларни тиклаш бўйича чоралар кўриш.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари давлат органларига ариза, таклиф ёки шикоят тарзида берилиши мумкин².



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

¹ Ўзбекистон очиқ гендер маълумотлари индексига кўра дунёнинг энг яхши 20 та давлати қаторига кирди. [Эл.ресурс] URL: <https://www.yuz.uz/ru/news/uzbekistan-voshel-v-top-20-luchshix-stran-mira-po-indeksu-otkrx-gendernx-dannx>.

² Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни Хужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/3336169>.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларни тиклаш чораларини кўриш «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳар бир давлат органи, қонун ҳужжатларига мувофиқ, келиб тушган мурожаатни белгиланган тартибда кўриб чиқиши шарт. Бунда, ариза берувчи, масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатига кирадиган масала бўйича Бандлик ва қашшоқликни қисқартириш вазирлигига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ эмаслигини тушуниши керак. Тегишли давлат органининг ваколатига кирмайдиган сўровлар келиб тушган тақдирда, улар ваколатли органга юборилади, бу эса қўшимча вақт талаб этади ва бюрократик сусткашликларга олиб келиши мумкин.

5. Хотин-қизлар ва эркаларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўриш ҳамда бунга кўмаклашиш.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ходимларни касбга тайёрлаш деганда ходимларда назарий ва амалий билимларни шакллантиришга, шунингдек муайян соҳада касбий фаолиятни амалга оширишга ва (ёки) муайян касб ёки мутахассислик бўйича ишларни бажаришга имкон берувчи кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришга йўналтирилган ўқитиш тушунилади. Ходимларни касбга тайёрлаш иш берувчининг йўлланмаси бўйича ихтиёрий равишда таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Аксарият вазирлик ва идораларда кадрлар тайёрловчи таълим муассасалари мавжуд. Масалан, Тошкент давлат юридик университети, Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, юридик техникумлар каби таълим муассасалари Адлия вазирлиги



тизимига киради¹. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети эса, Ташқи ишлар вазирлиги қошида фаолият юритади. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўйсунувида 30 дан ортиқ олий ўқув юртлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигида – 14 та, Қишлоқ хўжалиги вазирлигида – 6 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатади². Шунга кўра, давлат органлари ўзлари ҳузурида фаолият юритаётган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирганда гендер сиёсатини илгари суриш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

6. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича фуқароларнинг маданият даражасини ва хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўриш ҳамда бунга кўмаклашиш.

Ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқлардан биридир. Шу сабабли, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат³:

- улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;
- улар фаолиятининг ошқоралиги ва шаффофлиги;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя этиш.

Хабардорлик ва маданият ўртасидаги боғлиқлик шундан иборатки, маданият комплекс таълим сифатида хабардорликни – гендер сиёсати ҳақидаги асосий билимлар тизимини ўз ичига олади. Ушбу билимларни ички «қайта ишлаш» туфайли тегишли маълумотларни англаш ва қабул қилиш, шунингдек, жамиятда ўрнатилган меъёрларга мувофиқ ўз хулқ-атворини шакллантиришга тайёрлик пайдо бўлади.

Шу боис давлат органлари томонидан хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида» ПФ-80-сон Фармони Хужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6937312>.

² Ўзбекистон Республикасидаги Олий таълим муассасалари рўйхати қуйидаги ҳаволада: <http://www.erasmusplus.uz/ru/Higher-education/HEI/index.htm> (<https://stat.edu.uz/universities>).

³ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни Хужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/2381133>.

фуқароларнинг маданият даражасини ва хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўриш ҳамда бунга кўмаклашиш гендер сиёсатини ривожлантиришга хизмат қилади.

7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни амалга оширишга фаол жалб қилиш мақсадида улар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади¹.

Шарҳланаётган Қонунни таҳлил қиладиган бўлсак, унинг деярли ҳар бир моддасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик кўзда тутилган.

Хусусан, давлат органлари гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишда илмий ва таълим муассасалари мутахассисларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг вакиллари, шунингдек фуқароларни шартнома асосида жалб этишга ҳақли².

Қолаверса, гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин³.

Гендерга оид аудит тасдиқланган уч йиллик режага асосан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилади.

Шарҳланаётган қонуннинг 15-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироки батафсил келтириб ўтилган.

8. Хотин-қизлар ва эркаклар касбий ва оилавий мажбуриятларни бирга бажариши учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан ҳам оналарга, ҳам оталарга бола парвариши учун таътил бериш орқали шарт-шароитлар яратиш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Хужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.

² Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом. Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4777291>

³ Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. Хужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4494849>.



Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади¹.

Давлатнинг бу функцияларини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар бажаради.

Меҳнат кодекси² хотин-қизлар ва эркаклар учун касбий ва оилавий мажбуриятларни уйғунлаштириш учун шароит яратишга қаратилган бир қатор қоидаларни назарда тутди. Шунга кўра, давлат органлари Меҳнат кодексининг ушбу қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Жумладан, ишлайдиган эркакларга меҳнат таътили ҳар йили уларнинг илтимосига кўра хотинининг ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган даврида берилади.

Ходимлар ҳомиладорлик, туғиш таътили, бола парвариши таътиллари каби ижтимоий таътилларни олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Боласи икки ёшга тўлгунига қадар болани парваришлаш таътилида бўлган ота-онага, болани ҳақиқатда боқаётган ота-онасидан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда бола парвариши учун нафақа тўланади.

Жамоа келишувларида ёки жамоа шартномасида ёки меҳнатга оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ходимларга (масалан, бола туғилиши сабабли боланинг отасига) қонун ҳужжатларида белгиланмаган бошқа ижтимоий таътиллар берилиши назарда тутилиши мумкин.

Қолаверса, Меҳнат кодексига қуйидаги махсус чоралар кўзда тутилган³:

- ҳомиладорлиги ёки фарзандлари борлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этишни ёки иш ҳақи миқдорини камайтиришни тақиқлаш;
- ҳомиладор аёлларни енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш;
- икки ёшга тўлмаган бола парваришини амалга ошираётган ота-онадан бирини (васийни) бошқа ишга ўтказиш;
- уч ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бирининг (васийсининг) қисқартирилган иш вақти давомийлигига бўлган ҳуқуқи;
- ҳомиладор аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш;
- қўшимча дам олиш куни;
- ҳомиладор аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга йиллик меҳнат таътилларини бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.

² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6257288>

³ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6257288>

- ўн икки ёшга тўлмаган болаларнинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) бериладиган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил;
- ўн икки ёшга тўлмаган болаларнинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирининг (ота-она ўрнини босувчи шахснинг) иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш ҳуқуқи;
- ҳомиладор аёлларга антенатал (туғруққача) парваришlash учун қўшимча бўш кунлар берилиши;
- болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар;
- меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида ҳомиладор аёллар учун кафолатлар;
- уч ёшгача бўлган боласи бор ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар.

9. Гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни кўриш ва уларни бекор қилиш.

Шарҳланаётган Қонуннинг 3-моддасида гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар бўйича тушунтириш берилади.

5-моддада кўриб чиқиладиган Қонун асосида гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар камситиш ҳисобланмаслиги қайд этилган.

6-моддага асосан, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади.

11-моддага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни белгилайди, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси эса, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш бўйича вақтинчалик махсус чоралар кўриш ва уларни бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади (12-модда).

Ваколатли шахс хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилади, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганади ҳамда уларни қўллаш тўғрисида таклифлар киритади (14-модда).

16-моддада келтирилишича, давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда



тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилади. Квота вақтинчалик чора сифатида жорий этилади ҳамда у давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар вакиллигининг мутаносиблигига эришилишига қараб бекор қилиниши мумкин.

Юқоридаги моддалар қоидалари давлат органлари томонидан қўлланилади ва амалга оширилади.

10. Меҳнат бозорида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини илгари суриш, ишга жойлаштириш учун ўқитиш ҳамда шароитлар яратиш юзасидан хусусий сектор билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Хусусий сектор – бу хусусий мулкка эга бўлган ва хусусий капиталга тегишли бўлган иқтисодий объектлар тўплами, яъни, оддий сўз билан айтганда, бу бизнес соҳасидир.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш давлатнинг конституциявий бурчи бўлишига қарамай, давлат уни тўлиқ қамраб ололмайди. Қолаверса, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, аксинча, гендер масалаларини илгари суриш бўйича давлат томонидан кўрилатган чора-тадбирларни сезиларли даражада кучайтириши мумкин. Шу боис давлат органларининг хусусий сектор ҳамкорлиги, ўз табиатига кўра кўп қиррали бўлади.

Меҳнат бозорида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини илгари суриш, ишга жойлаштириш учун ўқитиш ҳамда шароитлар яратиш юзасидан давлат органларининг хусусий сектор билан ҳамкорликни ривожлантириши кўп жиҳатдан тартибга солиш сиёсатига асосланади.

Давлат хусусий сектор риоя қилиши шарт бўлган умумий қоидаларни ишлаб чиқади. Масалан, ҳар ким ҳеч қандай камситишларсиз ўз меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқига эга, деган конституциявий меъёр мавжуд. Бу талабга давлат идоралари ҳам, хусусий сектор ҳам риоя қилиши шарт.

Юқорида биз Меҳнат кодексида назарда тутилган кафолатларни кўриб чиқдик, бу ҳам давлат органлари, ҳам хусусий сектор томонидан бажарилиши зарурдир. Худди шу талаб меҳнат ҳуқуқларини таъминлашдан ташқари, ҳар кимнинг жинсга кўра камситилмасдан таълим олиш ҳуқуқига ҳам тегишлидир.

Давлат узлуксиз таълим тизимини, унинг турли кўриниши ва шаклларини, давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини ривожлантиришни таъминлайди¹. Шу сабабли давлат органлари ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, биринчи навбатда, «ўйин қоидалари» деб аталувчи қоидаларни белгилаш ва уларга давлат органлари ва хусусий сектор томонидан риоя этилишини давлат томонидан назорат қилиш шаклида амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.

Шу билан бирга, давлат органлари ва хусусий сектор ўртасида ўзаро манфаатли ва бир-бирини тўлдирувчи ҳамкорлик шаклида кўпроқ тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалга ошириладиган ҳамкорликнинг яна бир шакли мавжуд.

Ушбу ҳамкорлик тури хусусий сектор билан давлат-хусусий шериклик шаклида ифодаланиши мумкин, яъни, бизнес, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик. Давлат-хусусий шерикликнинг давлат ва жамият фаровонлигидаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда махсус қонун қабул қилинди, унга кўра давлат-хусусий шериклик – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлигидир¹.

Давлат-хусусий шериклик умумий маънода ижтимоий аҳамиятга эга давлат муаммоларини ҳал қилиш учун хусусий инвестицияларни жалб қилишни англатади. **Ижтимоий шериклик** давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир².

Давлат-хусусий шериклик ва ижтимоий шериклик тушунчаларининг мазмунидан келиб чиқадики, хусусий сектор қуйидаги кичик турларга бўлинади. Биринчи ҳолда, биз иқтисодиётнинг хусусий сектори, яъни асосий мақсади фойда олиш бўлган нодавлат субъектлари ҳақида гап кетмоқда. Иккинчидан, биз учинчи сектор деб атайдиган хусусий сектор, яъни ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида даромад (фойда) олишни кўзламайдиган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кўзда тутилади.

Шу тарзда, давлат органлари, хусусий сектор ва жамият умумий мақсад – гендер сиёсатини илгари суриш атрофида бирлашиши зарур.

Шарҳланаётган Қонуннинг 14-моддасида Давлат органларидаги ваколатли шахснинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари тўғрисида маълумот берилган.

Шаҳланаётган моддада, давлат органларининг раҳбарлари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

¹ «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4329270>.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиқ маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/2468214>.



масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида маслаҳат-кенгаш органларини тузиши мумкинлиги ҳам айтиб ўтилади



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Маслаҳат-кенгаш органи – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ҳузурида фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишини жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар ўтказиш, ўз фаолияти доирасидаги масалаларни дастлабки муҳокама қилиш йўли билан таъминлаш мақсадида доимий ёки вақтинчалик асосда ташкил этиладиган, давлат органининг ваколатлари ва унинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш зиммасига юклатиладиган коллегиал муассаса ёки орган.

Маслаҳат-кенгаш органи давлат, бизнес ва учинчи сектор ўртасида доимий мулоқотни ташкил этиш ва алоқани таъминлашга кўмаклашиш учун ташкил қилинади.

Таъкидлаш жоизки, дунёнинг демократик давлатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида маслаҳат-кенгаш органлари тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида мақоми, миқдорий таркиби, ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби ва бошқаларга эга бўлган бир қатор маслаҳат-кенгаш органлари ташкил этилган. Турли мамлакатларнинг конституциявий қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда, маслаҳат-кенгаш органлари турлича бўлиб, улар жамоат кенгашлари, маслаҳат қўмиталари, кенгаш ёки эксперт комиссиялари, жамоат коллегияси, ишчи гуруҳлари, жамоат палаталари, маслаҳат ассамблеялари, эксперт хизматлари, жамоатчилик ҳайъати ва шу каби номда аталиши мумкин¹.

¹ Нестерович В.Ф. Конституционно-правовое регулирование консультативно-совещательных органов в европейских государствах // Юристъ-Правоведъ. – 2013. – № 3. – 31-35-б.

14-мoддa. Дaвлaт oргaнлaридaги вaкoлaтли шaхcнинг хoтин-қизлaр вa эркaклaр учун тeнг хуқуқ ҳaмдa имкoниятлaрни тaъминлaш сoҳacидaги вaкoлaтлaри

Вaкoлaтли шaхc:

- фaолиятнинг тeгишли сoҳacидa хoтин-қизлaр вa эркaклaр учун тeнг хуқуқ ҳaмдa имкoниятлaр кaфoлaтлaрини тaъминлaш принциплaригa риoя этилишини тaъминлaйди;
- хoтин-қизлaр вa эркaклaр учун тeнг хуқуқ ҳaмдa имкoниятлaрни тaъминлaш ҳoлaтини тaҳлил қилaди, гeндeр сиёcати aмaлгa oширилишини тaъминлaшгa дoир вaқтинчaлик мaхсус чoрaлaр қўллaнилишининг мaқcадгa мувoфиқлигини ўргaнaди ҳaмдa улaрни қўллaш тўғрисида тaклифлaр киритaди;
- жинс бўйичa бeвoситa ёки билвoситa кaмcитишгa бaрҳaм бeриш юзасидaн aхбoрoт фaолиятини фyқaрoлaрнинг ўзини ўзи бoшқaриш oргaнлaри, нoдaвлaт нoтижoрaт тaшкилoтлaри вa фyқaрoлик жaмиятининг бoшқa инcтитутлaри билaн ҳaмкoрликдa дoимий aсoсдa aмaлгa oширaди;
- хoтин-қизлaр вa эркaклaр учун тeнг хуқуқ ҳaмдa имкoниятлaрни тaъминлaш сoҳacидa гeндeр кўрсaткичлaрини тaҳлил қилaди;
- жисмoний вa юридик шaхслaрнинг хoтин-қизлaр вa эркaклaр учун тeнг хуқуқ ҳaмдa имкoниятлaрни тaъминлaш мaсaлaлaри бўйичa мурoжaaтлaрини кўриб чиқaди, тaҳлил қилaди ҳaмдa зaрур ҳoллaрдa улaр ҳaқида вaкoлaтли oргaнлaргa хaбaр бeрaди;
- хoтин-қизлaр вa эркaклaр учун тeнг хуқуқ ҳaмдa имкoниятлaрни тaъминлaш мaсaлaлaри бўйичa хoдимлaрнинг кacбий дaрaжacини oшириш чoрaлaрини кўрaди;
- жинс бўйичa бeвoситa ёки билвoситa кaмcитишнинг нaмoён бўлиш фaктлaрини бaртaрaф этиш юзасидaн чoрaлaр кўрaди.

Мaзкyр 14-мoддaнинг мyҳим жиҳaти шyндaн ибoрaтки, хoтин-қизлaр вa эркaклaр учун тeнг хуқуқ ҳaмдa имкoниятлaрни тaъминлaш дaвлaт oргaнлaрининг бaрчacигa кaттa мaсъyлият yклaйди, яъни ҳaр бир дaвлaт идoрaси бy мaсaлa бўйичa вaкoлaтли мaнcабдoр шaхc бeлгилaниши қoнyннинг 13-мoддacидa кўрсaтилгaн.



Ваколатли шахс давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилиши аниқ белгиланган. Ваколатли шахс ўз идорасидаги гендер тенгликни таъминлаш имкониятларини таҳлил қилиши лозимлиги, ташкилотдаги ходимлар кесимида хотин-қизларнинг улушини мувозанатлаштиришини, уларни хизмат пиллапояларидан кўтарилишининг чора-тадбирларини ишлаб чиқишда вақтинчалик махсус чоралар қўлланишини ўрганиб, қўллаш бўйича таклифларни бериши лозим.

Идорада ва ташкилотда жинсга кўра камситишнинг бевосита яъни очикдан-очик ҳолатлари юзасидан, ёхуд билвосита ҳолатларни аниқлаб хуфиёна камситиш хотин-қизларнинг шаъни, қадр-қимматини поймол қилувчи ёки тегажоғлик, шилқимлик ҳолатларига эътиборини қаратиб, бу масалаларни бартараф қилишда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, ННТлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб мунтазам ишлаши кўзда тутилган.

Шунингдек, ваколатли шахс ўз ташкилотининг гендер кўрсаткичларидан яхши бохабар бўлиши уларни муҳофаза билан таҳлил қилиб бориши мақсадга мувофиқдир. У гендер тенгликни таъминлаш юзасидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиб ўрганиши лозим ечимлар билан раҳбариятни ва керак бўлса тегишли органларни хабаордор қилиб бориши, чоралар кўришини талаб қилиши зарур.

Айнан ваколатли шахс мажбуриятига кўра, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашга тўсқинлик қиладиган касбий тайёргарлик, малакавий даражани кўтариш чораларини кўриб чиқиши керак. Қолаверса, у ходимларни касбий малака курсларига, юқори технологияларни қўллаш имкониятларига эътибор қаратиши лозим.

Давлат идораларида жинс бўйича камситиш ҳолатлари бўлганида ваколатли шахс уни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши зарур.

15-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

- хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, эркаклар билан тенг равишда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун бандлик соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга, оилалар учун ижтимоий хизматлар тармоғини яратишга кўмаклашади;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат органларининг қарорларини, давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилади;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантиришга қаратилган ўқув, ахборот-маърифий тадбирларини амалга оширади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этади;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган тадбирларни ўтказишда давлат органларига кўмаклашади;
- жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситилган шахсларнинг ҳуқуқларини давлат органларида ва судда ҳимоя қилишга кўмаклашади;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Конституциясининг XXI боби, 127 моддасида шаҳарлар, қишлоқлар шунингдек овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланиши мустаҳкамланган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан



ҳолда қонунга мувофиқ мустақил равишда бажарадилар. Давлат идоралари бундай органларга шарт-шароит яратиб, уларнинг фаолиятига кўмаклашади.

Бугун Ўзбекистонда 10 мингга яқин маҳалла бор. Улар хотин-қизларнинг ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ва тизимли ишларни амалга оширади. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритади. Улар ўз маҳалласидаги хотин-қизларнинг ижтимоий, оилавий аҳволини ўрганади, ёрдамга муҳтож хотин-қизларга оилавий, якка тартибда тадбиркорлик, бизнес, касаначилик, иш билан таъминлаш банкдан кредитлар олиш, давлат субсидиялари ажратишга бўлган шарт-шароитларни ўрганади. Шунингдек, улар эҳтиёжманд оилалар, ёшлар, аёллар дафтарига киритиш чоралари кўради, аёлларни касбий ўсиши учун шароитлар яратишга қаратилган фаолиятни амалга оширадилар.

Фуқаролик жамияти институтлари ҳам хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистон Конституциясининг 69,70- моддаларида касаба уюшмалари, хотин-қизларнинг ташкилотлари жамоатчилик бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистондаги ННТларнинг салмоқли қисми хотин-қизларнинг ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш масалалари бўйича фаолият юритади. Улар орасида республика миқёсида фаолият юритаётганлари талайгина. Масалан, «Ўзбекистон аграр соҳа аёллари» уюшмаси бу ташкилот аграр соҳада фаолият юритаётган хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга, уларнинг касбий маҳоратини юксалтириш, билим доирасини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлайди.

«Умид» Республика жамоат бирлашмаси, «Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти», Ўзбекистон хотин-қизлар «Олима» уюшмаси, Ўзбекистон ихтирочи аёллар уюшмаси, «Тадбиркор аёл» каби кўплаб республика, вилоятлар, шаҳар ва туманларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар салоҳиятини янада тўлароқ намоён қилишга хизмат қилиб, давлат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шунингдек аёлларни касаначилик ва тадбиркорликни ўргатиш бўйича «Тадбиркор аёл» ассоциацияси мунтазам семинар-тренинглар ўтказиб келмоқда.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларда ҳам хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланиши, сиёсий жараёнларда, давлат бошқарувидаги салмоғини оширишда тизимли ишларни амалга ошириб келадилар. Мамалакатимиздаги 5 сиёсий партиянинг барчасида хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлар, махсус бўлимлар фаолият юритади.

Партияларнинг «Аёллар қаноти» деб номланадиган бундай тузилмалари стратегик мақсадларда аёл номзодларнинг туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасидаги ҳокимият вакиллик органларига сайланиши учун махсус дастурларни тузиб, уларни амалга оширадilar. Масалан, Миллий тикланиш демократик партияси таркибида 45 фоиз аёллар фаолият юритадилар, уларнинг катта қисми олий маълумотли, магистрлар, фан докторлари бўлиб, партия фаолиятига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар қаноти» таркибида 250 мингга яқин аёллар фаолият юритадилар. Улар орасида республика ва маҳаллий кенгашларнинг депутатлигига сайланган депутатлар талайгина. Хотин қизларнинг ижтимоий сиёсий билимлари ва малакаларини ошириш келажакда улардан лидер аёллар тайёрлаш учун партиялар махсус стратегияларни қабул қилади.



3-БОБ

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ СОҶАСИДА ХОТИН- ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ

16-модда. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш орқали давлат бошқарувида турли жинсдаги шахсларнинг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратилиши кафолатланади.

Давлат хотин-қизларга эркаклар билан тенг шароитларда ва ҳеч бир камситишсиз халқаро миқёсда давлатнинг вакили бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўради.

Давлат хизматига қабул қилиш чоғида ва уни ўташ даврида жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга йўл қўйилмайди.

Хотин-қизлар ва эркакларни давлат хизматига қабул қилишдаги тенглик малакага ва касбий тайёргарликка мувофиқ таъминланади.

Давлат хизматчилари лавозимларини эгаллаш учун кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг хизматда кўтарилиши хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилади. Квота вақтинчалик чора сифатида жорий этилади ҳамда у давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар вакиллигининг мутаносиблигига эришилишига қараб бекор қилиниши мумкин.

Давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилиши зарур.

Давлат органларининг раҳбарлари ва тегишли мансабдор шахслар хотин-қизлар ва эркакларни давлат хизматига қабул қилишда тенг ҳуқуқлиликини уларнинг қобилияти ва касбий тайёргарлигига мувофиқ таъминлаши шарт.



Конституциянинг 37-моддасида кўра «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланади».



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Давлат хизмати – бу давлат органида, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳокимият-ваколатларининг амалга оширилишига қаратилган касбий фаолиятдир.

Давлат хизмати тўғрисидаги муносабатлар Конституция, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сонли Қарори билан тасдиқланган «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси»да хотин-қизларнинг халқаро миқёсда давлат вакили бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш вазифаси белгиланган. Уни амалга ошириш механизми сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

- a) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида мавжуд юқори дипломатик лавозимларга хотин-қизларни тайинлашда номзод кадрлар захираси базасини шакллантириш;
- b) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига хориждаги дипломатик ваколатхоналарнинг юқори дипломатик лавозимларига эркак номзодлар билан бирга хотин-қизлар номзодлари бўйича таклифларни киритиб бориш;
- c) Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан эълон қилиниб бориладиган вакансиялар ҳақида маълумотларни доимий равишда кузатиб бориш;
- d) халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан Ўзбекистон учун квоталар ёки очиқ танловлар эълон қилинган тақдирда, хотин-қизлар орасидан муносиб номзодларни вакил сифатида ўрнатилган тартибда илгари суриш.

Ушбу моддада давлат хизматига қабул қилиш чоғида ва уни ўташ даврида жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга йўл қўйилмаслиги белгиланган Хотин-қизлар ва эркакларнинг жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустақамлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини самарали ташкил этиш; фуқаролик жамияти институтлари учун давлат гранти эълон қилиш ва ижтимоий буюртмасини жойлаштириб бориш, ушбу йўналишда жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш самарали воситалар ҳисобланади.

Давлат хизматига қабул қилишда тенг малакага ва касбий тайёргарликка эга бўлган хотин-қизлар ва эркакларга бир талаб қўйилиши ва қонунчиликда белгиланганидан ташқари имтиёз берилмаслиги лозим.

«2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси»да ҳар бир вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, суд органларида хотин-қизларнинг кадрлар захирасини шакллантириш вазифаси белгиланган. Ушбу вазифани амалга ошириш механизми сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

- a) барча соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган лидерлик хусусиятига эга бўлган, ташаббускор, иқтидорли хотин-қизлар рўйхатининг электрон базасини шакллантириш;
- b) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясини тамомлаган аёл кадрлар захирасини шакллантириш;
- c) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан барча маълумотларни умумлаштириш ва иқтидорли хотин-қизларни раҳбар кадрлар захирасига электрон базасини шакллантириш;
- d) раҳбар кадрлар захирасига киритилган иқтидорли хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат статистика қўмитасига умумлаштирилган ҳолда тақдим этиб бориш.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоиздан 40 фоизга оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Давлат хизматига тайёрлаш мақсадида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг таълим олиши учун бир қанча имтиёзлар берилган. Ҳозирги кунда Олий таълим муассасаларида (бундан буён матнда ОТМ деб юритилади) 1 млн 312 минг талабанинг 650 минг нафари эркаклар, 662 минг нафари эса хотин-қизлардир Магистратурада таҳсил олаётган 24 минг талабанинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Бунда талаба қизлар учун берилган имтиёзлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, хотин-қизлар учун ўқишга киришдаги асосий имкониятлардан бири –



эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга ажратилувчи умумий квотанинг 4 фоизи миқдоридаги (2000 та ўрин) грант ҳисобланади; Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан 5 йиллик стажга эга, олий маълумотли бўлмаган хотин-қизларга тавсияномалар берилади; Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлган ўқувчилари ОТМлар бакалавриятига, бакалаврият талабалари бўлган лауреатлар эса магистратурага тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича синовларсиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади; «Ҳамшира» кўрик-танлови ғолиблари давлат комиссияси қарори билан тегишли ОТМлар мос йўналишига танловдан ташқари кириш имтиҳонисиз қўшимча грант асосида қабул қилинади; магистратура босқичига кирган барча хотин-қизларнинг тўлов-контракт пули давлат томонидан қоплаб берилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсига 2024/2025 ўқув йилига хотин-қизлар учун 20 та қўшимча квота белгиланди.

Бу квоталаш тизими келгусида давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар вакилликнинг мутаносиблигига эришилишига хизмат қилади.

Миллий кадрлар захираси давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган ҳолда саралаб олиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш тизими ҳисобланади. Миллий кадрлар захираси давлат хизматининг раҳбар кадрлар таркибини барқарор таъминлаш ва унинг сифатини яхшилаш, давлат хизматчисининг касбий компетенциясини ошириш ҳамда хизматда лавозим бўйича кўтариш мақсадида шакллантирилади.

Ўзбекистонда миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари билан биргаликда амалга оширилади.

Раҳбарлик лавозимлари учун кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилган ҳолда: турли соҳаларда самарали фаолият кўрсатиб келаётган юқори малакали, етакчилик хусусияти ва бошқарув кўникмаларига эга ташаббускор кадрлар; меҳнат фаолияти натижаларига кўра маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари; ташаббускор ва ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи ёшлар ва маҳаллалардаги ёшлар етакчилари; Истиқболли бошқарув кадрларини танлаш бўйича «Тараққиёт» республика танлови ғолиблари; Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиантларига алоҳида эътибор қаратилади.

17-модда. Давлат хизматидаги лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши

Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак.

Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига танлов комиссияларига нафақат танловда иштирок этаётган шахсларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотларни, балки давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади. Шунга ўхшаш маълумотлар хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш учун давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш, хизмат бўйича кўтариш масалаларини ҳал қилишда давлат органларининг кадрлар хизматлари томонидан тақдим этилади.

1. Ўзбекистон Республикаси «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 29-моддасига кўра давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш учун номзодларга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқларининг тенглиги кафолатланади.

2. Шарҳланаётган модданин иккинчи қисмида давлат органлари кадрлар хизматларига давлат хизматидаги лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этишини таъминлаш мақсадида танлов комиссияларига давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилган.

Шунингдек, бундай маълумотлар давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш, хизмат бўйича кўтариш масалаларини ҳал қилишда ҳам тегишли комиссияларга ва органларга тақдим этилади.



4-БОБ **САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА** **ОШИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА** **ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА** **ИМКОНияТЛАР КАФОЛАТЛАРИ**

18-модда. Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Хотин-қизлар ва эркаклар ҳоқимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эга.

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими Конституциянинг XXII бобида акс эттирилган бўлиб, унга кўра ҳар бир фуқаронинг давлат ҳоқимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи эътироф этилади.

Конституцияда ҳам *«сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади»* деб айтиб ўтилган. Албатта, аёллар ҳам, эркаклар ҳам сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эга.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида устувор йўналишлар сирасига айнан хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш назарда тутилган.

Мазкур қонунинг 18-моддаси иккинчи хатбошисида эса, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади деб кўрсатилган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги ошиб борди, уларнинг сайлов жараёнларида фаоллиги юқори бўлсада, хотин-қизларнинг сайланган барча даражадаги депутатлар орасидаги улуши деярли 30 фоиздан ошмади. 2000 йилларнинг бошларида қонунчиликка сиёсий партиялардан депутатликка номзод қилиб кўрсатилган партия вакиллариининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда хотин қизлардан берилиши лозимлиги тўғрисидаги алоҳида меъёр киритилди. Бироқ сайлаш жараёнларида хотин-қизлар барча даражаларда барибиркам сайланаётгани маълум бўлди. Бу ҳолатни яхшилаш ва сайланаётган номзодлар сафида хотин-қизларнинг улушини кўпайтириш мақсадида 2023 йилда сайлов қонунчилигига ўзгариш киритилди.



Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 70-моддасида келтирилишича, «Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида қирқ фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим». Шунинг баробарида, Сайлов кодексининг 91-моддасида маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартибида ҳам «Аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар умумий сонининг камида қирқ фоизини ташкил этиши керак» деб белгиланди. Бундай фоизларнинг белгиланиши хотин-қизларнинг бутун мамлакат миқёсида ҳокимият вакиллик органларига нисбатан кўпроқ сайланишива депутатлик ўринларини эгаллаш имкониятини яратади.

19-модда. Сайлов комиссияларини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ҳамда референдумлар ўтказиш бўйича вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади.

Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи билан боғлиқ 19-моддадаги талаблар бевосита сайлов жараёнида ҳам хотин-қизлар ва эркаклар иштирокини барча даражаларга таъминланишини назарда тутувчи норма ҳисобланиб, бу жараён сайлов компаниялари даврида вилоят, туман, шаҳар округ ва участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда тенглик принципига амал қилишни талаб қилади.

Хотин-қизларнинг сайлов жараёнининг барча босқичларида ташкилий тузилмаларда, хусусан сайлов комиссияси таркибидаги иштирокида тенглик балансини таъминлаш юзасидан Марказий Сайлов комиссияси томонидан йўриқнома ишлаб чиққан. Хусусан, айнан хотин-қизлар ва эркакларнинг сайловнинг барча даражаларида тенг асосда иштирок этиши учун 11 индикатор ишлаб чиқилиб, у илк бор 2022 йилги президент

сайловларида қўлланилди. Ушбу мониторингга кўра, сайловларнинг ягона электрон рўйхатида аёллар 52,4 фоиз ташкил этган, Президент сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 39 фоиз, участка сайлов комиссияларининг 46,4 фоиз аёллар ташкил қилишига эришилди.

Марказий сайлов комиссиясида хотин-қизлар иштироки 33 фоиз ташкил қилган. Шунингдек, Президентликка номзодларнинг 74 нафар ишончли вакилларида 20 фоиз, сиёсий партиялардан сайлов жараёнини кузатувчиларининг 55717 нафаридан 22420 таси яъни 42 фоизни хотин-қизлар ташкил этган. Худди шундай, сайлов куни овоз жараёнидаги участкалардаги кузатувчиларнинг 36 фоиз аёллар бўлган.

Марказий сайлов комиссиясининг бу маълумотлари хотин-қизларнинг сайлов жараёнларида тенглик ва камситмаслик асосида сайловнинг барча босқич ва жараёнларида хотин-қизлар ва эркеклар билан тенг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлигида намоён бўлади.



5-БОБ **ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ** **СОҶАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА** **ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА** **ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТЛАРИ**

20-модда. Иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Давлат органлари ва мулк шаклидан қатъи назар ташкилотлар раҳбарлари жамиятнинг иқтисодий ресурсларидан, шу жумладан кўчар ва кўчмас мол-мулк, ер, молиявий активлар, кредитлар, ижтимоий жамғармалардан, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг эркин танланган турларидан хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг фойдаланишини таъминлаши шарт.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайди.

Иқтисодий ресурслар – бу товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ресурслар. Иқтисодий ресурсларнинг яна бир номи ишлаб чиқариш омилларидир. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш омиллари тўрт тоифага бўлинади ва улар ер, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик қобилиятидир¹.

Шарҳланган моддада иқтисодий ресурслар, хусусан, кўчар ва кўчмас мулк, ер, молиявий активлар, кредитлар, давлат маблағлари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг кенгроқ рўйхати келтирилган.

Ушбу тушунчаларни батафсил кўриб чиқамиз. Мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади².

Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради. Шунга кўра, шарҳланаётган моддада келтирилган ер кўчмас мулк тоифасига киради.

Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк **кўчар мулк** ҳисобланади (*масалан, мебел, кийим-кечак, заргарлик буюмлари, автомобил, соатлар, пуллар, қимматли қоғозлар, яъни молиявий активлар ва бошқалар*).

Кўчар ва кўчмас мулк – бу муайян шахсга ёки шахслар гуруҳига тегишли бўлган эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини билдирувчи мулк турларидир.

¹ Экономические ресурсы, Большая российская энциклопедия, <https://bigenc.ru/c/ekonomicheskie-resursy-59762d>.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/111189>.



Шундай қилиб, мулк кўчмас (*ер участкаси ёки бино*), кўчар (*масалан, машина ёки компьютер*), интеллектуал (*масалан, муаллифлик ҳуқуқи ёки патент*) ёки молиявий (*масалан, акция ёки облигация*) шаклда бўлиши мумкин.

Гендер мансублигидан қатъи назар, ҳар қандай шахс мулк ҳуқуқига эга. Мулкнинг барча шаклларида дахлсизлиги ва ривожланиши учун тенг шароитлар яратиш «Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида»ги қонун билан кафолатланган. Давлат мулкдорга қарашли бўлган мол-мулкни сақлаш ва кўпайтириб бориш учун барча зарур шароитларни яратиш беради¹.

Давлат органлари ва ташкилотлари хотин-қизлар ва эркекларнинг иқтисодий ресурслардан тенг фойдаланишга оид ҳуқуқларини бузишга ҳақли эмас.

Ўз навбатида, мулкчилик шакли бўйича ташкилотлар қуйидагилар бўлиши мумкин²:

- хусусий;
- акциядорлик жамияти;
- жамоавий;
- давлат;
- аралаш.

Бундан келиб чиқадики, иқтисодий муносабатларнинг деярли барча субъектлари (*давлат, тадбиркорлар, учинчи сектор*³) хотин-қизлар ва эркекларнинг иқтисодий ресурслардан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт. Ушбу соҳадаги камситиш, қонунга мувофиқ, иқтисодий зўравонлик деб ҳисобланади.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Иқтисодий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)⁴.

¹ «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун Ҳужжат матни ушбу ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/111466>.

² 1-мавзу. Корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва турлари. <https://de.donstu.ru/CDOCourses//GUM/Экономика%20и%20менеджмент/Конспект%20лекций%20ЭП%20ЗГУС/tem1.html>

³ Қаранг: мазкур тушунчалар кўриб чиқиладиган Қонуннинг 15-моддасига берилган изоҳда батафсилроқ кўриб чиқиладиган.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/4494709>

Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган чора-тадбирлар, шубҳасиз, молиявий мустақилликка эришиш орқали хотин-қизларни иқтисодий зўравонликдан ҳимоя қилиш учун кучли туртки бўлади. Бу иқтисодиётда хотин-қизлар учун тенглик ва адолат йўлидаги муҳим қадамдир¹.

Шарҳланаётган моддада хотин-қизларнинг ҳам, эркекларнинг ҳам ҳуқуқлардан тенг фойдаланиш имкониятлари ҳақида сўз боради. Шу боис давлат органлари икки жинсдан бирига нисбатан гендер тарафкашликларини аниқлаш мақсадида мунтазам равишда статистик маълумотларни ўрганиб боради ва шу асосда кам вакиллик қилувчи жинс вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга оширади.

Хусусан, кўчмас мулкнинг асосий объекти бўлган ер масаласи бўйича, Кадастр агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йил учун жинс кесимида ерга эга бўлган катта ёшдаги аҳолининг улуши қуйидагича: 28,3 фоиз – аёллар, 71,7 фоиз – эркеклар. Бу умумжаҳон миқёсдаги муаммо бўлиб, БМТ маълумотлари шуни кўрсатадики, ер ҳуқуқига эга бўлган аёлларнинг улуши жаҳон миқёсида бор-йўғи 13 фоизни ташкил этади².

Яна бир кўчмас мулк объекти – бу уй-жой. Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 2023 йил 1 январь ҳолатига республикамызда уй-жой билан таъминлаш ҳар бир фуқарога ўртача 18,5 метр квадрат умумий турар жой майдони тўғри келади³. Ер бўйича ҳолат каби, хотин-қизларнинг уй-жойга мулкка эгалик қилишида ҳам гендер тарафкашлиги мавжуд. Давлат томонидан ушбу соҳаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Шу боис тегишли давлат органлари томонидан хотин-қизларни арзон уй-жой билан таъминлаш борасидаги ислохотлар бошланди, масалан, биргина 2023 йилда хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўм ипотека кредити ҳисобидан 25 мингдан ортиқ оила уй-жойга эга бўлди. Уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, кредит учун дастлабки тўловни тўлаш мақсадида 6 200 нафар хотин-қизга 200 миллиард сўмлик субсидиялар ажратилди⁴.

Албатта, хотин-қизларни, биринчи навбатда, имтиёзли кредитлар билан қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, жумладан, турли таълим дастурларини ишлаб чиқиш, мулкка эга бўлиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган махсус чора-тадбирлар

¹ Саидалиева Н. Ўзбекистонда тадбиркор аёллар сони икки баравар кўпайди. [Эл.ресурс] URL:<https://biznesombudsman.uz/ru/news/1173>.

² 5-мақсад: Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш. [Эл.ресурс] URL:<https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/gender-equality/>.

³ Ўзбекистон уй-жой билан таъминлаш бўйича МДҲ давлатлари орасида 7-ўринни эгаллади. [Эл.ресурс]URL: <https://daryo.uz/ru/2023/12/02/uzbekistan-zanal-7-mesto-sredi-stran-sng-po-urovnu-obespecennosti-naselenia-zilem>.

⁴ Янги Ўзбекистонда халқ, айниқса, хотин-қизларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади. [Эл.ресурс]URL:<https://president.uz/ru/lists/view/7076>.



ўрганилаётган соҳада гендер мувозанатига эришишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хитойликларда шундай мақол бор: «Бир одамга балиқ берсангиз, уни бир кунлик овқат берган бўласиз. Уни балиқ овлашга ўргатсангиз уни бир умрга қорнини тўйдирган ҳисобланасиз». Айнан шу мақол иқтисодий соҳада гендер тенглик эришишда долзарбдир.

Ҳар бир инсон ўз меҳнати, хусусан, тадбиркорлик орқали ўз иқтисодий аҳволини сезиларли даражада яхшилаши мумкин.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир¹.

Хотин-қизлар тадбиркорлиги бутун Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ажралмас қисми бўлиб, мамлакат иқтисодиёти ривожига, натижада умумий фаровонликка бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда бу соҳада хотин-қизлар улуши 25 фоизни ташкил этади ва бу кўрсаткични 40 фоизга етказиш мақсад қилинган².

Иқтисодиётнинг тадбиркорлик тармоғи гендер ва ижтимоий сиёсатдаги кўплаб муаммоларни ҳал этиш воситаларидан бирига айланиб бормоқда. Масалан, бу аёлларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини кенгайтириш ва бандликда гендер тенгликка эришишга ёрдам беради, кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради ва молиявий мустақилликни оширади.

Айтиш жоизки, агар уни яратишда аёллар эркеклар билан тенг равишда иштирок этганида, Ўзбекистон миллий даромади қарийб 29 фоизга ошган бўлар эди. Агар ишлаётган аёлларга эркеклар билан бир хил маош берилганда, бу даромаднинг ошиши 700 мингдан ортиқ кишини қашшоқликдан олиб чиққан бўларди³.

Хотин-қизларни бизнес муҳитига жалб қилиш муҳимлиги бугунги кунда бутун дунёда эътироф этилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 74-сессиясида «Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастури» яратилди ва ишга туширилди. Бу ҳужжатнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни Хужжат матни куйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/2006789>

² Женское предпринимательство в Узбекистане. Что уже делается и что еще нужно решить? [Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлиги. Нималар қилинди ва яна нималарни ҳал қилиш зарур?] [Эл.ресурс]URL: https://plov.press/news/zhenshchiny_uzbekistana/zhenskoe_predprinimatelstvo_v_uzbekistane_chto_uzhe_delaetsya_i_chto_eshche_nuzhno_reshit/.

³ Ўзбекистон учун мамлакатни гендер бўйича баҳолаш, 2024, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки [Эл.ресурс]URL: <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099052824010026891/pdf/P17569610bdbb50041b2eb1a4078058d3f0.pdf>

мақсади бутун дунёда тадбиркор аёллар учун қулай экотизим яратиш орқали Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда аёллар тадбиркорлигининг таъсирини максимал даражада оширишдан иборат¹.

21-модда. Меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Иш берувчи меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни рўёбга чиқариш мақсадида қуйидагиларни таъминлайди:

- ишга ёллашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни;
- тенг меҳнат учун хотин-қизлар ва эркакларга тенг иш ҳақини (мукофотни) ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар ишининг сифатини баҳолашга доир тенг ёндашувни;
- хизматда кўтарилиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишда тенг имкониятларни;
- технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмларининг қисқариши оқибатида ходимларнинг сони (штати) ёки ишнинг хусусияти ўзгариши ёхуд корхона, муассаса ва ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда қонунда белгиланган афзалли ҳуқуқларни берган ҳолда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари тенглигини;
- оилани ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича фарзандлари бор аёллар ва эркаклар фойдалана оладиган амалиётни жорий этиш ва ривожлантиришни, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёллар учун қулай меҳнат шароитларини яратишни;
- хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда соғлиғини сақлашни таъминлайдиган, шу жумладан репродуктив функцияларни сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини;

¹ Хамдамова Ф. Женское предпринимательство: достижения и перспективы [Аёллар тадбиркорлиги: ютуқлар ва истиқболлар]. [Эл.ресурс]URL: <http://nhrc.uz/ru/news/m537>.



- меҳнат муносабатларида шахсларнинг қадр-қимматини поймол қилишга олиб келувчи номақбул муомалага ёки камситувчи меҳнат шароитларини яратишга йўл қўйилмаслигини;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун меҳнат фаолиятини, жамият ҳаётида иштирок этишни оилавий мажбуриятлар билан бирга олиб бориш учун тенг шароитлар яратишни, шу жумладан меҳнат қилиш имкониятини берадиган, болаларни парваришlash бўйича муассасалар тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш орқали шароитлар яратишни.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасига мувофиқ, ҳар ким, яъни эркеклар ва аёллар муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (бундан буён матнда ЎзР МК деб юритилади) 244-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида камситишни тақиқлаш ва тенг қийматли меҳнат учун эркеклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўланишини таъминлаш ходимларнинг (эркеклар ва аёлларнинг) меҳнатига ҳақ тўлаш соҳасидаги асосий кафолатлар сифатида белгиланган.

Оилани ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳнат қонунчилигида аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажарувчи шахсларнинг меҳнатини муайян ҳуқуқий тартибга солиш назарда тутилган. Ушбу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги имтиёз ва кафолатлар белгиланган:

1. ҳомиладорлиги ёки фарзандлари борлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этишни ёки иш ҳақи миқдорини камайтиришни тақиқлаш;
2. аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар кўриш, шу жумладан уларни репродуктив функцияларни сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш мақсадида аёллар учун йўл қўйиладиган энг кўп нормадан ортиқ бўлган оғир юкларни кўтариш ва ташишни тақиқланаш;
3. ҳомиладор аёлларни енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш;

4. икки ёшга тўлмаган бола парваришини амалга ошираётган ота-онадан бирини (васийни) бошқа ишга ўтказиш;
5. тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ҳамда ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларда ҳомиладор аёллар ва болалари бор шахслар меҳнати қўлланилишининг ҳамда уларни хизмат сафарига юборишнинг ўзига хос хусусиятлари;
6. уч ёшга тўлмаган боланинг ота-онасидан бирининг (васийсининг) қисқартирилган иш вақти давомийлигига бўлган ҳуқуқи;
7. ҳомиладор аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш;
8. ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онадан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ойига қўшимча бир дам олиш куни бериш;
9. ҳомиладор аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга йиллик меҳнат таътилларини бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар;
10. ўн икки ёшга тўлмаган болаларнинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) бериладиган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш ҳуқуқи;
11. ҳомиладор аёлларга антенатал (туғруққача) парваришlash учун қўшимча бўш кунлар ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши;
12. болани икки ва уч ёшга тўлгунига қадар парваришlash таътиллари;
13. янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга бериладиган таътиллари;
14. болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар;
15. меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида ҳомиладор аёллар учун кафолатлар;
16. уч ёшгача бўлган боласи бор ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 493-моддасига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонунчиликда белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



22-модда. Жамоа шартномалари ва келишувларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий жиҳатдан тартибга солиш чоғида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайдиган қоидаларни жамоа шартномалари ва келишувларига киритиш, уларнинг касбий ва оилавий мажбуриятларни қўшиб бажариши учун шарт-шароитларни яхшилаш шарт.

Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;
- ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;
- хотин-қизлар ва эркеклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

1. Шарҳланаётган моддада хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини кенгайтириш мақсадида жамоа шартномалари ва келишувларида бу борада назарда тутилиши лозим бўлган қоидаларни киритиш орқали уларнинг касбий ва оилавий мажбуриятларни қўшиб бажариши учун шарт-шароитларни яхшилаш шартлиги императив норма сифатида киритилмоқда.

Ушбу нормани мазмун-моҳиятини очиб беришда «жамоа шартномаси», «жамоа келишуви» тушунчалари ва мазмунини меҳнат қонунчилиги ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ очиб беришга ҳаракат қиламиз.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Жамоа шартномаси ташкилотда ёки якка тартибдаги тадбиркорда якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ходимлар томонидан ўз вакиллари орқали ва иш берувчи томонидан ёзма шаклда тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир.

Жамоа шартномасига иш берувчининг ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин: меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар; нархларнинг ўзгаришидан, инфляция даражасидан, жамоа шартномасида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми; ходимларнинг бандлиги, уларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни ишдан бўшатиш шартлари; иш вақти ва дам олиш вақтининг, таътиллارнинг давомийлиги; ходимларнинг, шу жумладан аёлларнинг, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экологик хавфсизликни таъминлаш; ташкилотни, идорага қарашли уй-жойни хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш; ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ходимлар учун имтиёзлар; ихтиёрий тиббий ва ижтимоий суғурта; иш берувчи томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари; жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат қилиш, тарафларнинг жавобгарлиги, касаба уюшмаси қўмитаси фаолият кўрсатиши учун нормал шароитлар билан таъминлаш.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Жамоа келишуви якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, ходимлар учун ҳудудий, тармоқ ва республика даражаларида тарафларнинг меҳнат шароитларини, бандликни ҳамда ижтимоий кафолатларни белгилашга доир мажбуриятларини ўз ичига олган, ходимлар ва иш берувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини келишиб олиш мақсадида ёзма шаклда тузиладиган меҳнат тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатдир.

Жамоа келишувларида: меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш режими тўғрисидаги; меҳнатга ҳақ тўлашни нархларнинг ўзгаришларидан, инфляция даражасидан, жамоа келишувларида белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда тартибга солиш механизми ҳақидаги; энг кам миқдори қонунчиликда назарда тутилган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар тўғрисидаги; ходимларнинг бандлигига, уларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга, уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш ҳақидаги; экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисидаги; ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя



қилиш бўйича махсус тадбирлар ҳақидаги; давлат ташкилотларини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатлари ҳисобга олиниши тўғрисидаги; юқорироқ даражада ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ва бошқалар) учун қўшимча иш ўринлари ташкил этаётган иш берувчиларга бериладиган имтиёзлар ҳақидаги; ижтимоий шерикликни ва уч томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилиши мумкин.

Хусусан, меҳнат қонунчилигида белгиланганига қўшимча равишда жамоа келишувларида ёки жамоа шартномасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган қуйидагилар:

биринчи, ходимларга қонунчиликда белгиланмаган бошқа ижтимоий таътиллارни бериш (никоҳ тузилганлиги муносабати билан, бола туғилиши муносабати билан боланинг отасига, ходимнинг яқин қариндоши вафот этганлиги муносабати билан ва бошқалар);

иккинчи, ижтимоий таътиллар давомийлигини уларнинг қонунчиликда белгиланган давомийлигига нисбатан кўпайтириш;

учинчи, ижтимоий таътилларда бўлган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ёки унинг бир қисми сақланиб қолиши назарда тутиш;

тўртинчи, уч ёшга тўлмаган боланинг бюджетдан молиялаштирилмайдиган иш берувчиларда ишлайдиган ота-онасидан бирига, васийсига қисқартирилган иш вақти давомийлиги белгиланиши;

бешинчи, болани овқатлантириш учун танаффусларнинг аниқ давомийлигини белгилаш;

олтинчи, ходимни қайта тайёрлаш ёки малака ошириш ихтиёрий равишда амалга оширилганда унинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш масаласи назарда тутилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 67-моддасига кўра агар қонунчиликда қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шартлиги тўғрисидаги тўғридан-тўғри кўрсатма мавжуд бўлса, ушбу қоидалар жамоа шартномасига киритилади. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 85-моддасида «Жамоа келишувларида қонунчиликка зид келмайдиган бошқа меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир қоидалар бўлиши мумкин»лиги белгиланган.

Шунинг учун ҳам шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида белгиланган қуйидаги нормалар, яъни: а) хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш; б) ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

в) хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилиши керак.

Жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат шартнома тарафларининг вакиллари, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия, меҳнат жамоаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг тегишли органлари ҳамда бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Шартнома тарафларининг вакиллари ҳар йили ёки жамоа шартномасида назарда тутилган муддатларда меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида (конференциясида) жамоа шартномасининг бажарилиши ҳақида ҳисобот беради.

23-модда. Ижтимоий ҳимоя соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Давлат органлари, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқларини тенг даражада ҳисобга олиши шарт. Хотин-қизлар ва эркаклар ижтимоий имтиёزلардан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга.

Шарҳланаётган 23-моддада гендер тенгликни таъминлаш мақсадида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга оширилаётганда давлат органлари, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқларини тенг даражада ҳисобга олиши шартлиги белгиланиб, икки жинс вакилларига ижтимоий имтиёزلардан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга эканликлари кафолатланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасига асосан ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик,



бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга¹.

Асосий Қонунда Ўзбекистон халқининг ғояларидан бири ижтимоий адолат эканлиги, Ўзбекистон ижтимоий давлат эканлиги белгиланган. Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга ошириши алоҳида мустаҳкамланган².



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ижтимоий давлат – ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиб бериш, сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда ижтимоий тафовутларни камайитиришга қаратилган самарали сиёсатни олиб борадиган давлат моделидир.

Конституциянинг тегишли моддаларида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари учун муносиб турмуш тарзини таъминлашини ҳамда давлат томонидан ҳар томонлама ҳимоя қилинишини кафолатланади. Жумладан, Конституциянинг 46-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Конституциянинг 57-моддасига мувофиқ меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир³.

Бундан ташқари, Конституциянинг 48, 50-моддаларида ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган⁴.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Хужжат матнига ҳавола: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml;

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Хужжат матнига ҳавола: <https://lex.uz/docs/6445145>.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Хужжат матнига ҳавола: <https://lex.uz/docs/6445145>;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/6445145>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 августдаги СҚ–297-IV-сон «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилиниб, унга кўра гендер стратегиясининг асосий мақсади – ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлашдан иборат¹.

Меҳнат кодексининг 4-моддасига асосан юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлик билан боғлиқ ҳолда асосланган тарзда фарқлаш, истисно этиш, уларга афзаллик бериш, шунингдек уларни чеклаш камситиш деб ҳисобланмайди². Яъни, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларга ишга жойлаштириш, меҳнат шартномасини тузиш ва уни амалга ошириш чоғида бериладиган имтиёз ҳамда афзалликлар камситиш сифатида қабул қилинмаслиги лозим. Масалан, иш жойларининг банд қилиб (квоталаб) қўйилиши, ишдан бўшатилишдан қўшимча равишда ҳимояланганлик, иш вақтини қисқартирилганлиги ва ҳақозолар.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 85-моддасига кўра, жамоа келишувларида ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар, юқорироқ даражада ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ва бошқалар) учун қўшимча иш ўринлари ташкил этаётган иш берувчиларга бериладиган имтиёзлар ҳақидаги қоидалар назарда тутилиши мумкинлиги белгиланган³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ–175-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида⁴ Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқланган бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида унинг самарадорлиги баҳолаб борилади, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги турли кўрсаткичлар, жумладан **гендер жиҳатдан тақсимланган маълумотлар** таҳлил қилинади.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг ижтимоий имтиёзларини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этганлиги ҳам муҳим қадамлардан биридир. Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.05.2021 йилдаги СҚ-297-IV-сон қарори. Ҳужжат матнига ҳавола: <https://lex.uz/docs/5466673>;

² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6257288>

³ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/6257288>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 25.07.2022 йилдаги ПФ-175-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/6130265>.



хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ижтимоий ҳимоя – аҳолининг ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлардан иборат бўлиб, фуқаронинг ёши, саломатлигининг ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқароларга ғамхўрлик қилишдир. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг яхшиланиши таъминлаш, камбағалликни камайтириш, ҳар бир киши учун ижтимоий ҳимоя тизимидан етарли даражада фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишлари – иш билан бандлик, касб танлаш, ўқиш ва билим олиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминот тизими ва аҳолининг муҳтож, кам таъминланган қисмларига пенсиялар, нафақалар, моддий ёрдам ва турли хил имтиёзлар беришдан иборат.

Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солади, яшаш учун зарур бўлган минимум даражасини белгилайди ва уни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, ижтимоий нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдам турларини белгилайди.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсонга муносиб турмуш даражасини таъминлаши учун минимал истеъмол харажатлари қиймати асосида белгиланади.

Нафақа – ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга бериладиган пул тўлови ҳисобланади.

Ижтимоий ёрдам – ёрдамга муҳтож фуқаролар учун қонуний тартибга солинадиган, эҳтиёжга асосланган ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамлар.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳуқуқ муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида хотин-қизлар ва эркекларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилган.

Бу каби қонун ҳужжатларида Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркакларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва имтиёзларидан тенг ҳуқуқли фойдаланишини таъминлайди ва уларни ҳар қандай камситишдан ҳимоя қилади.

Бугунги кунда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-ҳунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлашга зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклашиш мақсадида «Мономарказ»лар фаолияти йўлга қўйилди, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» ташкил этилди.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, гендер тенгликни таъминлаш жамиятни сиёсий, ижтимоий-маданий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устовор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса, уларнинг жамиятдаги мавқени кучайтириш, оила институтини мустаҳкамлаш, комил авлодни етказиш ва жамият барқарорлигини таъминлашда хизмат қилади.

Ҳукумат қарори билан оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга уй-жойлар берилмоқда (*уй-жойга муҳтож хотин-қизларга бериладиган арзон уй-жойлар тўловининг 10 фоизи Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, талабгор ишлаётган ташкилот ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига (бошланғич бадал сифатида), 90 фоизи ипотека асосида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобига қопланади*)¹.

2020–2021 ўқув йилидан бошлаб бакалавриятнинг кундузги таълим шаклига берилган қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этиш учун тавсияномага эга эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга тўрт фоизли давлат гранти ажратилди². Бундай сиёсат гендер тенглик концепцияси нуқтаи назаридан қарама қарши кўриниши мумкин. Лекин бошқа томондан қаралса, аввалги йилларда қизларнинг олий таълим олиш имконияти асосан молиявий имкониятлардан тортиб, оиладаги яна турли сабабларга кўра чекланган. Ушбу соҳада кўрилган вақтинчалик махсус чора бугунги кунда ижобий динамикани кўрсатмоқда. Жумладан, талаба хотин-қизлар 2021–2022

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2018 йилдаги 285-сон «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/3682704>.

² Вазирлар Маҳкамасининг 23.06.2020 йилдаги 402-сон «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/4866624>.



ўқув йилда 369 000 та (45 фоиз), 2022–2023 ўқув йилида 495 600 та (47 фоиз), 2023–2024 ўқув йилида 638 406 та (51фоиз)ни ташкил этган¹.

Бундан ташқари, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ижтимоий имтиёзлар берилган бўлиб, ушбу имтиёзлар Ҳукумат қарори билан «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бериладиган кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдам турларининг **рўйхати** тасдиқланган².

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг таълим олишлари, тиббий хизматлардан тенг фойдаланиши, улар учун хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат учун муносиб ҳақ тўлаш нафақат гендер тенгликни таъминланади, балки давлат ва жамиятда камбағалликнинг қисқаришини, фаровон турмушни таъминлайди. Бундай чора-тадбирлар давлат сиёсатининг хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, агар шахс ижтимоий ҳимоя соҳасида ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмаслиги белгиланган.

24-модда. Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Оила, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасидадир.

Хотин-қизлар ва эркеклар оилавий муносабатлар соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга.

Оилавий муносабатлар соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг тенглиги қуйидагиларга асосланади:

¹ Бу маълумотлар қуйидаги ҳаволадан олинди: <https://stat.edu.uz/students>;

² Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.2022 йилдаги 145-сон «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/5932671>.

- хотин-қизлар ва эркаклар никоҳ тузишининг ихтиёрийлигига;
- мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслигига;
- эр ва хотиннинг шахсий ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигига;
- оиланинг ички можароларини ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга;
- уй меҳнатига нисбатан хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг тенглигига;
- болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишда, вояга етмаган ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда тенг иштирок этишга.

Ота-оналар кичик ёшдаги болаларни, ногиронлиги бўлган оила аъзоларини парваришлаш бўйича нафақалар олишда тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болани парваришлаш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида бўлиниши мумкин, бунда ота-она таътилдан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Қонунинг 24-моддасида **оилавий муносабатлар соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар** таъкидлаб ўтилади. Бу никоҳ тузишда тенглик, мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлар, оилавий низоларни ҳал қилиш, уй меҳнати, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш, шунингдек, нафақа ва ҳақ тўланадиган ота-оналик таътилини олиш кабиларни ўз ичига олади.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

Ўзбекистон оила қонунчилигини шакллантиришда халқаро миқёсдаги шартномалар ва келишувлар талабларини инобатга олган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрда 217A(III)-сонли Резолюцияси билан қабул қилинган **«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 16-моддасида** «Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли», деб белгиланган. Айнан шу модда оила институтини жамият ва давлат ҳимоясида бўлишини белгилаб берувчи асосдир.

Шарҳланаётган модда асосий халқаро стандартларга мос келади, жумладан:



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ота-оналарнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама ва баркамол ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш муҳимлигини таъкидлайди. Шунингдек, у оила жамиятнинг асосий бўғини ва унинг барча аъзолари ва айниқса, болаларнинг улғайиши ва фаровонлиги учун табиий муҳит сифатидаги муҳимлигини таъкидлайди;

Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг (CEDAW) 16-моддаси никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли ҳамма масалаларда камситилишини бартараф этишга қаратилган энг муҳим қоидадир. Қуйида 16-модданинг асосий бандлари келтирилади:

- **Никоҳдан ўтишда бир хил ҳуқуқлар:** Иштирокчи давлатлар никоҳ ва оилавий муносабатларга тааллуқли барча масалаларда хотин-қизларни камситишни бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўришлари шарт..
- **Тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар:** Мазкур моддада эр-хотиннинг никоҳ пайтида ва уни бекор қилишда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгаллиги кўрсатиб ўтилган.
- **Никоҳдан ўтишда турмуш ўртоғини эркин танлаш:** Бу моддада никоҳ фақат иккала томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги билан тузилиши кафолатланади.
- **Қарор қабул қилишда ҳуқуқларнинг тенглиги:** Аёллар болалар сони ва уларнинг туғилиш оралиғини танлашда эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга.

16-модданинг ушбу бандлари эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгликни таъминлаш, оила соҳасида аёлларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган.

«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мос келади, унда мамлакатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойилларига содиқлиги таъкидланади. Конституциянинг «Оила, болалар ва ёшлар» номли XIV бобида оилага, ота-оналарнинг болаларга, аксинча, болаларнинг ота-оналарга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, давлатнинг ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мажбуриятлари тўғрисида бешта модда бор.



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Конституциянинг 76-моддаси

«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади».

Конституциянинг 77-моддаси

«Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради».

Конституциянинг 78-моддаси

«Фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.

Оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади».

Конституциянинг 79-моддаси

«Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади».

80-модда

«Вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».

Худди шундай меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва Меҳнат кодексига ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг оила институтига оид нормалари янада бойитилди ҳамда тўлдирилди. Янги таҳрирдаги Конституциянинг **XIV боби** «Оила, болалар ва ёшлар» деб номланиб, 76–80-моддаларни қамраб олган. Бу ерда болалар ва ёшлар ҳуқуқининг оила институти даражаси билан тенг равишда ҳимоя қилиниши ҳамда ушбу бобда янги нормалар пайдо бўлди. Хусусан, **76-моддада** келтирилишича, «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади. Бу, ўз навбатида, анъанавий оилавий қадриятлар билан уйғунликда оила институтининг ривожланишини мустаҳкамлади.

Қуйидаги моддалар шарҳланаётган Қонунинг 24-моддасини амалга ошириш механизми бўлди:

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47³-моддасига асосан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган;

49³-модда – вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонунчиликда белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш;

59²-модда – оиладаги (маиший) зўравонлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади, шунингдек, Жиноят кодексининг 126¹-моддасида ушбу ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Оила кодексининг 4-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида **оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир**. Ўзбекистон

Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус чоралар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан таъминланади.

Оналикни қўллаб-қувватлаш аёлларга ҳомиладорлик даврида ва туғилгандан кейин зарур тиббий, ижтимоий ва иқтисодий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади. Бу сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, янги туғилган оналарни қўллаб-қувватлаш дастурлари, оналар ва уларнинг болалари учун барқарорлик ва хавфсизликни таъминлайдиган ижтимоий имтиёзларни ўз ичига олиши мумкин.

Оталикни эътироф этиш ва қўллаб-қувватлаш оталарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга ғамхўрлик қилишдаги роли муҳимлигини англатади. Ўзбекистонда насл-насаб ота уруғи томони билан белгиланади. Ҳукумат дастурлари ва сиёсати ота-оналарнинг ота-она таътиллари ва ижтимоий нафақалардан фойдаланишда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш орқали оталарнинг оилавий ҳаётда фаол иштирок этишига кўмаклашади.

Бундан ташқари, болаларни ҳимоя қилиш давлатнинг устувор вазифасидир. Болалар ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояланган хавфсиз ва қўллаб-қувватловчи муҳитда ўсиши керак. Бунга сифатли таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ҳамда зўравонлик ва эксплуатациядан ҳимояланиш киради. Давлат болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, оила, оналик, оталик ва болаликни самарали ҳимоя қилиш турли давлат органлари ва муассасаларининг комплекс ёндашуви ва ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади. Бу қонунчилиқни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамоатчилик асосида қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва хусусий сектор билан фаол ҳамкорликни ўз ичига олади.

Оилавий муносабатларда эркак ва аёл ихтиёрий равишда никоҳланишга ҳамда оилада ўз шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишда тенг ҳисобланадилар. Оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг яшаш ва касб жойини танлаш эркинлиги, ота-оналарнинг вояга етмаган болаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги тўғрисидаги қоидалар ҳам таалуқли.

Оилавий муносабатлар соҳасида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги қоида оила ҳаётида гендер тенглик ва тотувликка эришиш йўлидаги муҳим қадамдир. Ушбу қоида бир нечта асосий жиҳатларни ўз ичига олади.

Биринчидан, оилавий муносабатлардаги тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглик ва адолат тамойилига урғу беради. Иккала тараф ҳам, жинсидан қатъи назар, оилавий масалалар бўйича қарор қабул қилишда тенг



имкониятларга эга бўлиши керак, масалан, болаларни тарбиялаш, уй вазифаларини тақсимлаш, оила бюджетини бошқариш ва келажакни режалаштириш. Бу эр ва хотин ўртасида мувозанатли ва ўзаро ҳурмат муносабатларини яратишга ёрдам беради.

Ушбу моддада маданият соҳасидаги тенглик масаласи ҳам мустаҳкамланади. **Жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ва ундан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи** 1948-йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган энг муҳим инсон ҳуқуқларидан биридир. Ҳар бир шахс ўзи муаллифи бўлган илмий, адабий ёки санъат асарларидан келиб чиқадиган маънавий ва моддий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ 1966 йилдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам мустаҳкамланган.

27-модда. Соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Давлат қуйидагиларни кафолатлайди:

- хотин-қизлар ва эркакларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўз ҳуқуқларини амалга оширишга, шу жумладан **малакали тиббий хизмат кўрсатилишига, қулай тиббий хизматлардан фойдаланишга, оилани режалаштиришга ва репродуктив саломатликни** ҳимоя қилишга бўлган тенг имкониятларини;
- зарур бўлган ҳолларда, **хотин-қизларнинг турли эҳтиёжларини ҳисобга олиб**, айниқса, ҳомиладорлик, туғиш даврида ва туғишдан кейинги даврда хотин-қизларга бепул хизматлар кўрсатган, шунингдек ҳомиладорлик ва эмизиш даврида тегишли озиқ-овқат билан таъминлаган ҳолда, **соғлиқни сақлаш соҳасидаги стратегия ва дастурларнинг амалга оширилишини;**

¹ Ҳужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/docs/6116203>

- **тиббий таълим** соҳасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишга қаратилган ташаббусларни қабул қилишни;
- **соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги тафовутларни ҳисобга олувчи илмий тадқиқотларни** ривожлантиришга кўмаклашишни.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

CEDAW Конвенцияси иштирокчи давлатларга эркеклар ва аёллар ўртасидаги тенглик асосида соғлиқни сақлашдан, хусусан, оилани режалаштиришда фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизларни камситишларни бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш мажбуриятини юклайди. Шунингдек, бу конвенция ундаги қоидаларидан қатъи назар, иштирокчи давлатлар аёлларга ҳомиладорлик, туғиш ва туғруқдан кейинги даврда тегишли хизматларни, зарур ҳолларда бепул хизматларни, шунингдек, ҳомиладорлик ва лактация даврида рисоладагидек овқатланишни таъминлаши кераклигини белгилайди (12-модда). Қолаверса, 10 моддада иштирокчи-давлатларга жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар яратиш, оилалар соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига бағишланган махсус ахборотдан тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини яратиш мажбурияти юкланади. 11-моддада нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик, ногиронлик, қариллик ва меҳнат қобилиятини йўқотишдан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи шунингдек, ҳақ тўланадиган таътил ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларга эга бўлиш, шунингдек, наслни давом эттириш вазифасини сақлаб қолиш ҳуқуқи таъминланиши кераклигини кўзда тутади.

Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасида шундай дейилади: «Хотин-қизлар жисмоний ва руҳий саломатликнинг энг юқори даражасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш уларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнайди ва уларнинг фаровонлиги, жамият ҳаёти ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этиш қобилияти учун муҳим аҳамиятга эга. Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси стратегик мақсадлар сифатида қуйидагиларни белгилайди:



ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА АМАЛИЁТ

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган профилактика дастурларини кучайтириш;

Хотин-қизлар саломатлиги масалалари бўйича тадқиқотларга ва маълумотларни тарқатишга кўмаклашиш;

Хотин-қизлар саломатлиги учун ресурслар ҳажмини ошириш ва бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланишича, «Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади» (48-модда).

Шунингдек, «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги қонун ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;
- фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;
- соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;
- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

Қонунчиликнинг мазкур қоидалари гендер бўйича бетарафдир. Бироқ ушбу соҳада қабул қилинган концепция ва стратегиялар ушбу муаммога барҳам беради. Хусусан, бу борада 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш

Концепциясида **оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида боб** ажратилган.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида¹ соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш гендер сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу стратегияга мувофиқ, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак бўлади:

- **хотин-қизлар ва эркакларнинг оилани режалаштириш борасидаги тиббий маданиятини** ошириш, зарур ахборот ва хизматларга эркин ҳамда тенг равишда эга бўлишини таъминлаш, оилани режалаштиришда уларнинг шахсий ҳаётига учинчи шахсларнинг аралашшига йўл қўймасликни қўллаб-қувватлаш;
- ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларида хотин-қизлар ва эркакларга кўрсатиладиган **тиббий-ижтимоий хизматлар** сифатини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш;
- ижтимоий аҳамиятли ва юқумли касалликларга дучор бўлган беморларни қўллаб-қувватлаш;
- таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
- **хотин-қизлар ва эркакларнинг тиббий маданиятини** ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларни олдини олиш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш.

Хотин-қизларнинг тиббий маданияти ва тиббий саводхонлигини оширишга оид қоидалар алоҳида аҳамиятга эга. Кўпинча соғлиқни сақлаш саводхонлигининг паст даражаси оиладаги низоларнинг сабаби бўлиб, улар кўпинча оиладаги зўравонлик ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади.

¹ Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: <https://lex.uz/ru/docs/5466673#5467842>



7-БОБ

ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

28-модда. Жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш фактлари устидан шикоят қилиш

Агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмайди.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда, уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

1. Қонуннинг якуний қоидаларининг шарҳланаётган моддасида хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглигига асосланган ҳолда бевосита ва билвосита камситишлардан ҳимоя қилиш механизми ҳамда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга бериладиган имтиёзлар кўзда тутилади.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида бевосита ёки билвосита камситишдан ҳимоя қилиш ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан биридир. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактнинг (ФСХҲП) 2-моддасида шундай дейилади:

«3. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

- (a) ушбу Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар қандай шахсни, агар бу бузилиш расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, **ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаси** билан таъминлаш;
- (b) ана шундай ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя ваколатли суд, маъмурий ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг ҳуқуқий тизимида назарда тутилган бошқа ваколатли органлар томонидан таъминлаши ва **суд орқали ҳимояланиши имкониятини** ривожлантириш;
- (c) ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда, ваколатли ҳокимиятлар томонидан бунинг қўлланилишини таъминлаш.

Халқаро стандартлар ижросини таъминлаш мақсадида, Қонуннинг 28-моддасига кўра, агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита



камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу камситиш жабрланувчиларнинг одил судловдан фойдаланишни таъминлайди ва халқаро ҳуқуқда мустақамланган тенглик ва камситилмаслик тамойилларига мос келади. Шунингдек, жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмайди. Бу камситишдан жабр кўрган шахслар учун қонуний чоралар кўришига тўсқинлик бўладиган молиявий тўсиқларни олиб ташлайди.

Шу ўринда **БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича қўмитасининг хотин-қизларни одил судловдан фойдаланишига оид 33-умумий тавсиясини** ҳам эслатиб ўтиш ўринлидир¹. Қўмита эътироф этишича, «Одил судлов тизимларидан барча хотин-қизлар иқтисодий жиҳатдан тўсиқсиз фойдаланишини таъминлашнинг муҳим элементи ҳуқуқнинг барча соҳаларида суд ва унга алоқадор жараёнларда бепул ёки арзон юридик ёрдам, маслаҳат ва адвокатлик хизматларини кўрсатишдир».

2. 28-модданинг 2-қисми Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланишини кўзда тутаяди. Бу адолатли судловни таъминлашнинг муҳим элементи бўлган малакали юридик ёрдамдан тўсиқсиз фойдаланишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасида «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилган адвокатлар томонидан кўрсатилади», деб белгиланган. 9-Моддада эса, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар тоифалари санаб ўтилган, улар сирасига ўз ҳуқуқлари бузилган, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги² Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонуни 11 моддасида келтирилишча, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг қуйидаги йўналишлари бўйича кўрсатилади:

¹ Хужжат матни қуйидаги ҳаволада: https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CEDAW%2FC%2FGC%2F33&Lang=ru

² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2023 йил 16 июндаги ЎПҚ-848-сон Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида

- давлат фуқаролик хизмати соҳасида;
- сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда;
- иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида;
- меҳнат муносабатларида;
- ижтимоий ҳимоя соҳасида;
- оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида;
- таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида.

Ушбу қонуннинг 16-моддасида айтилишича, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар экстерриториаллик принципи асосида махсус ваколатли давлат органига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Жисмоний шахслар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун қуйидагиларни тақдим этади:

- ариза ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахс томонидан берилган тақдирда
- хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги билан боғлиқ иш судда кўриб чиқиляётганлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш тўғрисидаги ариза «Юридик ёрдам» ахборот тизимида рўйхатга олинади.

Юқорида кўзда тутилган ахборот махсус ваколатли давлат органи томонидан давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашинуви доирасида мустақил равишда электрон шаклда олиниши мумкин¹.

«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Қонунда камситишдан жабр кўрган шахснинг судга мурожаат қилиш тартиби батафсил кўрсатилган, шуни айтиб ўтиш керакки, бу тартиб анча меҳнат талаб қилади, шу сабаб, ундан фойдаланишнинг тез ва осон йўлини таъминлаш мақсадида уни анча соддалаштириш тавсия этилади.

29-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

¹ «Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги қонуннинг 16 моддаси, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 16.06.2023 йилдаги ЎРҚ-848-сон. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида



Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг 29-моддасида гендер тенглик соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ, хотин-қизлар ва эркеклар ҳуқуқларини бузганликда айбдор шахслар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси¹ қуйидагилар учун жавобгарлик белгилайди:

- шахвоний шилқимлик учун (41¹-модда);
- оиладаги (маиший) зўравонлик (59²-модда);
- жинс бўйича камситишни тарғиб қилганлик учун (189²-модда);
- тазйиқ ва (ёки) зўравонлик содир этган ёки уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун (206¹-модда).



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

41¹-модда. Шаҳвоний шилқимлик қилиш

Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

59²-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга

¹ <https://lex.uz/acts/97664>



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

189²-модда. Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш

Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш, шу жумладан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини очиқдан-очиқ инкор этиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш, худди шунингдек бундай хатти-ҳаракатларни омма олдида оқлаш ва (ёки) рағбатлантириш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

206¹-модда. Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик

Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.



Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси¹ оиладаги зўравонликка таалуқли бандларни ўз ичига олади.



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

126¹-модда. Оиладаги (маиший) зўравонлик

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) **меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга **соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш**, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир юз олтмиш соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга **соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш**, –

¹ <https://lex.uz/acts/111453>



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга **содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган** ва ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўлган **қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш**, –

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) жиноят содир этган шахсга ҳомиладорлиги маълум бўлган аёлга нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) ғаразли ниятларда;
- д) диний таассублар замирида;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- ж) такроран, хавfli рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97, 104 ва (ёки) 105-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- з) ўта хавfli рецидивист томонидан;
- и) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli



МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишга ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқишига ёки унинг функциялари тамоман йўқолишига, руҳий ҳолатнинг бузилишига ёки соғлиқнинг бошқача тарзда ёмонлашувига, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг йўқолишига ёки ҳомиланинг тушишига ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) вояга етмаган шахсга нисбатан;
- в) ўта шафқатсизлик билан;
- г) ғаразли ниятларда;
- д) диний таассублар замирида;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- ж) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- б) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 97 ва (ёки) 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- г) жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, –

ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу тарзда, кодексларда жинс бўйича камситиш ва зўравонликдан ҳимояланишга оид қоидалар мавжуд.

30-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

«Ижросини таъминлаш», «етказиш», «тушунтириш» сўзларининг маъносини яхшироқ тушуниш учун бу атамаларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.



СУБЪЕКТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

2017 йилнинг февралдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган аниқ давлат органлари, шу жумладан давлат бошқаруви органлари кўрсатилиши шарт эканлиги бўйича тартиб ўрнатилди¹.

1. Ижрочиларга етказиш аслида қонун матнининг тегишли вазирлик ва идораларга расмий тарқатилишида ифодаланadi.

Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни имзоланган куни қоғоз ва электрон шаклда у ҳужжатларни қабул қилган органлар томонидан Адлия вазирлигига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасига (Lex.uz) жойлаштириши учун юборилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (Lex.uz) расмий эълон қилиш – Адлия вазирлиги бир кунлик муддатда у норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Lex.uz порталининг «Расмий эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» бўлимига жойлаштиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февраль кунги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2761-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/3107753>.



СУБЪЕКТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

Адлия вазирлиги ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Мазкур функция доирасида Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказилишини таъминлайди¹.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бошқа давлат органларига ва ташкилотларга юбориш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан уларнинг матнларини улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келиб тушган куни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича электрон шаклда йўллаш орқали амалга оширилади².

Ҳужжатларни бундай расмий юбориш иккита мақсадни кўзлайди:

1. қонун матнини тарқатиш реестрига мувофиқ фақат тегишли вазирлик ва идораларга, улар уни белгиланган тартибда иш юритишлари, яъни ижро учун қабул қилишлари учун расмий равишда тақдим этиш;
2. манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан қонунлар ижросини ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Давлат органининг ҳар бир ходими қонун матни билан расмий ҳуқуқий ахборот манбалари орқали танишиши мумкин.

Шу билан бирга, барча қонунлар ҳар бир давлат органига тааллуқли бўлавермайди. Шу боис, етказиш жараёни, биринчи навбатда, қонуннинг қабул қилиниши сабабли ва унинг қоидаларига мувофиқ, ўз зиммасига муайян масъулият юклаши лозим бўлган жалб қилинган вазирлик ва идоралар доирасини аниқлашдан иборат.

Шу сабабли, қонун матни келиб тушгандан кейин етказиб бериш доирасида тегишли вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида тўлиқ ёки маълум бир қисмида унинг ижросини назоратга оладилар ва тегишли тартибда ижро этиш ишларини ташкил этадилар.

Жумладан, алоқадор вазирлик ва идоралар қонуннинг матнини қабул қилинган ҳужжат фаолиятига дахлдор бўлган ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ўз вақтида етказилишини ташкил этади, шунингдек, қабул

¹ «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/3681790>.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/3329163>.

қилинган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ўз ходимлари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради.

2. **Ижронинг таъминлаш** алоқадор вазирлик ва идоралар томонидан тегишли қонун ҳужжатларини рўйхатга олиш ва электрон ҳужжат айланиш тизимлари орқали мониторинг қилиш ҳамда ижро интизомини назорат қилиш йўли билан амалга оширилишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш жараёнини ўз ичига олади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг **ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органларнинг субъектлик таркибини** кўриб чиқамиз, хусусан¹:

- Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.



СУБЪЕКТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;
 - вазирликлар ва идораларнинг ишларини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этишга доир ваколатларини белгилайди;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш учун зиммасига жавобгарлик юклатиладиган вазирликларни, идораларни ҳамда мансабдор шахсларни белгилайди;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.
- **вазирликлар ва идоралар**, уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/5378966>.



СУБЪЕКТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

Вазирликлар ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижро этилишига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишига доир ишларни бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлар билан биргаликда ташкил этади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, тегишли тармоқда қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва, зарур бўлганда, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

- **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари** тегишли ҳудудда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.



СУБЪЕКТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) чоралар кўради;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, бошқа ташкилотлар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;



СУБЪЕКТЛАР ВА ВАКОЛАТЛАР

- тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини ўрганади ва зарур бўлганда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган тартибда юритади.

Ўз навбатида, Адлия вазирлигининг ваколатларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нафақат етказиб бериш ва уларнинг ижросини таъминлаш, балки моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ҳам киради.

Шундай қилиб, для вазирлиги ўз ваколатлари доирасида¹:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши масалалари юзасидан давлат органлари ва ташкилотларга тушунтиришлар беради ҳамда зарур ёрдам кўрсатади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши масалаларига доир услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилиши мониторинги ва таҳлилини ўтказиши, ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- давлат бошқаруви органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;
- давлат бошқаруви органларида ва ташкилотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси нуқтаи назаридан ижро интизомига риоя этилишини ўрганади, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлайди.

3. Қонуннинг **мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш** амалда унинг ҳуқуқий тарғиботини англади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/5378966>.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Умумий маънода **ҳуқуқий тарғибот** – бу давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини ҳар бир фуқарога тушунарли ва осон шаклда, ҳамма бирдек идрок этадиган ва тушунадиган, ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қила оладиган кўринишда етказишга интилишдир¹.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи ва (ёки) ишлаб чиқувчи органлар ушбу ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддатда ҳуқуқий тарғибот бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак².

Ҳуқуқий тарғибот қуйидаги усулларда амалга оширилади:

- конференциялар, учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказиш;
- оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларига мақолалар ва ҳуқуқий-ахборот материалларини жойлаштириш орқали;
- шарҳлар, рисоалар, плакатлар, буклетлар ва флаерлар тарқатиш;
- ижтимоий рекламалар (видеолавҳалар, инфографикалар ва бошқалар) ҳамда тарғиботнинг қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа турлари орқали.

31-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
- республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

¹ Ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишлари, <https://magnolia.kz/ksvedeniyu/24402-pravovaya-propaganda.html>.
² Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/3329163>.

Қонун ҳужжатларини янги қабул қилинган қонунга мувофиқлаштириш, айти масалаларга оид ҳуқуқий нормаларнинг кўплигини бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатларини уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали янги қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар тайёрланади¹.

Ушбу механизмнинг моҳиятини яхшироқ тушуниш учун биз ҳуқуқ тизимидаги иерархия ҳақида қисқача маълумот берамиз.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Ҳуқуқ соҳасидаги иерархия – бу ҳар бир қуйи даражадаги қонун ҳужжатнинг юқори даражадаги барча ҳужжатларга мос келишини назарда тутувчи, қонуний кучига қараб, маълум бир вертикал кетма-кетликда жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланмасидир².

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар икки гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳ – қонун ҳужжатлари (*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари*);

2-гуруҳ – қонуности ҳужжатлари (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари*).

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг сўзсиз устуворлиги тан олинади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади³. Оддий қилиб айтганда, **барча қонуности ҳужжатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши ва уларга зид келмаслиги шарт.**

¹ «Методические рекомендации по юридико-техническому оформлению законопроектов (редакция 2021 года)» (утв. ГД ФС РФ). 48. Приведение законодательства в соответствие с вновь принимаемым актом законодательства путем внесения изменений в акты законодательства [Қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш орқали қонун ҳужжатларини янги қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш], https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_379680/761e56d3c3cc4bc790d59ed933d5056eaf37f099/.

² Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархияси тўғрисида. Жанузаква Лейла Тельмановна, https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=32389460.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиқ маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/5378966>.



«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун 2019 йил 3 сентябрда қабул қилинган, бу Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришганига ва амалда ташкил этилганига 28 йил тўлганида содир бўлди. Табиийки, мазкур қонун қабул қилингунга қадар мамлакатимизда миллий қонунчилик шаклланган эди. Ўз навбатида, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун миллий қонунчиликка илгари унда назарда тутилмаган янги тушунчаларни олиб кирди. Масалан, ушбу Қонун жинсга кўра камситишларга йўл қўйилмаслиги тамойилини белгилаб берди. Ушбу принцип илгари қонунчилик даражасида мустақамланмаганлигини инobatга олиб, унинг жорий этилиши сабабли мамлакатдаги қонуности ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди. Шунга кўра, жинс бўйича камситишларга йўл қўймаслик тамойилига мос келмаслиги сабабли, хотин-қизларга нисбатан илгари мавжуд бўлган айрим касб-ҳунарларни эгаллаш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинди¹.

Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиришни ташкил этиш жараёнини тушунтиришдан олдин, ушбу соҳадаги баъзи ҳуқуқий ва техник талабларни кўриб чиқамиз.

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги сабабли аввал қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар ёки уларнинг қисмлари янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса, ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тўлиқ қамраб олинган ёки амалда юридик аҳамиятини йўқотган, лекин ўз кучини йўқотган деб расман тан олинмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилади.

Бир хил юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар, тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати ёки уларнинг кучга кирмаган деб топилган қисмлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида бўлиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши сабабли бир хил юридик кучга эга бўлган ва ўзгартириш, қўшимчалар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган кўп сонли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари мавжуд бўлса, кўрсатилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати мустақил ҳужжат билан расмийлаштирилади. Бундай ҳужжат лойиҳаси унинг ишлаб чиқувчиси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4235-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4230944>.

томонидан тайёрланади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан бир вақтда тақдим этилади.

Агар қайта кўриб чиқиш жараёнини тушунтирсак, яъни, қуйи даражадаги ҳужжатларни юқори даражадаги ноюрлик тилга мослаштириш, кейин эса, ишни қуйидагича ташкил этиш керак бўлади. Кўриб чиқилаётган Қонуннинг 30-моддасини шарҳлар эканмиз, унинг матни қабул қилингандан сўнг унинг ижросини ташкил этувчи манфаатдор вазирлик ва идоралар эътиборига ҳавола қилинишини айтдик. Демак, қонуности ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш ижро йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланганидан кейин Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Барча вазирликлар Вазирлар Маҳкамаси таркибига киришини ҳисобга олиб, уни мувофиқлаштириш билан қонуности ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш ишлари ташкил этилади. Масъул давлат органи, бунда Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, Оила ва хотин-қизлар масалалари қўмитаси мазкур Қонуннинг нормаларига номувофиқликларни аниқлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказди.

Агар номувофиқликлар аниқланса, қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади. Агар номувофиқликлар аниқланмаса, юқори турувчи ташкилотга билдиришнома юборилади.

32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Амалий фаолиятда ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши тартиби тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини билишни назарда тутди. Қонуний даъволарингизни ҳуқуқий нормага асослаш ёки ундан ўзингизни асоссиз даъволардан ҳимоя қилиш учун фойдаланиш пайтида ўша қонун бузилиши ва



зиддиятли муносабатлар пайдо бўлган пайтда ўша ҳуқуқий меъёр амалда бўлган ёки йўқлигини билиш зарур¹.



АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАЪРИФЛАР

Қонуннинг кучга кириши қонун ижодкорлиги жараёнининг якуний босқичи бўлиб, парламент томонидан қабул қилинган, давлат раҳбари томонидан имзоланган ва эълон қилинган қонун амалиётга татбиқ этилади².

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий манбаларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади³.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради⁴.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак ва бу нашрлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаси ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар:

- «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси»;
- «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами»;
- «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами»;
- «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари;
- «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси»;
- вазирлик ва идораларнинг расмий нашрлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари.

¹ Условия и порядок вступления в силу федеральных нормативных правовых актов [Федерал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш шартлари ва тартиби](Материаллар «Консультант Плюс» А мутахассислари томонидан тайёрланган), https://nlr.ru/lawcenter_rnb/RA1525/usloviya-i-poryadok-vstupleniya-v-silu-pravovyyih-aktov.

² Большой юридический словарь, https://big_law.academic.ru/190/Вступление_закона_в_силу.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/6445145>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/5378966>


Эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланилмайди ва улар кучга кирмаганлиги сабабли ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди. Расмий нашр – бу фуқаролар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатидир. Давлат фуқаролардан мазмуни уларга эътибор берилмаган қонунларга риоя қилишни талаб қила олмайди¹.

Бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш учун энг қулай расмий манба – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси бўлган Lex.uz портали ҳисобланади.

Lex.uz мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», шунингдек, «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги қонунлар билан мустаҳкамланган.

Мазкур қонунларга мувофиқ, фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси – «Lex.uz»дан фойдаланиши бепул. Исталган шахс ўзини қизиқтирган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари билан Интернет орқали танишиши мумкин.

Хусусан, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси – «Lex.uz»да расман эълон қилинган.



Бу қонунинг **кучга қилиш санаси**: «03.09.2019» (яъни, 2019 йил 3 сентябрь). Бундан келиб чиқадики, ушбу санада кўриб чиқиладиган Қонун расмий эълон қилиниб, тегишли равишда кучга кирган.

¹ Условия и порядок вступления в силу федеральных нормативных правовых актов [Федерал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш шартлари ва тартиби](Материаллар «Консультант Плюс» А мутахассислари томонидан тайёрланган), https://nlr.ru/lawcenter_rnb/RA1525/usloviya-i-poryadok-vstupleniya-v-silu-pravovoyih-aktov.



Бунда давлат тилидаги матн юридик кучга эга эканлиги эътиборга олиниши лозим.

The screenshot shows the LexUZ online legal database interface. The main content area displays the text of a law: 'ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА'. It includes the date of adoption (03.09.2019) and the date of publication (2019 йил 17 августда қабул қилинган). The document is categorized under '1-боб. Умумий қоидалар' and '1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади'. The purpose of the law is to ensure equality of rights and opportunities for women and men in the sphere of guaranteed social security.

Қонунчиликка мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан давлат тилида қабул қилинади. Зарур бўлганда, у бошқа тилга таржима қилиниши мумкин. Давлат тилидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан унинг бошқа тилдаги матни ўртасида тафовут бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат тилидаги матни қўлланилади¹.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/ru/docs/5378966>.



Министерство юстиции
Республики Узбекистан

КОММЕНТАРИЙ
к Закону Республики Узбекистан
«О гарантиях равных прав и возможностей
для женщин и мужчин»

К **5** летию
со дня вступления
Закона в силу

Настоящий комментарий к Закону Республики Узбекистан «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» подготовлен с учетом внесенных в его действующую редакцию изменений и дополнений по состоянию на 1 июля 2024 года.

Комментарий рассчитан для широкого круга читателей, в частности государственных гражданских служащих, судей и сотрудников правоохранительных органов, представителей негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества, экспертов и специалистов, преподавателей, студентов, магистрантов, докторантов, а также граждан, интересующихся законодательством и участвующих в нормотворческой деятельности.

Комментарий подготовлен в рамках Программы USAID по правовой реформе в Узбекистане и приурочен к пятилетней годовщине со дня принятия данного Закона.

Данная публикация стала возможной благодаря помощи американского народа, оказанной через Агентство США по международному развитию (USAID). Tetra Tech DPK (Тетра Тек ДПК) несет ответственность за содержание публикации, которое не обязательно отражает позицию USAID или Правительства США.

Под общей редакцией Председателя Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, руководителя Республиканской комиссии по вопросам повышения роли женщин в обществе, гендерного равенства и семьи **Нарбаевой Т.К.**

Ответственные редакторы: Назарова Р., Рахимова М.

Рецензенты:

Заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан Махкамова З.Б.

Председатель Комитета семьи и женщин Республики Узбекистан Парпибаева О.А.

Авторский коллектив:

Малика Кадирханова, председатель Комитета Сената Олий Мажлиса по вопросам женщин и гендерного равенства – статья 10.

Лола Саидова, доктор юридических наук, профессор, главный научный сотрудник Института стратегических и региональных исследований при Президенте Республики Узбекистан – статьи 9, 11, 12, 14, 15, 18, 19.

Фозилжон Отахонов, доктор юридических наук, профессор Высшей школы судей – статьи 16, 17, 21, 22.

Гульнора Ишанханова, эксперт Международной комиссии юристов – статьи 24, 28, 29
